

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

РАХМОНОВ БАХТИЁР ШАРОФИДДИНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340901 – «Бухгалтерия ҳисоби»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н., доц. Н.Ф.Ишонқулов
(имзо)

Магистратура директори: _____ и.ф.н., доц. У. Ортиқов
(имзо)

ТОШКЕНТ -2016

Диссертация
МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

**1-БОБ. ҚИШЛОҚ ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТУТГАН
ЎРНИ ВА УЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Қишлоқ иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрни 12
- 1.2. Фермер хўжалигининг тавсифи ва унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий асослари 25
- 1.3. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг услубий жиҳатлари 30

**2-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ
АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШДАГИ
РОЛИ**

- 2.1. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили 38
- 2.2. Фермер хўжаликларида ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлилининг такомиллаштириш 55
- 2.3. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини таҳлили ва унинг хўжаликни бошқаришдаги роли 71

**3-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

- 3.1. Фермер хўжаликларининг молиявий натижалари таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари 87
- 3.2. Фермер хўжаликларининг тўлов қобилияти ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили 107

ХУЛОСА 124

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 128

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми шу соҳада етиштирилади. Аҳолининг 60 фоиздан ортиқ қисми қишлоқда яшайди. Шунинг учун соҳани ривожлантириш масаласига мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларданок катта эътибор берила бошланди, яъни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор Қонунлар, Фармонлар ва Қарорлар қабул қилинди, натижада ушбу соҳада улар ўз самарасини бера бошлади. Шулар орасида Президентнинг 2003 йил 24 мартда «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўллари тўғрисида» қабул қилган Фармони қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Мазкур Фармон қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг асосий субъекти сифатида фермер хўжалигини ривожлантиришни устувор йўналиш деб белгилаб берди. Шундан кейин фермер хўжаликлари сони ҳам, улардаги ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ўсди ва ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда устувор йўналишга айланди. Шунинг эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бугун зарурат йўқ.

Бу борада Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганларидек: “...иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010

йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятининг барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Бу замон талабидир. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Хўжалик юритувчи ҳар бир фермер хўжалигининг фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва иқтисодини мустаҳкамлаш имкониятлари аниқланади. Шунинг учун билим олаётган ҳар бир талаба, ҳар бир мутахассис ҳамда фаолият кўрсатаётган фермер иқтисодий таҳлилни ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатдан яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак.

Шу жиҳатдан олганда, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари, шу жумладан иқтисодий таҳлил мукамал ишлаши керак. Иқтисодиёт секторида бозор

муносабатларини чуқурлаштириш ушбу соҳада иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли, фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаб беради. Фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилиш, уларнинг молиявий ҳисоби ва ҳисоботлари таҳлилининг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ушбу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш ҳамда уларда фойдаланиладиган манбалар билан таъминланганликни такомиллаштирилиб борилиши бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжаликларининг фаолиятини тартибга солишда ва унинг назоратини олиб боришда иқтисодий таҳлилнинг ўрни катта ҳисобланади, шу нуқтаи назардан иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этилиши ва ахборот манбаларидан самарали фойдаланилиши таҳлил самарадорлигини оширади ҳамда корхоналарни оқилona бошқариш имкониятини беради. Мазкур ҳолатларни эътиборга олган ҳолда фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишни ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни такомиллаштириш мазкур магистрлик диссертацияси иши долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини баҳолашда таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини такомиллаштириш масалалари хорижий ҳамда МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари томонидан ҳам бир қадар ўрганиб келинган. Бундай иқтисодчи олимлардан Х. Хелферт, Б. Нидлз, А.Аренс, К.Лоббек, П.Камышанов, Н.Бернстайн, М.Ефимова, В.Савицкая, Е.Козлова, Н.Парашютин, М.Баканов, А.Шеремет ва бошқалар

фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг маълум бир томонларини ўрганиб, ушбу жараёнларни ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшган ва қўшмоқдалар.

Республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан М.Шарифхўжаев, А.Абдукаримов, Э.Акрамов, М.Пардаев, А.Ваҳобов, А.Сотиволдиев, Ё.Абдуллаев, М.Тўлахўжаева, Б.Ҳасанов, А.Т.Иброҳимов, А.А.Каримов, М.Рахимов, А.К.Ибрагимов, Б.Қ.Хамдамов, Т.Қудратов, Ф.Жонибеков, Ш.Файзиев, Т.Шагиясов, Б.Ж.Ҳакимов, Н.Ф.Ишонқулов ва бошқаларнинг илмий фаолиятларида ҳам фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари маълум даражада ўрганилган.

Фермер хўжаликларининг иқтисодий таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлиги уларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишни такомиллаштиришни ўта зарурлиги, комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг нақадар долзарб эканлигидан далолат беради ва бу йўналишда магистрлик диссертацияларини амалга ошириш лозимлигини келтириб чиқаради.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш, таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари таҳлили бўйича назарий, амалий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлиги билан белгиланади.

Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда **магистрлик диссертацияси олдида** қуйидаги вазифалар қўйилди:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг аҳамияти ва заруриятини ўрганиш ҳамда баҳолаш;

- Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрнига баҳо бериш;
- фермер хўжалигига иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тавсиф бериш ҳамда унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий жиҳатларини ўрганиш;
- фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг услубий жиҳатларини ўрганиш;
- фермер хўжаликларининг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг назарий ва услубий жиҳатларига баҳо бериш;
- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига баҳо бериш ҳамда мавжуд имкониятларини очиб бериш;
- фермер хўжаликларида ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини аниқлаш, таннархнинг ўзгаришини фермер хўжалигини фаолиятига таъсирини баҳолаш;
- фермер хўжаликларининг молиявий натижаларини ва тўлов қобилиятини баҳолаш ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳақозо.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этилиши долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, мен магистрлик диссертация ишимни ***“Қишлоқ иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш шароитида фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ва уни такомиллаштириш”*** мавзусида ёзишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Татқиқотнинг предмети ва объекти. Тадқиқот ишининг объекти бўлиб Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Бекқул бобо» фермер хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий, ҳуқуқий ва услубий асослар ҳамда жараёнлар тадқиқотнинг предметини ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, Инқирозга қарши чоралар дастури, Президент И.Каримов асарлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари тадқиқот ишининг назарий асослари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари иқтисодиётнинг турли соҳаларига, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига тегишли Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент И.Каримов Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Статистика қўмитаси, Миллий олимпия қўмитасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда йўриқномаларини, шунингдек, иқтисодий таҳлил бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини ташкил этади.

Илмий изланиш давомида услубий асос сифатида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор метод ва услубларидан кенг фойдаланилди. Яъни илмий изланишда диалектик метод, тизимли ёндошув, қиёсий баҳолаш ва таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий иш мавзуси бўйича назарий ва амалий тажрибаларни ўрганган ҳолда, фермер хўжаликларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қўйидаги натижаларга эришилди:

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг аҳамияти ва зарурияти ўрганилди ҳамда баҳо берилди;

– Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрнига баҳо берилди;

- фермер хўжалигига иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тавсиф берилди ҳамда унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий жиҳатлари ўрганилди;
- фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг услубий жиҳатлари ўрганилди;
- фермер хўжаликларининг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг назарий ва услубий жиҳатларига баҳо берилди;
- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига баҳо берилди ҳамда мавжуд имкониятлари очиб берилди;
- фермер хўжаликларида ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги аниқланди ҳамда уларга таъсир этувчи омилларга баҳо берилди;
- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи аниқланди, таннарх ўзгаришини фермер хўжалигининг фаолиятига таъсири баҳоланди;
- фермер хўжаликларининг молиявий натижалари ва тўлов қобилияти баҳоланди ва уларга таъсир этувчи омиллар аниқланди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган таклифлар ва тавсияларни амалиётда қўллаш республикамізда фаолият корсатаётган фермер хўжаликларида, шу билан бирга «Беккул бобо» фермер хўжалигида иқтисодий таҳлил ишларини такомиллаштириш имконини беради. Илмий ишда билдирилган таклиф ва тавсиялар аудиторларга иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш бўйича ҳамда мазуга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Татқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация Тошкент молия институти Магистратура бўлими “Молиявий таҳлил” кафедрасида бажарилган.

Диссертациянинг асосий ғоялари ва мазмуни Тошкент молия институтида ўтказилган магистрларнинг анъанавий илмий-амалий конференциясида ҳамда 2011 йил 27 майда ўтказилган “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия-кредит ва ҳисоб тизимини

такомиллаштириш масалалар” мавзусидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза тарзида баён қилинган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши унинг мақсади ва вазифалари билан белгиланади. Диссертация иши таркибий тузилишига кўра кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир. Магистрлик диссертациясининг асосий мазмун ва моҳияти тегишли параграфларда тўлалигича ёритиб берилган.

1-БОБ. ҚИШЛОҚ ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрни

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ислохотлар ўтказила бошланди. Жумладан, республикаимиз мустақилликга эришганида аграр-индустриал мамлакат бўлганлиги сабабли ҳам даставвал қишлоқ хўжалиги тизимида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бошлаб юборилди. Бундай ислохотларнинг натижалари ўларок мамлакатимизда янги бир хўжалик субъектлари, яъни деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил топа борди.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган аграр-иқтисодий сиёсат, энг аввало тармоқ ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлов ва сотиш жараёнларида кооперация тизимини шакллантириш; агросервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам, республикаимиз Президенти И.Каримов: «Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш тараққиётида энг устувор бўғин ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар жараёнининг қанчалик чуқурлашуви, фермер хўжаликларида ислохотларнинг бориши, ислохот ғояларини қишлоқ аҳолисининг кенг қатлами томонидан қандай қабул қилиниши бутун халқ хўжалигида иқтисодий ўзгаришларнинг боришига боғлиқ бўлади» деб таъкидлаган.

Республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади – ўз ери, маҳсулоти ва даромадига эга бўлган ҳақиқий мулкдорлар синфини яратиш ва уларни кўпайтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам республика қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ичида энг истиқболли,

меҳнаткашларда мулкка, ерга, маҳсулотга эгалик ҳиссини уйғотишга шароит яратадиган хўжалик юритиш шаклларида бири бу – фермер хўжалигидир.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари ичида фермер хўжаликлари янги хўжалик субъекти бўлганлиги боис, бундай хўжаликларнинг ижтимоий, техникавий, молиявий ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда статистика тизимларида ханузгача маълум камчиликлар мавжуд. Айниқса, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва статистикани тўлиқ жорий этиш ҳамда иқтисодий таҳлил ишларини такомиллаштириш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Бизнингча, фермер хўжаликларида ҳисоб ва ҳисобот шакллари ҳамда уларнинг статистикасини ташкил этиш ва юритишда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилмоқда:

- Республикамизда фаолият юритиб келаётган аксарият фермер хўжаликларида ҳисоб ва ҳисобот ишларини юритувчи алоҳида “бухгалтер” штати жорий этилмаганлиги, борларида ҳам маълумоти паст бўлган бухгалтерлар фаолият юритиши;
- Аксарият фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳисобини ва унинг статистикасини тўлиқ ташкил этмаганлиги ҳамда уларнинг натижасида статистик маълумотларнинг ҳам тўғри, тўлиқ ва ишонарли бўлишига таъсир этиши;
- Фермер хўжаликларида хўжалик жараёнларини ҳисобга олувчи бошланғич ҳисоб регистрларининг ҳозирги шароитда мос шакллари мавжуд эмаслиги ва борлари ҳам ўз вақтида фермер хўжаликларига етиб бормаётганлиги;
- Бугунги кунда аксарият фермер хўжаликлари молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ва уларнинг статистикасини тўлиқ, аниқ ва тўғри юритишга ҳаракат қилгани ҳолда, бошқарув ҳисобини деярли юритилмаётганлиги (яъни етарлича эътибор берилмаётганлиги);
- Бошқарув ҳисобининг тўлиқ ташкил этилмаганлиги боис, фермер хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг калькуляцияси ва статистикасини тўғри шаклланмаётганлигини,

амалдаги сарф меъёрлари билан бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги сарф миқдорини бир-бирига мос келмаслиги ҳамда статистик маълумотларнинг бузилишига олиб келиши;

- Статистик кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб ишларини юритишда талаб этиладиган қатъий ҳисоб бланка (ҳужжат)ларининг мавжуд эмаслиги ҳамда фермер хўжаликларининг фаолиятларини акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар ва уларни акс эттирувчи махсус ҳисоботлар яратилмаганлиги, яъни масалан, бирор экин турини етиштириш учун сарфланган товар-моддий захираларини ҳисобга олувчи бухгалтерия регистрларининг фермер хўжаликларининг хусусиятларига мослаштирилмаганлиги ва ҳақозолар.

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида амалий ва илмий изланишлар олиб боришимиз натижасида бир қатор илмий асосланган таклифларимизни илгари сурмоқчимиз.

Даставвал, Президентимиз ташаббуси билан фермер хўжаликларининг ташкилий тузилмаларига катта эътибор қаратилаётган ҳозирги бир шароитда уларнинг бошқарув тизимини замон талабларига мос ҳолда ташкил этишни йўлга қўйиш ҳамда фермер хўжаликларида қатъий тартибда доимий фаолият юритувчи «бухгалтер» штатини жорий этиш айтиш вақтда мақсадга мувофиқдир. Чунки доимий фаолият юритувчи бухгалтер зиммасида бухгалтерия ишларини тўғри юритиш бўйича масъулият юкланган бўлади ва у бунинг доим сезиб туради.

Фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларини ташкил этишга, сўзсиз, ишлаб чиқариш ва ихтисослашувнинг ташкилий шакллари таъсир кўрсатади. Бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳисобни ташкил этиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш жараёнларининг ҳисоб таъминотига оддий ҳисоб тизимини қўллашимиз тўлиқ мос келиши мумкин. Унинг асосини “қирим-чиқим” тамойили бўйича

хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китобини тўғри юритиш ташкил этади.


Фермер хўжаликларида кўп тармоқли ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳисоб объектларининг, умуман ҳисоб ишларининг кўпайишига олиб келади. Шу муносабат билан уларни бир тизимга келтириш ва ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолиятни амалга ошириш устидан назорат қилиб бориш зарурияти вужудга келади. Шунинг учун ҳисоб дафтарчасининг бир қатор регистрлари ёки фермернинг унчалик мураккаб бўлмаган ёзув дафтарчаси ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар регистри тизимидан айрим счётларни қўллаб улар фаолиятини ҳисобга олишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисобининг яхши йўлга қўйилмаганлиги боис, уларнинг статистикасини юритишда ҳам маълум муаммолар пайдо бўлмоқда. Бундай муаммолардан бири фермер хўжаликларининг хусусиятларига мос бўлган статистик кўрсаткичлар тизими мукамал яратилмаганлигидир. Яъни, ҳозирга қадар ҳам фермер хўжаликларининг статистик маълумотлари умумлаштирилаётганда қишлоқ хўжалиги статистикасидан фойдаланилиб келинмоқда. Шу сабабли бизнинг фикримизга кўра қишлоқ хўжалиги статистикаси таркибида фермер хўжалиги статистикасини яратиш, уларнинг хусусиятларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини яратиш ҳамда фермер хўжаликларининг статистик ҳисоботларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, республикамизда бугунги кунда фермер хўжаликларига бўлган эътибор юқори бўлиб, уларнинг жорий фаолиятида бухгалтерия ҳисобини ва у асосидаги статистикани тўғри юритишни ташкил этиш орқали мамлакатимизнинг асосий экспорт салоҳиятини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайишига ва бунинг натижасида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлашишига кўмаклашган бўламиз.

Демак, қишлоқ турмушини янада яхшилаш, бошқача айгганда, бизни боқаётган, мамлакатимиз бойлигини яратаётган одамларга меҳр кўрсатиш, уларнинг ишлаши, яшаши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришга бутун мамлакат миқёсида бел боғлангани ҳеч шубҳасиз хайрли, адолатли қарор бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 63,7 фоизи ёки 16,5 миллион киши 159 та қишлоқ ва 1459 та қишлоқ (овул)ларида истиқомат қилади.



Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;

- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкӣ муносабатларни, янги ўрта табақа вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган. Давлат асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банд ўз ифодасини топган (1-жадвал).

Президентимиз ўз маърузаларида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар. Бу эса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш,

янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини маъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқишнинг таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

1 – жадвал

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлимлар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва маъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаш-тириш ва мустаҳкамлаш
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларнинг қуришни лойиҳа-лаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаш-тиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш

III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
IV	Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш
V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароит яратиш
VI	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкый муносабатлар, ўрта табақа - мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
VII	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлажалланган ва тасдиқланган Даавлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора – тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлагини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
IX	Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларида мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Бу вазифаларни бажариш учун махсус “Қишлоқ – қурилиш – лойиҳа” лойиҳа – тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўла қонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар қуйиш керакки, жорий йилнинг ўзидаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, компо-зицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки раво йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига – бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спортиншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими – ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак.
И.Каримов (асаридан).

технологияларни кенг жо-рий этиш даркор.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари “�зқурилишматериаллари” компанияси билан биргаликда маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ ғишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этиш, мавжуд норуда коннларини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишга доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши лозим.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш зарур.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда – яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз, авваламбор, иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Тўртинчидан, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817 сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд. сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумаладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада

ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаб суғоришни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

«Қишлоқ таракқиёти ва фаравонлиги йили» Давлат дастурида белгилаб берилган муҳим чора-тадбирлар ва уларни молиялаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳажми тўғрисидаги маъулотлар билан мазкур ўқув-услубий қўлланма сўнгида келтирилган илова орқали батафсил танишингиз мумкин.

Қуйида эса мазкур дастурда амалга оширилиши лозим бўлган айрим вазифаларни келтирамиз.

Ахборот технологиялари соҳасида:

- 72 та телефон станциялар шохобчалари қайта таъмирланади.
- 3360 та мактаб, 2388 та мактабгача тарбия муассасалари, 1249 та қишлоқ врачлик пунктлари, 93 та коллеж ва 70 та шифохона телефон тармоқлари билан таъминланади.
- 20 та почта алоқаси хизмати ишга туширилади. Бу алоқа кенглиги 200 та чекка қишлоқлардаги аҳолини ҳам қамраб олади.

Қайта таъмирлаш ва тиклаш соҳасида:

- 2009 йилда Давлат бюджети асосида қишлоқларда 1836 км. узунликда янги водопровод қувурлари қурилиши режалаштирилган.
- “Ўзбекэнерго” Давлат акционерлик компанияси 7458 км.ю узунликдаги электр тармоқларини қайта таъмирлаш ва 1050 км майдонда янги электр тармоқларини қуради.
- “Ўзтрансгаз” давлат акционерлик компанияси 3660 км. узунликда газ қувурларини капитал таъмирлаш ва қайта реконструкция қилишни ўз зиммасига олди.

- “Ўзавтойўл” Давлат акционерлик компанияси томонидан 1914 км. масофадаги хўжаликлараро йўллар таъмирланади. Бу қишлоқ хўжалиги транспортларининг ҳаракатланиши учун қулайлик яратиш демакдир.

Таълим соҳасида:

- 733 та умумтаълим мактабларида 207562 та ўқув ўринлари фойдаланишга топширилади.
- 6 та академик лицейлар ва 164 касб-хунар коллежларида 96660 ўқув ўринлари учун 430, 700 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилади;
- 168 та болалар спорти учун қурилиш майдонларига 29,700 млрд. сўм сарфланади;
- 615 та мактабни капитал таъмирлаш;
- 355 та мактабни жорий таъмирлаш;
- 1703 та умумтаълим мактаблари мебель, ўқув лобараториялари ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш амалга оширилади.

Иш билан таъминлаш бўйича:

- 2009 йил давомида қишлоқларимизда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари қурилади. 65 мингдан ортиқ аҳоли учун тўқимачилик, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ишга туширилади.
- Муассасаларни кооперативлаштириш эвазига кам эътибор қаратилиб, 70 дан ортиқ касаначилик иш жойлари яратилади.
- Кичик корхоналар ва фармонларнинг ривожланиши, қурилиш ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши эвазига 110 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади.
- Шу йил 130 минг таълим муассасалари битирувчилари иш билан таъминланади.
- Маиший хизмат ва сервис хизмати тизимларида ҳам 140 минг янги иш ўринлари яратилади.

Моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича:

- Фермер хўжаликлари юртимизда ишлаб чиқарилган 7550 дона қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланади. Жумладан, лизинг операциялари ҳисобидан 5900 та умумий миқдорда 130,3 млрд. сўм ажратилади.
- Чорва, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи 12 та ишлаб чиқариш корхонаси илғор технологиялар билан жиҳозланади ва замонавийлаштирилади, 8 та ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилади;
- Чорва озукалари етиштириладиган майдонлар 324,6 минг гектарга, омихта ем ишлаб чиқариш 804 минг тоннага етказилади.
- Ҳар бир қишлоқ туманида 98 та янги ветеринария пунктлари, 2 тапаррандачилик фермерлари ташкил этилади.

Турар жойлар барпо этиш бўйича:

- Мазкур йилда қишлоқ жойларда умумий майдон 7100 минг кв.км бўлган турар-жойларни барпо этиш режалаштирилади.
- Ипотекабанк томонидан 87,9 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари аҳоли шахсий уй-жойлар ва қишлоқ аҳолиси яшаш шароитларини яхшилаш учун ажратилади.

Тиббиёт хизмати соҳасида:

- 2009 йил бошидан қишлоқ жойларида яшовчи икки ёшгача бўлган 100 фоиз болаларнинг иммунитетини ошириш ва касалликка қарши эмлаш тартиблари учун 4,9 млрд. сўм ажратилади.
- Қишлоқ жойларида касалликнинг олдини олиш ва даволаш тартибларининг сифати ва самарадорлигини комплекс тарзда амалга ошириш учун 18,7 млрд.дан ортиқ маблағ сарфланади.
- Жорий йилда қишлоқ касалхоналари, қишлоқ врачлик пунктлари, фахрийлар санаторийлари «Мурувват» уйларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади.

1.2. Фермер хўжалигининг тавсифи ва унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий асослари

Республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташқил этиш жараёни кенгайиб бормоқда. Бу иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг негизини ташқил қилади. Маълумки, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Фермерлар бозор иқтисодиёти шароитида бошқа тадбиркорлар каби мустақил фаолият кўрсатадилар, уларда ер ва бошқа мулкларга эгалик ҳиссиёти ривожланиб боради.

Ўз хусусий мулкига эга бўлган фермер хўжалиги аъзоларида, мулкка эгалик ҳиссиёти ошади, меҳнатга бўлган муносабати тубдан ижобий томонга ўзгаради, боқимондалик кайфияти йўқолади, оқибатда харажатларни тежаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга, ҳамда арзон, сифатли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган иштиёқ, интилиш ошади.

Фермер хўжалиги деганда қандай субъект тушунилади? Фермер хўжалигининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунининг 3-моддасида келтирилган, яъни «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб қонунда унинг мазмуни лўнда қилиб баён қилинган. Демак, фермер хўжалиги ижарага олинган ер участкаларида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхонаси бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришни юритиш учун ер участкалари танлов асосида эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Ўсимликчилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижара асосида бериладиган ер участкаларининг энг кам

ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик йўналишлари учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик йўналишлари учун камида 1 гектарни ташкил қилиши керак.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида чорва моллари сони камида 30 шартли бошга тенг бўлган тақдирда ташкил этилади. Ижарага бериладиган ер участкаларининг ўлчами 1 шартли бош чорва моли учун Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида – камида 0,45 гектарни, лалмикор ерларда эса камида 2 гектарни ташкил қилиши керак.

Чорва молларининг шартли бош сонини аниқлашда қуйидаги коэффицентлардан фойдаланилади:*

Қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун	- 1,0
Ёш қорамоллар учун	- 0,6
Қўй ва эчкилар учун	- 0,1
Чўчқалар учун	- 0,3
Паррандалар учун	- 0,025

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида қайд қилинган ихтисослашувга мос ҳолда ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. **Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш** тарафларнинг келишувига асосан пул

* ВМнинг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорига 3-илова «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби». 212-бет.

ҳамда натура шаклида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотини ўзи реализация қилади. Бу жараёни у юридик ва жисмоний шахслар билан тўзилган хўжалик шартномалари негизда амалга оширади.

Фермер хўжалигининг фойдаси солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин фермер хўжалиги бошлиғининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди.

Фермер хўжалиги узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит турларидан фойдаланади. Ишлаб чиқариш аҳамиятига молик бўлган объектлар қуриш ва асосий ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлардан, жорий ишлаб чиқариш фаолиятини юритишда зарур бўлган моддий ресурсларни шакллантириш учун қисқа муддатли кредитлардан фойдаланади. Уларни у кредит шартномаси асосида амалга оширади.

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини бухгалтерия ҳисоби орқали ҳисобга олиб боради, улар асосида маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни тағдим этади. Ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлар объектив ҳолатда тасвирланган бўлиши керак, чунки уларнинг фаолиятига четдан баҳо беришда улар асос бўлади. Ҳақиқий ҳисобот маълумотлари иқтисодиётнинг тараққиётини объектив таърифлайди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда статистик ҳисобот маълумотлари асосида фермер хўжалиги фаолиятининг натижалари таҳлил қилинади ва хулосалар чиқарилади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий манбаи бўлиб, ҳисобот маълумотлари ҳисобланади. Ушбу маълумотлар асосида фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилинади.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси ва шу жумладан фермер хўжалиги ўзини ривожланиши ва тараққий этиши учун фойдали фаолият кўрсатиши зарур. Фойда – ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиши ва тараққий этишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун фойдани кўпайтириш имкониятларини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиш таҳлилнинг асосий мақсадидир. Шу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда фермер хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини ва хўжалик фаолиятининг таҳлилини тўғри ташкил қилиш зарур, чунки шуларни тўғри йўлга қўймасдан туриб, фойдани кўпайтириш имкониятларини аниқлаш ниҳоятда қийин. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш масаласи Республика Президенти И.Каримовнинг ҳам ҳар доим диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Масалан, у ўзининг «Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» асарида «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри йўлга қўймасдан туриб, қишлоқ хўжалигида бирор-бир муваффақиятга эришиш мумкин эмас» деб қайд қилган. Таҳлилнинг аҳамиятига келсак, у ҳам Президентнинг кўп асарларида, Фармон ва Фармойишларида ўз аксини топган. Масалан, унинг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойишида қайд қилинган. Ушбу фармойишнинг деярли ҳар бир бандида у ўз аксини топган. Президент томонидан айтилган бу фикрлар ва у томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бежиз юзага келган эмас. Ҳақиқатда ҳисоб-китоб ишларини ва хўжалик фаолиятининг таҳлилини тўғри ташкил қилмасдан туриб, ишлаб чиқаришни фойдали соҳага айлантириш мумкин эмас. Ишлаб чиқаришдаги мавжуд имкониятларни топишда таҳлилнинг роли ниҳоятда катта эканлигини ҳар бир ўқувчи, мутахассис ва фермер билиши керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи ҳамда фаолият кўрсатаётган мутахассис ва фермер Президентимиз фикрлари ва йўл-йўриқларига амал қилиб, фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ўз вақтида таҳлил қилиш, қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳамда мавжуд имкониятларни топиш ва уларни ўз вақтида ишлаб чиқаришга жалб қилиш йўллари, усуллари ва қоидаларини яхши билиши зарур. Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатдан онгли ва махсус билимга суянган ҳолда ўрганиш албатта фермер хўжалигининг

тараққий этишига ва унинг иқтисодиётининг мустаҳкамланишига, қолаверса, мамлакатимизнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига сабабчи бўлади. Бу ҳақиқатни билимни эгаллаётган ёшларимиз-талабаларимиз эсда сақламоғи зарур.

Иқтисодий таҳлилни яхши ўзлаштириш орқали хўжалик фаолиятининг пировард натижаси – фойдасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш асосида мавжуд бўлган имкониятларни кўрсатиш таҳлилчининг – ҳар бир мутахассис ва фермернинг ҳамда ўқувчининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун таҳлилчи фермер хўжалиги фаолиятининг таҳлилини амалга оширишда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиши зарур:

1. Ишлаб чиқариш жараёнининг натижаларини қиёслама ва омилли таҳлил қилиш орқали ўрганиш;
2. Маҳсулотларни сотиш ва сифатини ифодаловчи жараён кўрсаткичларини аҳволини ўрганиш;
3. Хўжаликнинг моддий ресурслар билан таъминланиш аҳволини ва улардан фойдаланиш даражасини омилли таҳлил қилиш;
4. Маҳсулот таннархини чуқур ўрганиш;
5. Меҳнат унумдорлиги даражасини ўрганиш;
6. Моддий манфаатдорлиги аҳволини омилли таҳлил қилиш;
7. Хўжаликнинг молиявий аҳволини ва унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсир доирасини ўрганиш.

Ушбу вазифаларда акс эттирилган ҳар бир жараён натижаларини ўрганиш ва уларни ўзаро бир-бирига боғлаш орқали ҳар бирида мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаб, хулоса чиқариш йўллариини ўқувчига-талабага ва фаолият кўрсатаётган фермерга ўргатишни услубий қўлланма муаллифлари ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ушбу магистрлик диссертацияси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди. Маълумки, ҳисобот маълумотлари ўз долзарблигини тез

йўқотади, аммо, улар асосида таҳлил ўз вақтида амалга оширилса, фермер хўжалиги фаолиятини баҳолашда катта рол ўйнайди, яъни хўжаликни ривожлантириш учун зарур бўлган кучли томонларни ва бартараф қилиниши керак бўлган заиф томонларни аниқлашда ҳамда келгусида асосий ишлаб чиқариш йўналишларини танлашда муҳим рол ўйнайди. Фермер хўжалигининг кучли ёки заиф бўлиб туриши қисқа муддатли жараёндир. Шунинг учун хўжалик фаолиятининг натижаларини ҳисобот маълумотлари асосида пухта ва чуқур таҳлил қилиш, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига сабаб бўлувчи барча омилларни ва келажақда уларнинг такрорланиш эҳтимолини аниқлаш ҳамда улар бўйича чора-тадбирлар кўриш учун асос бўлади. Демак, ўқувчи, мутахассис ва фермер таҳлилни яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак. Таҳлилни яхши билиш – муваффақият гаровидир.

1.3. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг услубий жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Фермер хўжаликлари иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Фермер хўжаликларида таҳлилий ишларни муваффақиятли, самарали ўтказилиши уни ҳар томонлама ўйлаб, синчиклаб ташкил қилинишига боғлиқ. Уни ўтказилиши илмий характерга асосланган ва режа асосида амалга оширилиши лозим. Таҳлил ишлари олиб борилаётганда, у бир неча босқичларни босиб ўтади. Ушбу босқичларни босиб ўтиш жараёнида ҳар бир босқичнинг мазмуни олдиндан аниқланиши керак ва уларнинг бажарилиши маълум томонларга асосланган бўлиши лозим. Асосланиши лозим бўлган томонлар эса қуйидагилардан иборат:

1. Фермер хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш - бошқаришда қарор қабул қиладиган ҳар бир раҳбар, менежернинг хизмат бурчидир. Шундай қилиб бундан чиқадиган зарур тамойил бу таҳлил ишларини бажарувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш;

2. Ишлаб чиқариш тармоқларида таҳлил ишларини ташкил қилишда энг зарур тамойиллардан бири унинг тежамлилиги, яъни кам харажат қилиб юқори самарага эришиш;

3. Таҳлил ишларини ташкил қилишда яна бир тамойил уни ўтказишни назорат қилиб бориш.

Фермер хўжаликлар иқтисодий-молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир ходим корхонанинг бошқарув ва молиявий ҳисобот шакллари эркин ўқишни, унинг моддаларини тушунишни, шунингдек, хулосалар чиқариш ва тавсиялар беришни билиши керак.

Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ихтиёрийлик ва амалиётдаги тажриба ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда таҳлил ишлари ташкил этилади. Таҳлилни ташкил этишда ўрганиладиган мавзуларнинг кўлами ва аҳамиятига қараб иқтисодчилар билан бир қаторда

корхонанинг барча мутахассислари ҳамда оддий ишчисигача иштирок этишлари мумкин бўлади.

Фермер хўжаликлари иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг зарурияти ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янада ортган бўлиб, чунки, ҳар бир фаолиятнинг хўжалик учун манфаатлилик даражасини аниқлашдан, бу фаолиятнинг иқтисодий нуқтаи-назаридан тўғри ташкил этилганлигига баҳо беришдан иборатдир. Иқтисодий таҳлилни фермер хўжалиги миқёсида тўлиқ ташкил этишга бевосита жавобгар бош ҳисобчи ёки фермер хўжалиги раиси бўлиши мумкин.

Вилоят, туман ёки тармоқлар бўйича маълумотларни умумлаштириб иқтисодий таҳлилни ўтказишга истиқболни белгилаш ва статистик ташкилотлар ёки юқори ташкилотлар таркибида ташкил этилган иқтисодий таҳлил кенгаши иш юритадилар.

Фермер хўжаликлари бошқарувининг ҳамма бўғинларида умумий ишлаб чиқариш соҳасини самарадорлигини оширишда аналитик ишни ташкил этиш ва иқтисодий таҳлилнинг роли ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ташқи ва ички таҳлил турларига бўлинади.

Фермер хўжаликларни ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг ташқи таҳлилини қуйидагилар олиб борадилар:

- ◆ Маҳаллий ҳокимият органлари;
- ◆ Банк ташкилотлари;
- ◆ Солиқ органлари ва ҳакозолар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз назорати остидаги фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб туришади. Бунинг учун эса режа ва ҳисобот маълумотлари, текширув натижалари ва бошқа маълумотлар керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки доимий равишда кредит олган корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятини, ҳамда асосий ҳажм ва

сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб туришади, корхоналарда банк кредитларининг ишлатилишини, меҳнат ҳақи фондини, товар – моддий қийматликлар ва уларни сақланиш ҳолатини ҳамда тўлов интизоми ҳолатини таҳлил қилиб туришади.

Иқтисодий таҳлил ишларини корхона ва бирлашмалар олиб бориши билан бир қаторда бошқа ташкилотлар ҳам олиб бориши мумкин:
Буларга:

- ◆ Режалаштириш ташкилотлари;
- ◆ Илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтлари;
- ◆ Жамоат ташкилотлари;
- ◆ Матбуот органлари кабилар киради.

Ички таҳлилни эса фермер хўжаликларни ишчи ходимлари олиб борадилар ва уларнинг турли таркибий бўлинмалари ўзларига тегишли функцияларни белгилаб оладилар. Иқтисодий таҳлил кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Фермер хўжаликларини ҳамма фаолияти сфераларида мавжуд бўлган резервларни излаб топиш, тақсимланган мажбуриятларни аниқ бажарилиши ва уни амалга оширишда маъсулиятни хис этиш лозим бўлади.

Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг қуйидаги босқичлари амалга оширилади:

◆ Таҳлил ўтказишнинг режаси ва дастурини тузиш босқичи.

Иқтисодий таҳлилнинг дастури ва режасини тузиб олиш таҳлилни ташкил этишнинг асосий қисмидир. Бу босқичда иқтисодий таҳлил ишлари нимадан бошланиши, таҳлил ўтказувчи комиссияга кимлар киритилиши ҳамда таҳлил ишлари нима билан якунланиши кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари иқтисодий таҳлил ўтказиш дастурида қуйидагилар аниқ кўрсатилган ва белгиланиб олинган бўлиши лозим:

- таҳлилнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш;
- таҳлил объектини аниқлаш;
- иқтисодий таҳлил ишларини олиб бориш жойи;

- таҳлил мазмунини изохлаш;
- ижрочиларни таркиби ва уларнинг вазифаларини белгилаш;
- таҳлил утказиш муддатини белгилаб олиш;
- таҳлил манбалари ва уларни натижаларини расмийлаштириш тартибини аниқлаб олиш.

♦ **Таҳлил учун керакли бўлган манбаларни аниқлаш, йиғиш ҳамда ҳисобланадиган кўрсаткичларни белгилаш босқичи.** Ушбу босқичда куйидаги ишлар амалга оширилади:

- таҳлил учун зарур маълумотларни аниқлаш;
- таҳлил манбаларини тўплаш;
- қўшимча маълумотларни жалб этиш;

♦ **Тўпланган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва таҳлил учун мослаштириш босқичи.** Тўпланган манбааларни тўғрилигини текшириш ҳамда ишончлилигини аниқлашдан иборат бўлади ва ушбу манбаалар таҳлил учун мослаштирилади. Бундан ташқари ушбу босқичда куйидагилар аниқланиб олинади:

- таҳлил усулларини аниқлаб олиш;
- маълумотларни соддалаштириш;
- жадвал, схема ва макетларни тузиш;
- таъсир этувчи факторларни аниқлаш;
- резервларни аниқлаш.

♦ **Бевосита фермер хўжаликлариларининг барча соҳаларини белгиланган тартибда таҳлил қилиб чиқиш босқичи.** Бу энг муҳим босқич бўлиб, бевосита таҳлил ишлари бажарилади, кўрсаткичлар ҳисобланади, ўзгариш сабаблари ва фарқлар аниқланади. Ушбу босқичда куйидаги ишлар амалга оширилади:

- мезон кўрсаткичларини аниқлаш;
- кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш;
- баҳолашда экспертизадан фойдаланиш;
- натижаларни умумлаштирувчи мезонлар;

- таҳлил натижаларини хулосага тайёрлаш.

♦ **Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш босқичи.** Бу босқичда ўрганилаётган иқтисодий жараён якунланади ва маълум бир ўзгаришларга баҳо берилади ҳамда таҳлилга якун ясалади. Бундан ташқари ушбу босқичда ҳам қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

- корхона фаолияти натижаларининг ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- корхона фаолиятини яхшиланиш резервларини жамлаш;
- аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаш;
- таҳлил натижаларини ҳисоблаш ва ҳисоботда ифодалаш.

♦ **Таҳлил натижасида илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш босқичи.** Мазкур босқичда таҳлил натижасида аниқланган имкониятларни фермер хўжаликлар фаолиятига қўллаш йўллари кўрсатиб берилади, тавсиялар берилади, аниқланган илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётга тадбиқ этишни кўрсатиб беради ва уларнинг ҳақиқатда келгусида бажарилиши назорат қилиб борилади.

Одатда фермер хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш даврида маълумотлар манбаи йиғилади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида маълумотлар тўғрилиги текширилади. Таҳлил учун йиғилган маълумотларни текшириш икки усулда олиб борилади:

1. **Юзаки текшириш;**
2. **Мазмун жиҳатидан текшириш.**

Юзаки текширишда ҳисоботга барча маълумотларни киритилганлиги, уларнинг арифметик йиғиндиси, Молия вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллариغا риоя қилинганлиги, ҳисобот шаклларининг бир-бири билан боғлиқлиги, ҳисоботни топшириш муддати, мансабдорларнинг имзоси текширилади.

Мазмун жиҳатидан текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ♦ Инвентаризация натижалари ҳисоботда ўз аксини топиши;

◆ Фермер хўжалик ҳисобот маълумотларидаги бюджетга тўловлар ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш суммасини молия ташкилоти маълумотларига мос келиши;

◆ Фойда ва зарарлар счётига ўтказилган кўрсаткичларни текшириш (устав капиталининг ўзгариши, табиий офатдан кўрилган зарар, асосий воситаларни тугатилиши ва ҳакозолар).

Фермер хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш давомида кўплаб манбаалардан фойдаланишга тўғри келади. ***Таҳлилда қўлланиладиган манбаларни қуйидаги босқичларга ажратишимиз мумкин бўлади:***

1. Режа маълумотлари манбалари;
2. Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбалари;
3. Қўшимча маълумотлар манбаи.

Режа маълумотлари манбалари таркибига бизнес-режа кўрсаткичлари, белгиланган лимитлар, белгиланган норма ва нормативлар, шартнома кўрсаткичлари киради.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбаларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари киради. Таҳлилнинг асосий маълумотлар манбаи бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўлиб, улар корхона хўжалик фаолиятининг барча жараёнларини ўз ичига олади. Бунда маблағлар ҳаракати, уларнинг манбалари, уларнинг хўжалик алоқалари акс этади.

Бухгалтерия балансида маблағлар, уларни манбаларининг жойлашиши ва ҳосил бўлиш манбаларига қараб ифодаланади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари таҳлил учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бу ҳисоботда ҳодиса ва жараёнларнинг жами кўрсатилади, уларни миқдор жиҳатдан характерлайдиган муайян иқтисодий қонунларни аниқлайдиган тарзда акс эттирилади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига ва статистик ҳисобот маълумотларига нисбатан зарур информацияни бир мунча тезроқ олишга имкон беради.

Иқтисодий таҳлилни янада чуқурроқ амалга ошириш учун ҳисоб маълумотларига таалукли бўлмаган, яъни қўшимча маълумотлардан фойдаланиш лозим бўлади. Бундай маълумотлар таркибига банк, молия, солиқ инспекторлари томонидан тузилган далолатнома, инспекторларни тақдим этган маълумотлари, аудитор хулосалари, радио ва телевидения маълумотлари, оммавий ахборот воситалари манбалари, ишчи ва хизматчилар билан бўлган мулоқот натижалари киради.

2-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИ

2.1. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари орасида энг муҳим ўринни эгаллайди. У мамлакат аҳолиси учун ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг асосий манбаидир.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши ҳам кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг тараққиётига боғлиқдир. Шунинг учун, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш – ҳалқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган талабларини қондиришда, ҳамда давлат захираларини ташкил қилишда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини излаб топиш ва уларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш чораларини кўриш фермер хўжалигининг раҳбар ва мутахассисларининг асосий вазифаси ва мақсадидир. Ушбу вазифани ижобий ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда катта ва бекиёсдир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, ўсимликчилик ҳисобланади. Ушбу тармоқнинг барча соҳаларида етиштириладиган натура маҳсулотларининг миқдори **ялпи ҳосил** деб аталади.

Иқтисодий таҳлил ялпи ҳосилнинг ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил миқдорини базис йилидаги (ёки режадаги) ялпи ҳосил миқдорига солиштириб, ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) аниқланади. Сўнгра ушбу ўзгаришнинг

сабаблари аниқланиб, ўсимликчилик маҳсулотларини етиштириш аҳволига баҳо берилади.

Ялпи ҳосил миқдорининг ўзгариши бевосита икки омил ҳисобига юзага келади:

1. Экин майдони ўлчамининг ўзгариши ҳисобига;
2. Экин ҳосилдорлиги даражасининг ўзгариши ҳисобига.

Шу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндиси ялпи ҳосил миқдорини беради. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$\Sigma M_0 X_0$ - базис давридаги (ёки режадаги) ялпи ҳосил миқдори.

$\Sigma M_1 X_1$ - ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) ялпи ҳосил миқдори.

Бу ерда, M_1 , M_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги (ёки режадаги) экин майдонини билдиради;

X_1 , X_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги (ёки режадаги) ҳосилдорлик даражасини билдиради.

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи ҳосил миқдорининг ўзгаришига тенг келиши керак. Ушбу омилларнинг ялпи ҳосилнинг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш», «Кўрсаткичлар фарқи», «Индекс» усулларида фойдаланиб, аниқлаш мумкин. Биз бу ерда «Кўрсаткичлар фарқи» усули орқали омиллар таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш тартибига қуйида тўхталдик.

Ҳисобот йилидаги ялпи ҳосилдан базис йилидаги (ёки режадаги) ялпи ҳосилни чегириш орқали унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$M_1 X_1 - M_0 X_0 = \pm \Delta_{MX}$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига экин майдони миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) экин майдони билан базис йилидаги (ёки режадаги) экин майдони орасидаги фарқни (M_1 -

M_0) базис йилидаги (ёки режадаги) ҳосилдорлик даражасига кўпайтирмоқ керак:

$$(M_1 - M_0) \cdot X_0 = \pm \Delta_M$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) ҳосилдорлик билан базис йилидаги (ёки режадаги) ҳосилдорлик орасидаги фарқни $(X_1 - X_0)$ ҳисобот йилидаги (ҳақиқий) экин майдонига кўпайтирмоқ керак.

$$(X_1 - X_0) \cdot M_1 = \pm \Delta_X$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи ҳосилнинг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт:

$$\Delta_M \pm \Delta_X = \Delta_{MX}$$

Энди, ўсимликчиликда етиштирилган маҳсулотлар миқдори ўзгаришининг таҳлилини юқорида келтирилган усул қоидаларига суянган ҳолда фермер хўжалигида етиштирилган пахта ялпи ҳосили мисолида кўриб чиқамиз. Таҳлилни 2-жадвалдаги маълумотлар асосида амалга оширамиз.

2-жадвал

**Сирдарё туманидаги «Бекқул бобо» фермер хўжалиги бўйича
етиштирилган пахта тўғрисидаги маълумотлар**

Т.р	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+,-)
1.	Экин майдони, га	160	158	-2
2.	Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	22,5	23,94	+1,44
3.	Пахта ялпи ҳосили, ц	3600	3783	+ 183

1-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, пахта ялпи ҳосили ўзгаришининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

Пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида режага нисбатан 183 ц. га ошган:

$$M_1 X_1 - M_0 X_0 = (158 \cdot 23,94) - (160 \cdot 22,5) = 3783 - 3600 = +183 \text{ ц}$$

Ушбу ўзгариш пахта майдони ўлчами ва ҳосилдорлигининг ўзгариши ҳисобига юзага келган.

Пахта майдони 2 гектарга камайган. Бу эса ялпи ҳосилнинг камайишига сабабчи бўлган.

Пахта майдонининг камайиши туфайли ялпи ҳосил қанчага камайган? Бунни аниқлаш учун ҳақиқатда мавжуд бўлган майдон (M_1) билан режалаштирилган майдон орасидаги (M_0) фарқни режадаги ҳосилдорликка (X_0) кўпайтириш керак:

$$(M_1 - M_0) \cdot X_0 = (158 - 160) \cdot 22,5 = -2 \cdot 22,50 = -45 \text{ ц}$$

Демак, пахта майдонининг 2 гектарга камайиши натижасида пахта ялпи ҳосили 45 ц.га камайган.

Нима сабабдан пахта майдони камайган? Бунинг сабабини фермер мустақил ўзи аниқлаши ва келажакда камайтирмаслик чораларини кўриши зарур.

Пахта ҳосилдорлиги режага нисбатан 1,44 центнерга кўпайган. Бу ялпи ҳосилнинг ошишига сабабчи бўлган. Аниқроғи, миқдорини қанча центнерга оширган? Бунни аниқлаш учун ҳақиқий ҳосилдорлик (X_1) билан режадаги ҳосилдорлик (X_0) орасидаги фарқни ҳақиқий пахта майдонига (M_1) кўпайтирмоқ керак:

$$(X_1 - X_0)M_1 = (23,94 - 22,5) \cdot 158 = +1,44 \cdot 158 = +228 \text{ ц}$$

Демак, пахта ҳосилдорлигининг 1,44 ц.га ошиши натижасида пахта ялпи ҳосили режага нисбатан 228 ц.га кўпайган.

Хуллас, бир омилнинг салбий, иккинчи омилнинг ижобий таъсири остида пахта ялпи ҳосили режага нисбатан ўзгарган.

Агар пахта майдони 2 гектарга камаймаганда, пахта ялпи ҳосили ҳақиқатда 3783 ц ўрнига 3830 ц.ни ташкил қилган бўлар эди. Агар ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси илғор фермер хўжаликлари даражасида (яъни 30 ц. миқдорида) бўлганида эди ялпи ҳосил кескин ошган бўлар эди, яъни ҳақиқий

ялпи ҳосил 3783 ц. ўрнига 4740 ц.ни ташқил қилган бўлар эди. (158.30=4740 ц).

Биз бу бўлимда пахта ялпи ҳосилини таҳлил қилиш усулини келтирдик. Ушбу усул ёрдамида ўсимликчилик маҳсулотларининг барча турлари бўйича ялпи ҳосили режасининг бажарилишини таҳлил қилиш мумкин.

Таҳлил қилиш усулини яхши ўзлаштиргандан кейин масала ечимини аналитик жадвал орқали амалга ошириш самарали бўлади. Жадвалда натижа ва унга таъсир қилувчи омиллар ҳам, уларнинг натижага таъсир қилган даражалари ҳам аниқ кўриниб туради. Буни қуйидаги 3-жадвалдан кўриш мумкин.

3-жадвал

**Сирдарё туманидаги «Бекқул бобо» фермер хўжалигида
ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режаси
бажарилишининг таҳлили**

Экин-ларнинг турлари	Режа бўйича			Ҳақиқий бажарилиши			Ялпи ҳосил ўзгариши (+,-)		
	Экин май-дони, га	Ҳосил-дор-лиги, Ц/га	Ялпи ҳосил, Ц/га	Экин май-дони, га	Ҳосил-дор-лиги, Ц/га	Ялпи ҳосил, Ц/га	Жами бўйича	Шу жумладан	
								Майдон хисо-бига	Ҳосил-дорлик хисо-бига
Бугдой	257	45,0	11565	250	57,0	14250	+2685	-315	+3000
Арпа	50	45,0	2250	50	53,0	2650	+400	-	+400
Пахта	160	22,5	3600	158	23,94	3783	+183	-45	+228

Ушбу 2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Имкониятларни аниқлаш йўллари юқорида пахта ялпи ҳосилининг таҳлили қисмида баён қилинди, шунинг учун ўшалардан бемалол фойдаланиш мумкин.

Ўсимликчилик маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари бўлиб, юқори ҳосилли экин тури, нави майдонларини кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда экин майдони структурасини (таркибий қисмини) яхшилаш ҳисобланади.

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига экин майдони ва ҳосилдорлик ўзгаришининг таъсири билан бир қаторда экин майдони структураси (таркибий тузилиши)нинг ўзгариши ҳам таъсир қилади.

Экин майдони структураси (таркибий тузилиши)нинг ўзгариши деганда экин майдони тўпламидаги айрим экинлар ёки экин навлари майдони салмоғининг ошиши ва бошқа бир экин майдони ёки экин нави салмоғининг камайиши натижасида юзага келадиган ўзгариш тушунилади, яъни ҳисобот йилида базис йилига (ёки режага) нисбатан экин майдонлари тўплами ичида содир бўлган ҳиссавий нисбий ўзгариш тушунилади.

Таҳлил жараёнида экин майдони структурасининг ўзгаришини аниқлаш ва унинг ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил миқдорининг ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш орқали хулоса чиқариш керак. Буни пахта мисолида кўриб чиқамиз. Агар пахта майдонига фақат бир селекцион нав экилган бўлса, унда ялпи ҳосил ўзгаришига экин майдони структураси ўзгаришининг таъсири бўлмайди. Агар пахта майдонига икки ва ундан кўп селекцион пахта нави экилган бўлса, ялпи ҳосилнинг ўзгаришига бошқа омиллар билан бир қаторда пахта экин майдони структурасининг ўзгариши ҳам албатта таъсир қилади. Ушбу қоида нафақат пахтага, барча экин турларига ҳам тегишлидир.

Жами пахта майдонига нисбатан юқори ҳосилли селекцион нав майдони салмоғи ошган бўлса ижобий, агар камайган бўлса салбий таъсир қилади. Пахта майдони структурасининг ўзгариши ўртача ҳосилдорлик даражасининг ўзгаришига ҳам ялпи ҳосил миқдорининг ўзгаришига ҳам таъсир қилади.

Ушбу омилнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқлаш зарур.

Ушбу омил таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги икки шартли ялпи ҳосил кўрсаткичи аниқлаб олиниши керак:

1. Ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) жами экин майдони, базис йилидаги (ёки режадаги) ҳар бир экин майдони салмоғи ва базис йилидаги (ёки

режадаги) ҳар бир экин ҳосилдорлиги асосида ҳисобланиб аниқланган ялпи ҳосил (1-шартли ялпи ҳосил):

$$\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_0 \cdot X_0)$$

2. Ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) жами экин майдони, ҳисобот йилидаги (ёки ҳақиқий) ҳар бир экин майдони салмоғи ва базис йилидаги (ёки режадаги) ҳар бир экин ҳосилдорлиги асосида ҳисобланиб аниқланган ялпи ҳосил (2-шартли ялпи ҳосил):

$$\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_0)$$

бу ерда, $\Sigma ЖМ_1$ - ҳисобот йилидаги жами экин майдони (жами пахта майдони, жами бошоқли экинлар майдони ва ҳ.зо);

$ХЭС_0$ - базис йилида экин майдон тўпламига кирувчи ҳар бир экин майдонининг салмоғи (коэффициент ҳисобида);

$ХЭС_1$ - ҳисобот йилида (ҳақиқий) экин майдони тўпламига кирувчи ҳар бир экин майдонининг салмоғи.

X_0 - базис йилидаги ҳар бир экиннинг ҳосилдорлиги.

Ушбу шартли ялпи ҳосил кўрсаткичларини солиштириш орқали ушбу омилнинг ялпи ҳосилнинг ўзгаришига таъсири аниқланади. Бунинг учун 2-шартли ялпи ҳосил кўрсаткичидан 1-шартли ялпи ҳосил кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$[\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_0)] - [\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_0 \cdot X_0)] = \pm \Delta_c$$

Энди, экин майдони структураси ўзгаришининг пахта ялпи ҳосилининг ўзгаришига таъсирининг таҳлилини амалда кўриб чиқамиз. Бунинг учун 4-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

Экин майдони структураси ўзгаришининг пахта ялпи ҳосилининг ўзгаришига таъсирининг таҳлили

Пахтанинг селекцион навлари	Экин майдони, га		Экин майдони структураси, %		Ҳақиқий майдон жами ва режадаги структура бўйича	Режадаги ҳосилдорлик, ц/га	1-шартли ялпи ҳосил $\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭC_0 \cdot X_0)$	2-шартли ялпи ҳосил $\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭC_1 \cdot X_0)$
	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Режа бўйича	Ҳақиқийси				
Омад	60	40	37,5	25,3	59	21,2	1250	848
Оқдарё-6	100	118	62,5	74,7	99	23,3	2305	2749
Жами:	160	158	100	100	158	22,5	3555	3597

Ҳисобланган шартли ялпи ҳосил кўрсаткичларининг иккаласида ҳам пахта майдони ҳақиқий даражада, ҳосилдорлик эса – режадаги даражада кўрсатилган, майдон структураси (таркибий тузилиши) билан бир-биридан фарқ қилади. Биринчи ҳолатда ялпи ҳосил ҳақиқий жами экин майдони ва режадаги ҳар бир экин майдонининг ҳиссаси, икки ҳолатда ҳақиқий жами экин майдони ва ҳақиқий ҳар бир экин майдони ҳиссаси бўйича ифодаланган. Шунинг учун шу иккала ялпи ҳосил орасидаги фарқ, экин майдони структураси ўзгаришининг таъсирини беради.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, юқори ҳосилли Оқдарё-6 селекцион навининг жами майдондаги салмоғи 62,5 фоиздан 74,7 фоизгача кўтарилган, Омад навининг салмоғи 37,5 фоиздан 25,3 фоизгача пасайган, ушбу ўзгариш ижобий ўзгариш бўлиб ҳисобланади. Натижада шу омил ҳисобига пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида амалда режага нисбатан 42 ц.га кўпайган.

$$[\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭC_1 \cdot X_0)] - [\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭC_0 \cdot X_0)] = 3597 - 3555 = +42 \text{ ц}$$

Демак, пахта майдони структурасининг яхшиланиши ҳисобига пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида 42 ц. га ошган.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сифат ва комплекс кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Ҳосилдорлик ошган сайин ялпи ҳосил

кўпайиб, оқибатда хўжаликнинг иқтисодиёти мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик даражасини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Ўртача ҳосилдорликнинг ўзгаришига бевосита иккки омил таъсир қилади:

1. Экин майдони структурасининг ўзгариши;
2. Ҳар бир экин тури (ёки нави) бўйича ҳосилдорлик даражасининг ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқлаш тартибига тўхталдик. Ўртача ҳосилдорликнинг умумий ўзгаришини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} & \frac{\sum(\sum ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_1)}{\sum ЖМ_1} - \frac{\sum(\sum ЖМ_0 \cdot ХЭС_0 \cdot X_0)}{\sum ЖМ_0} = \\ & = \frac{(158 \cdot 25,3 \cdot 21,1) + (158 \cdot 74,7 \cdot 24,9)}{158} - \frac{(160 \cdot 37,5 \cdot 21,2) + (160 \cdot 62,5 \cdot 23,3)}{160} = \\ & = \frac{844 + 2939}{158} - \frac{1270 + 2330}{160} = \frac{3783}{158} - \frac{3600}{160} = 23,94 - 22,5 = +1,44 \text{ ц} \end{aligned}$$

Ўртача пахта ҳосилдорлиги хўжалик бўйича 1,44 ц.га ёки 6,4 % га ошган. Экин майдон структураси ўзгаришининг таъсири қуйидагича аниқланади.

$$\begin{aligned} & \frac{\sum(\sum ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_0)}{\sum ЖМ_1} - \frac{\sum(\sum ЖМ_1 \cdot ХЭС_0 \cdot X_0)}{\sum ЖМ_1} = \\ & = \frac{(158 \cdot 25,3 \cdot 21,2) + (158 \cdot 74,7 \cdot 23,3)}{158} - \frac{(158 \cdot 37,5 \cdot 21,2) + (158 \cdot 62,5 \cdot 23,3)}{158} = \\ & = \frac{844 + 2749}{158} - \frac{1250 + 2305}{158} = \frac{3597}{158} - \frac{3555}{158} = 22,76 - 22,50 = +0,26 \text{ ц} \end{aligned}$$

Юқори ҳосилли Оқдарё навининг салмоғи режадаги 62,5 фоиз ўрнига амалда 74,7 фоизни ташқил қилиб, у 12,2 % ошган. Омад навининг малмоғи эса шу фоизга камайган. Демак, пахта майдони структураси яхшиланган. Структуранинг яхшиланиши, яъни юқори ҳосилли Оқдарё навининг жами

майдондаги ҳиссасининг ошиши ўртача пахта ҳосилдорлигини 0,26 ц.га ёки 1,2 % га оширган.

Ўртача пахта ҳосилдорлигининг ўзгаришига навлар бўйича ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} & \frac{\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_1)}{\Sigma ЖМ_1} - \frac{\Sigma(\Sigma ЖМ_1 \cdot ХЭС_1 \cdot X_0)}{\Sigma ЖМ_1} = \\ & = \frac{(158 \cdot 25,3 \cdot 21,1) + (158 \cdot 74,7 \cdot 24,9)}{158} - \frac{(158 \cdot 25,3 \cdot 21,2) + (158 \cdot 74,7 \cdot 23,3)}{158} = \\ & = \frac{844 + 2939}{158} - \frac{847 + 2750}{158} = \frac{3783}{158} - \frac{3597}{158} = 23,94 - 22,76 = +1,18 \text{ ц} \end{aligned}$$

Оқдарё нави ҳосилдорлиги режадаги 23,3 ц. ўрнига амалда 24,9 ц. ташқил қилиб, у 1,6 ц. ошган, натижада шу омил ҳисобига пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги режага нисбатан 1,18 ц. ёки 5,2 % га ошган.

Демак, ўртача ҳосилдорликнинг ошишига икки омил ҳам ижобий таъсир қилган, натижада ўртача ҳосилдорлик 1,44 ц.га ошган.

Ҳосилдорликни ошириш имкониятлари бўлиб, ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, юқори ҳосилли пахта навини янада ҳиссасини ошиши ҳамда ҳар бир нав бўйича ҳосилдорлигини ошиши ҳисобланади. Бунинг учун илғор хўжаликлар ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларига асосланиб, ҳосилдорликнинг кўпайишига сабабчи бўлувчи асосий омилларни аниқлаш ва таъсир қилиш даражасини ўрганиш зарур. Шу нуқтаи назардан минерал ўғит (масалан азот) билан ҳосилдорлик, органик ўғит билан – ҳосилдорлик, минерал ва органик ўғитларнинг тегишли нисбатдаги миқдори билан ҳосилдорлик, моддий рағбатлантириш билан ҳосилдорлик каби кўрсаткичлар орасидаги боғлиқларни ўрганиб, таҳлил қилиш зарур. Маълумки, минерал ўғит, органик ўғит, моддий манфаатдорлик – ҳосилдорликка таъмир қилувчи асосий омиллардир. Уларнинг таъсирини тажриба ўтказиш, маржинал таҳлил, таҳлилий гуруҳлаш, корреляция усуллари орқали амалга ошириш мумкин. Минерал Ўғит билан буғдой ҳосилдорлиги орасидаги боғлиқлик М.Бакеттнинг «Фермер хўжалигини ташқил қилиш ва бошқариш» китобида

(49-50 бетида) маржинал таҳлил тариқасида яхши баён қилинган, минерал ва органик ўғитларнинг тегишли нисбатдаги миқдори билан буғдой ҳосилдорлиги орасидаги боғлиқлик А.Хоразмий, Ш.Шодмонқуловнинг «Ўғит меъёри, шароит ва ҳосилдорлик» мақоласида яхши ёритилган.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. Аҳолининг турмуш даражасининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун ушбу тармоқда мавжуд бўлган ҳолатни таҳлил этиш ва уни ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан чорвачилик маҳсулотларини ишлаб ишлаб чиқариш жараёнининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз. Таҳлил қуйидаги тартиб бўйича амалга оширилади.

Биринчи навбатда, таққослаш усули орқали маҳсулот миқдори бўйича динамикасининг (ёки режасининг) умумий ўзгариши, сўнгра занжирли боғланиш, кўрсаткичлар фарқи ёки индекс усули орқали ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

Чорвачилик маҳсулотлари бўлиб, гўшт, сут, жун, қорақўл тери, тухум ва бошқалар ҳисобланади. Биз ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари динамикасининг (ёки режаси бажарилишининг) таҳлиliga мисол қилиб сутни олдик, бошқаларининг ҳам таҳлили шунга ўхшаш, фарқи уларнинг номида, таҳлил усули бир хилдир.

Ҳисобот йилида етиштирилган ҳақиқий ялпи сут миқдорини базис йилида етиштирилган сут миқдорига солиштириш орқали умумий ўзгариши аниқланади:

$$S_1 P_1 - S_0 P_0 = \pm \Delta_{SP}$$

бу ерда, S_1 , S_0 - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги (ёки ҳақиқий ва режадаги) сигирларнинг ўртача сони;

P_1, P_0 - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги (ёки ҳақиқий ва режадаги) сут маҳсулдорлиги.

Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. сигирлар ўртача йиллик сонининг ўзгариши ҳисобига ($S_1 - S_0$);
2. сут маҳсулдорлиги даражасининг ўзгариши ҳисобига ($P_1 - P_0$).

Ушбу омилларнинг ялпи сут миқдорининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқлаш тартибини баён қиламиз.

Омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «шартли сут миқдори» кўрсаткичини аниқлаб олиш керак. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ҳақиқий сигирларнинг ўртача йиллик сони (S_1) базис йилидаги (ёки режадаги) сут маҳсулдорлигига (P_0) кўпайтирмоқ керак: $S_1 P_0$.

Ушбу шартли сут миқдори кўрсаткичи аниқлангандан кейин ялпи сут миқдорининг ўзгаришига омиллар таъсири қуйидаги тартибда аниқланади:

Ялпи сут миқдорининг ўзгаришига сигирлар сони бўйича ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли сут миқдоридан базис йилидаги (ёки режадаги) сут миқдорини чегириб ташлаш керак:

$$S_1 P_0 - S_0 P_0 = \pm \Delta_s$$

Ялпи сут миқдорининг ўзгаришига сут маҳсулдорлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ҳақиқий ялпи сут миқдоридан шартли сут миқдорини чегириб ташлаш керак:

$$S_1 P_1 - S_1 P_0 = \pm \Delta_p$$

Юқоридаги икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи сутнинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Энди юқорида келтирилган усул ёрдамида етиштирилган ялпи сут динамикасининг таҳлилини 5-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз. Режанинг бажарилишини таҳлил қилиш динамикасининг таҳлилидан фарқ қилмайди. Шунинг учун унга алоҳида тўхталмадик.

**Сирдарё туманидаги «Бекқул бобо» фермер хўжалиги бўйича
сигирлар сони ва ишлаб чиқарилган ялпи сут тўғрисидаги маълумотлар**

Т.р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)
1.	Сигирларнинг ўртача сони, бош	50	70	+20
2.	Ўртача бир сигирдан соғиб олинган сут, ц/б	22,0	24,2	+ 2,2
3.	Ялпи ишлаб чиқарилган сут, ц	1100	1694	+ 594

Жадвалдан кўриниб турибдики, етиштирилган сут базис йилига нисбатан 594 ц.га кўпайган.

$$S_1P_1 - S_0P_0 = (70 \cdot 24,2) - (50 \cdot 22,0) = 1694 - 1100 = +594 \text{ ц}$$

Бу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган, икки омил ҳам сут миқдорининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Энди, ҳар бирининг таъсирини аниқлаймиз.

Сигирлар ўртача йиллик сони ўзгаришининг ялпи сут миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун шартли сут миқдоридан базис йилидаги сут миқдорини айириб ташлаш керак:

$$S_1P_0 - S_0P_0 = (70 \cdot 22,0) - (50 \cdot 22,0) = 1540 - 1100 = +440 \text{ ц}$$

Демак, сигирлар сонининг 20 бошга кўпайиши натижасида ялпи сут миқдори ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 440 ц.га кўпайган.

Энди, сут маҳсулдорлигининг ялпи сут миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлаймиз. Бунинг учун ҳисобот йилидаги ялпи сут миқдоридан шартли ялпи сут миқдорини айириб ташлаш керак:

$$S_1P_1 - S_1P_0 = (70 \cdot 24,2) - (70 \cdot 22,0) = 1694 - 1540 = +154 \text{ ц}$$

Демак, сут маҳсулдорлигининг 2,2 ц.га ошиши натижасида ялпи сут миқдори 154 ц.га кўпайган.

Демак, ялпи сут миқдорининг ўзгариши икки омилнинг ҳам ижобий таъсири остида юзага келган. Натижада етиштирилган сут миқдори базис йилига нисбатан 594 ц.га ёки 54 % га кўпайган. Бу яхши ижобий ҳолат, аммо ушбу кўрсаткични янада ошириш мумкин эди, агар она моллар бош сони таркибидаги сигирларнинг салмоғини пасайтирмасдан оширганда ёки базис давридаги ҳиссасини сақлаб қолганда. Сигирлар салмоғи базис йилида 80 %ни, ҳисобот йилида 74 %ни ташқил қилиб, 6 фоизга пасайган. Бундай ўзгариш ўз навбатида ялпи сут миқдорининг пасайишига албатта сабабчи бўлган. Бунинг аниқ таъсирининг таҳлилини қуйида «Занжирли боғланиш» усули орқали кўриб чиқамиз.

Она моллар сони бўйича структураси ўзгаришининг етиштирилган маҳсулот миқдорининг ўзгаришига таъсирининг таҳлилини ялпи сут мисолида кўриб чиқамиз.

Ушбу омилнинг ялпи сут миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлашдан олдин ялпи сут миқдорини ифодаловчи қуйидаги икки шартли кўрсаткич ҳисоблаб олиниши керак:

1-шартли ялпи сут кўрсаткичи. Бу кўрсаткич ҳисобот йилидаги жами она моллар сонини (ΣS_1) базис йилидаги ҳар бир гуруҳдаги молларнинг салмоғига (C_0) ва базис йилидаги ҳар бир гуруҳдаги молларнинг маҳсулдорлигига (P_0) кўпайтириб, олинган натижаларни жамлаш орқали аниқланади:

$$\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_0 \cdot P_0)$$

2-шартли ялпи сут кўрсаткичи. Ҳисобот йилидаги жами она моллар сонини (ΣS_1) ҳисобот йилидаги ҳар бир гуруҳдаги молларнинг салмоғига (C_1) ва базис йилидаги ҳар бир гуруҳдаги молларнинг маҳсулдорлигига (P_0) кўпайтириб, олинган натижасини жамлаш орқали ушбу кўрсаткич аниқланади:

$$\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_0)$$

Шу икки кўрсаткич орасидаги фарқ она моллар структураси ўзгаришининг таъсирини беради.

Иккинчи «Шартли ялпи сут» кўрсаткичидан биринчисини айириш орқали етиштирилган ялпи сут миқдорининг ўзгаришига она моллар структураси ўзгаришининг таъсири аниқланади. 2-шартли сут миқдори биринчига нисбатан кўп бўлса, ораликдаги фарқ она моллар структурасининг яхшиланиши ҳисобига ялпи сут миқдорининг кўпайганлигини билдиради, аксинча бўлса – структура ёмонлашганлиги (яъни маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирлар салмоғининг пасайиши) натижасида ялпи сут миқдорининг камайганлигини кўрсатади.

Энди, фермер хўжалиги мисолида ялпи сут билан она моллар структураси орасидаги боғлиқликнинг таҳлилини кўриб чиқамиз.

6-жадвал

**Етиштирилган сут миқдорининг ўзгаришига она моллар
структураси ўзгариши таъсирининг таҳлили**

Она моллар -нинг гуруҳ- лари	Она моллар сони, бош		Моллар структураси , %		Ҳисобот йилидаги жами она моллар сони ва базис йилидаги ҳар бир молнинг ҳиссаси бўйича аниқланган моллар сони	Базис йилида -ги сут маҳсул- дорли- ги, ц/б	1- шартли ялпи сут $(\sum S_1 \cdot C_0 \cdot P_0)$	2- шартли ялпи сут $(\sum S_1 \cdot C_1 \cdot P_0)$
	Базис йили	Ҳисобот йили	Базис йили	Ҳисобот йили				
Сигир- лар	40	52	80	74	56	22,5	1260	1170
Ўна- жинлар	10	18	20	26	14	20,0	280	360
Жами:	50	70	100	100	70	22,0	1540	1530

6-жадвалдан кўриниб турибдики, сут маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларнинг жами она моллар таркибидаги ҳиссаси 6 % га пасайган, натижада структуранинг ёмонлашиши ҳисобига 10 ц.га ялпи етиштирилган сут камайган.

Она моллар структурасидаги ўзгариш ўртача маҳсулдорлик даражасининг ўзгаришига ҳам таъсир қилади. Бунинг таъсирини сут маҳсулдорлигининг омилли таҳлили қисмида кўриб чиқамиз.

Маҳсулдорлик чорвачиликнинг энг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. У қанча юқори бўлса ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади, яъни у ошган сайин сут, гўшт, жўн каби маҳсулотлар миқдори кўпайиб, таннархи пасайиб, фойдаси ва рентабеллиги ошиб боради, оқибатда фермер хўжалиги иқтисодий жихатдан мустаҳкам хўжаликка айланади. Шунинг учун чорва моллари маҳсулдорлиги даражасини узлуксиз равишда ўрганиш ва мавжуд имкониятни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Маҳсулдорлик жуда кўп омиллар таъсири остида шаклланади ва ўзгаради. Чорва молларининг ўртача маҳсулдорлигига таъсир қилувчи омиллар икки гуруҳга бўлиниб ўрганилади. Булар қуйидагилардир:

1. чорва моллари сони бўйича структурасининг ўзгариши;
2. ўртача кўрсаткични шакллантирувчи миқдорларнинг ўзгариши.

Биз сут маҳсулдорлиги мисолида ўртача маҳсулдорликнинг таҳлилига тўхталамиз. Юқорида қайд қилинганидек ўртача сут маҳсулдорлиги ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2,4 ц.га ошган. Бу ўзгариш икки гуруҳ омиллар таъсирида пайдо бўлган.

1. Подадаги она моллар таркибий тузилишнинг (структурасининг) ўзгариши;
2. Ҳар бир гуруҳдаги она моллар (сигир, ғунажинлар) маҳсулдорлигининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг ўртача сут маҳсулдорлигининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаймиз. Бунинг учун аввало, қуйидаги ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур:

$$\text{I. } \frac{\Sigma(\Sigma S_0 \cdot C_0 \cdot P_0)}{\Sigma S_0} = \frac{(50 \cdot 0,8 \cdot 22,5) + (50 \cdot 0,2 \cdot 20,0)}{50} = \frac{1100}{50} = 22 \text{ } \text{у}$$

$$\text{II. } \frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_0 \cdot P_0)}{\Sigma S_1} = \frac{(70 \cdot 0,8 \cdot 22,5) + (70 \cdot 0,2 \cdot 20,0)}{70} = \frac{1540}{70} = 22 \text{ } \text{у}$$

$$\text{III. } \frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_0)}{\Sigma S_1} = \frac{(70 \cdot 0,74 \cdot 22,5) + (70 \cdot 0,26 \cdot 20,0)}{70} = \frac{1530}{70} = 21,86 \text{ } \text{у}$$

$$\text{IV. } \frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_1)}{\Sigma S_1} = \frac{(70 \cdot 0,74 \cdot 25,3) + (70 \cdot 0,26 \cdot 21,0)}{70} = \frac{1694}{70} = 24,2 \text{ } \text{у}$$

Ушбу боғланиш кўрсаткичларини солиштириш орқали омиллар таъсири аниқланади. Маълумки, маҳсулдорлик даражасининг ўзгаришига моллар сонининг ўзгариши таъсир қилмайди, уларнинг ўзгариши фақат маҳсулот миқдорининг ўзгаришига таъсир қилади. Бу фикрни II ва I-боғланиш кўрсаткичлари орасидаги нулевой фарқ ҳам исботлаб турибди.

Демак, ўртача маҳсулдорликнинг ўзгаришига юқорида кўрсатилган икки гуруҳ омилларининг таъсири II, III ва IV боғланиш кўрсаткичларини бир-бирига қиёслаш орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

III-боғланиш кўрсаткичидан II-боғланиш кўрсаткичини чегириб ташлаш орқали, ўртача сут маҳсулдорлигининг ўзгаришига она моллар структураси ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$\frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_0)}{\Sigma S_1} - \frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_0 \cdot P_0)}{\Sigma S_1} = \frac{1530}{70} - \frac{1540}{70} = 21,86 - 22 = -0,14 \text{ } \text{у}$$

Демак, она моллар таркибидаги сигирлар сони салмоғининг 6 % камайиши натижасида сут маҳсулдорлиги 0,14 ц.га камайган, натижада ялпи сут миқдори шу омил ҳисобига 10 ц. камайган $(-0,14 \times 70 \text{ бош})$.

IV-боғланиш кўрсаткичидан III-боғланиш кўрсаткичини чегириб ташлаш орқали, ўртача сут маҳсулдорлигининг ўзгаришига ҳар бир гуруҳга кирувчи она моллар маҳсулдорлиги ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$\frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_1)}{\Sigma S_1} - \frac{\Sigma(\Sigma S_1 \cdot C_1 \cdot P_0)}{\Sigma S_1} = \frac{1694}{70} - \frac{1530}{70} = 24,2 - 21,86 = +2,34 \text{ } \text{у}$$

Демак, ҳар бир гуруҳдаги она моллар маҳсулдорлиги даражасининг ўзгариши натижасида ўртача сут маҳсулдорлиги даражаси 2,34 ц.га ошган. Шу жумладан сигирлар маҳсулдорлиги 22,5 ц.дан 25,3 ц.га, ғунажинлар маҳсулдорлиги 20 ц.дан 21 ц.га етган, натижада шу икки турдаги маҳсулдорлик таъсири остида ўртача маҳсулдорлик 2,34 ц.га ошган.

2.2. Фермер хўжаликларида ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлилини такомиллаштириш

Ер миллий бойликнинг асосий туридир. У қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» тўғрисидаги қонунининг 1-моддасида ундан ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида оқилона фойдаланиш зарурлиги қайд қилинган. Шу қоидага амал қилган ҳолда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект (ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва бошқалар) ерни асраши, авайлаши ва ундан самарали фойдаланиши зарур. Сувдан ҳам худди ерга ўхшаш авайлаб-асраб самарали фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ерларидан ва сувдан самарали фойдаланиш хўжалик иқтисодиётини, оқибатда миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ҳамда сувдан оқилона самарали фойдаланиш - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ниҳоятда катта рол ўйнайди. Ушбу иқтисодий жараён аҳволидан фақат иқтисодий таҳлил орқали хабардор бўлиш мумкин.

Таҳлилнинг мақсади нимадан иборат? Таҳлилнинг мақсади - қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ер ва сувдан фойдаланиш аҳволини ўрганиш асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд бўлган имкониятларни аниқлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ердан фойдаланиш даражаси ошган сайин маҳсулот ҳажми

кўпайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, оқибатда иқтисодиёт мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам ердан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда ўрганиш зарур.

Ердан фойдаланиш самарадорлиги деганда нима тушунилади?

Бир бирлик ер майдони ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажмини ердан фойдаланиш самарадорлиги деб тушунилади. Демак, ердан фойдаланиш самарадорлиги 1 ёки 100 гектар майдон ҳисобига етиштирилган маҳсулот билан ифодаланади.

Ердан фойдаланиш самарадорлиги асосан қуйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

- 1) Бир ёки юз гектар ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми;
- 2) Бир ёки юз гектар ҳисобига олинган ялпи даромад (соф маҳсулот);
- 3) Бир ёки юз гектар ҳисобига олинган соф даромад (фойда).

Ушбу кўрсаткичлар ер маҳсулдорлиги деб ҳам аталади.

Ялпи маҳсулот ҳажми (ялпи даромад ҳажми) ни ер майдонига (М) бўлиш орқали самарадорликнинг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичлари аниқланади, яъни қуйидаги формулалардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$EPM = \frac{\Sigma ЯМ}{\Sigma М}; \quad EPM = \frac{\Sigma ЯД}{\Sigma М}; \quad EPM = \frac{\Sigma СД}{\Sigma М};$$

Бунда, ЕРМ-ер маҳсулдорлиги даражаси;

Σ ЯМ-ялпи маҳсулот

Σ ЯД-ялпи даромад

Σ СД-соф даромад.

Агар, ишлаб чиқариш йўналиши бир экин турига мослашган бўлса, ялпи маҳсулотни экинзор майдонига, агар хар хил йўналиш экинлари бўйича маҳсулот етиштирилган бўлса, кадаст майдонга бўлиш орқали аниқлаш тўғрироқ бўлади.

Кадастр майдон қандай аниқланади? Кадастр майдон ҳар бир экиннинг физик майдони ўлчамини (ФМ) кадастр майдонга айлантириш коэффициентига (КМАК) кўпайтириб, натижаларини жамлаш орқали аниқланади.

$$\Sigma (\text{ФМ} * \text{КМАК})$$

Кадастр майдонга айлантириш коэффициенти қандай топилади? Ҳар бир экин тури бўйича 1 гектар майдон ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажмини (БГМ) шулар орасида энг юқори даражага эга бўлган кўрсаткич ҳажмига (БГЮМ) бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{КМАК} = \frac{\text{БГМ}}{\text{БГЮМ}}$$

1 гектар майдон ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари орасида энг юқори даражага эга бўлгани 1 коэффициентга (ёки 100 баллга) тенг деб олинади, қолганларини кадастр майдонга айлантириш коэффициенти ҳар доим бирдан кам бўлади.

Биз ялпи маҳсулот (ЯМ) бўйича ҳисобланган ер маҳсулдорлиги (1 га ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот) мисолида қуйида таҳлилни кўриб чиқамиз. Бунинг учун ҳисобот йилидаги ер маҳсулдорлиги даражасидан базис йилидаги (ёки режалаштирилган) ер маҳсулдорлиги даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma \text{ЯМ}_1}{\Sigma \text{М}_1} - \frac{\Sigma \text{ЯМ}_0}{\Sigma \text{М}_0} = \pm \Delta_{\text{М, ЯМ}}$$

Ушбу ўзгариш икки омилнинг таъсири остида юзага келган:

- 1) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонининг ўзгариш ҳисобига (кадастр майдонининг ўзгариши ҳисобига);
- 2) Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ҳисобига;

Ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқлаймиз. Омиллар таъсирини аниқлашга ўтишдан олдин «Шартли ер маҳсулдорлиги» кўрсаткичини аниқлаб олиш зарур.

«Шартли ер маҳсулдорлиги» кўрсаткичини аниқлаш учун базис йилидаги ялпи маҳсулот ҳажмини ($ЯМ_0$) ҳисобот йилидаги ер майдони ($М_1$) бўлиш керак:

$$ЕРМ_{Ш} = \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma М_1}$$

Шундан кейин ер маҳсулдорлиги даражасининг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

Ердан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига ер майдони ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун «Шартли ер маҳсулдорлиги» даражасидан базис даврдаги (ёки режадаги) ер маҳсулдорлиги даражаси чегириб ташланади:

$$\frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma М_1} - \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma М_0} = \pm \Delta_M$$

Ердан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ер маҳсулдорлиги даражасидан шартли ер маҳсулдорлиги даражаси чегириб ташланади:

$$\frac{\Sigma ЯМ_1}{\Sigma М_1} - \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma М_1} = \pm \Delta_{ЯМ}$$

Ушбу икки омил таъсирларининг йигиндиси ер маҳсулдорлиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

Энди қуйидаги 6-жадвалда келтирилган малумотлардан фойдаланиб фермер хўжалиги бўйича ер маҳсулдорлигининг таҳлилини етиштирилган пахта ва буғдой мисолида кўриб чиқамиз.

Ер маҳсулдорлигини ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар

т/р	Кўрсаткичлар	Пахта		Бугдой	
		Базис йили	Ҳисобот йили	Базис йили	Ҳисобот йили
1	Экин майдони, га	160	158	257	257
2	Ҳосилдорлиги, ц/га	22,5	23,9	45	57
3	Ялпи ҳосил, ц	3600	3783	11565	14692
4	1ц маҳсулотни таққослаш баҳоси (базис йилини), Сум	17890	17890	4463	4463
5	Ялпи маҳсулот (таққос.баҳода) минг сўм	64404	67678	51614	65570
6	1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, минг сўм	402,5	428,3	200,8	255,1
7	Кадаст майдонга айлангириш коэффиценти	1,0	1,0	0,5	0,6
8	Кадастр майдон,га (1қатор:7қатор100)	160	158	128,5	154

Биринчи навбатда 7-жадвалдаги маълумотлар асосида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ва унинг ўзгариш аниқланади:

$$\text{Базис йили учун } EpM_0 = \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma M_0} = \frac{64404 + 51614}{160 + 128,5} = \frac{116018}{288,5} = 402,1 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Ҳисобот йили учун } EpM_1 = \frac{\Sigma ЯМ_1}{\Sigma M_1} = \frac{67678 + 65570}{158 + 154} = \frac{133248}{312} = 427,1 \text{ минг сўм}$$

Умумий ўзгариши:

$$\frac{\Sigma ЯМ_1}{\Sigma M_1} - \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma M_0} = \frac{133248}{312} - \frac{116018}{288,5} = 427,1 - 402,1 = +25 \text{ минг сўм}$$

Демак, 1 гектар ер майдони ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳисобот йилида 427,1 минг сўмни, базис йилида 402,1 минг сўмни ташқил қилган, натижада ер маҳсулдорлиги даражаси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 25 минг сўмга ёки 6,2 % га ошган.

Ушбу ўзгариш юқорида қайд қилганимиздек, икки омил ҳисобига юзага келган.

1-омил-кадастр майдон ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma M_1} - \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma M_0} = \frac{116018}{312} - \frac{116018}{288,5} = 371,8 - 402,1 = -30,3 \text{ минг сўм}$$

Демак, кадастр майдоннинг 23,5 гектарга камайиши натижасида 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми (ер маҳсулдорлиги) ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 30,3 минг сўмга ёки 7,5 % га камайган.

2-омил - ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{\Sigma ЯМ_1}{\Sigma M_1} - \frac{\Sigma ЯМ_0}{\Sigma M_1} = \frac{133248}{312} - \frac{116018}{312} = 427,1 - 371,8 = +55,3 \text{ минг сўм}$$

Демак, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ялпи маҳсулот ҳажмининг 17230 минг сўмга ошиши натижасида 1 гектар ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 55,3 минг сўмга ёки 14,8 % га ошган.

Демак, ер маҳсулдорлиги даражасининг ошиши асосан ялпи маҳсулот ҳажмининг ошиши натижасида юзага келган.

Ялпи даромад ва соф даромад асосида ҳисобланадиган ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш тартиби (усули) юқорида баён қилинган тартибдан фарқ қилмайди, шунинг учун уларни таҳлилига бу ерда тўхталмадик. Таҳлил қилмоқчи бўлсангиз ялпи маҳсулот кўрсаткичи ўрнига ялпи даромад ёки соф даромад кўрсаткичини қўйиб амалга оширинг. Кадастр майдон ўзгармасдан қолади.

Ўзбекистонда 1 йилда ўртача 60 млрд куб метр сув истемол қилинади, унинг 90 фоизи қишлоқ хўжалигида, қолган қисми эса аҳоли таъминоти, саноат, қурилиш ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида истеъмол қилинади. Мамлакатимизда фойдаланилаётган сув ресурсларининг 10-12

фоизигина Республикамиз ҳудудида шаклланади, қолган 88-90 фоизи эса қўшни давлатлардан оқиб келади. Шунинг учун ҳам истеъмол қилинаётган сувни тежаш ва самарали фойдаланиш масаласи ҳар бир хўжалик олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан ҳар бир хўжаликда сув билан таъминланиш ва айниқса ундан фойдаланиш ахволдан хабардор бўлиб туриш зарур. Ушбу ахволдан иқтисодий таҳлил орқали хабардор бўлиш мумкин. Шунинг учун сувдан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш орқали қўйилган мақсадга эришиш мумкин.

Сув билан таъминланиш даражасининг таҳлили ҳам кўрсаткичларни ўзаро солиштириб, фарқини аниқлашдан бошланади.

Ҳисобот йилидаги сув билан таъминланиш даражаси кўрсаткичини базис йилидаги ёки режалаштирилган кўрсаткичи билан солиштириб унинг ўзгариши мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда аниқланади. Сўнгра омилларнинг таъсири аниқланиб, сув билан таъминланиш даражасига баҳо берилади.

Сув билан таъминланиш даражаси сарф бўлган жами сув (минг куб метр ҳисобидаги) ҳажмини (ССХ) жами майдонга (ЖМ) бўлиш орқали аниқланади:

$$СТД = - \frac{ССХ}{ЖМ}$$

Ушбу кўрсаткич 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажмини ифодалайди.

Ҳисобот йилида 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажмини режадаги ёки ўтган йилда сарф бўлган сув ҳажмига солиштириб, сув билан таъминланиш даражасининг ўзгариши аниқланади:

$$\frac{ССХ_1}{ЖМ_1} - \frac{ССХ_0}{ЖМ_0} = \pm \Delta_{ЖМ, ССХ}$$

Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига юзага келади.

- 1) Жами майдон ўлчамининг ўзгариши ҳисобига;
- 2) Сарф бўлган сув ҳажмининг ўзгариши ҳисобига.

Омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқланади.

Майдон ўлчами ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 гектар майдонга сарф бўлган шартли сув ҳажми кўрсаткичидан базис йилидаги (ёки режадаги) кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{CCX_0}{ЖМ_1} - \frac{CCX_0}{ЖМ_0} = \pm \Delta_{ЖМ}$$

Сарф бўлган сув ҳажми бўйича ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажми кўрсаткичидан шартли сув ҳажми кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{CCX_1}{ЖМ_1} - \frac{CCX_0}{ЖМ_1} = \pm \Delta_{CCX}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сув билан таъминланиш кўрсаткичининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Омиллар таъсирига баҳо берилиб, имкониятлар кўсатилади.

Таҳлил жараёнида сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг ўзгаришига алоҳида эътибор бериш зарур.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги қайси кўрсаткич орқали ифодаланади? Ушбу кўрсаткич 1 минг M^3 сув ҳажми ҳисобига олинган маҳсулот ҳажми билан ифодаланади. Бунини аниқлаш учун 1 гектардан олинган маҳсулот миқдорини (X) 1 гектар учун сарф бўлган сув ҳажмига (CC) бўлиш керак:

$$C = \frac{X}{CC}$$

Бунда, С-сувдан фойдаланиш кўрсаткичи (1 минг куб метр сув ҳисобига олинган маҳсулот).

Ҳисобот йилидаги сувдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичидан меъёрга ва базис йилидаги кўрсаткичини чегириб ташлаш орқали унинг ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади:

$$C_1 - C_0 = \frac{X_1}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_0} = \pm \Delta_{CC,X}$$

Формуладан кўриниб турибдики, сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

- 1) 1 гектар майдон ҳисобига сарф бўлган сув ҳажмининг ўзгариши;
- 2) 1 гектар майдондан олинган маҳсулот ҳажмининг (миқдорининг) ўзгариши.

Ушбу омилларнинг сув фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш қулайроқдир. Омиллар таъсирини аниқлашдан олдин сувдан фойдаланиш самарадорлигининг шартли кўрсаткичини аниқлаб олиш зарур: буни базис йилидаги 1 гектар ҳисобига олинган маҳсулот миқдорини ҳисобот йилида 1 гектарга сарф бўлган сув ҳажмига бўлиш орқали аниқлаш мумкин:

$$C_{III} = \frac{X_0}{CC_1}$$

Шундан кейин омилларнинг сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига таъсири аниқланади:

1 гектар ҳисобига сарф бўлган сув ҳажми бўйича ўзгаришининг таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\frac{X_0}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_0} = \pm \Delta_{CC}$$

Сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига ҳосилдорлик ўзгаришининг таъсири қуйдагича аниқланади.

$$\frac{X_1}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_1} = \pm \Delta_x$$

Шу икки омил таъсирларининг йигиндиси сувдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичининг ўзгаришига тенг келиши керак.

Омиллар таъсири аниқлашни формула орқали кўрсатдик. Ҳурматли ўқувчи! Ҳар бир омилнинг таъсири аниқлаш усулини ўзингиз ёзма равишда баён қилинг.

Энди, фермер хўжалиги мисолида сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлилини юқорида баён қилинган усул асосида амалга оширамиз, буни қуйидаги 8-жадвалдан кўриш мумкин.

8-жадвал

Пахтачиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Базис йилидаги қосилдорлик ва ҳисобот йилидаги 1 га сув сарфи бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариш (+,-)	Ш.Ж ўзгариши	
						1 гектарга сарф бўлган сув ҳисобига	1 гектардан олинган ҳосил ҳисобига
1	Бир гектарга сарфланган сув ҳажми, минг М ³	11	9,6	9,6	-1,4	X	X
2	1 гектардан олинган ҳосил (ҳосилдорлик), ц/га	22,5	22,5	23,9	+1,4	X	X
3	Бир минг М ³ сув ҳисобига олинган ҳосил, кг (2 қат:1 қат)	204,5	234,4	248,9	+44,4	+29,9	+14,5

8-жадвалдан кўришиб турибдики, фермер хўжалигида етиштирилган пахтага сарф бўлган сувнинг самарадорлиги даражаси ҳисобот йилида кескин

ошган, яъни 1 минг М³ сув ҳисобига олинган пахта миқдори 44,4 кг га ёки 21,7 % га ошган:

$$\frac{X_1}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_0} = \frac{23,9}{9,6} - \frac{22,5}{11} = 248,9 - 204,5 = +44,4 \text{ кг}$$

Сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига икки омил ҳам ижобий таъсир қилган. Шу жумладан 1 гектар пахта майдони ҳисобига сарф бўлган сув ҳажмининг камайиши 1 минг М³ майдон ҳисобига олинган пахта ҳосилини 29,9 кг га ошишига олиб келган:

$$\frac{X_0}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_0} = \frac{22,5}{9,6} - \frac{22,5}{11} = 234,4 - 204,5 = +29,9 \text{ кг}$$

Пахта ҳосилдорлиги базис йилига нисбатан 1,4 ц га ошган. Бу эса ўз навбатида 1 минг М³ сув ҳисобига олинган пахта ҳосилини 14,5 кг га ошишига сабабчи бўлган.

$$\frac{X_1}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_1} = \frac{23,9}{9,6} - \frac{22,5}{9,6} = 248,9 - 234,4 = +14,5 \text{ кг}$$

Хуллас, икки омилнинг ижобий таъсири остида пахтачиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигининг даражаси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 21,7 % га кўтарилган. Сувдан фойдаланиш даражасининг ошиши пахта ялпи ҳосилининг кескин кўпайишига сабабчи бўлган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш барча ресурслар билан таъминланиш ва айниқса улардан фойдаланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шулар орасида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси тариқасида муҳим ўринни эгаллайди.

Ер ҳажми ва унинг маҳсулдорлиги ошиб борган сайин маҳсулот ҳажми ҳам ошиб боради. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига ер ҳажми ва ундан фойдаланиш даражасининг ўзгариши бевосита таъсир қилади. Шу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндиси ҳар доим ялпи маҳсулот ҳажмига тенг бўлади (МР) Ушбу омилларнинг маҳсулот

ҳажмининг ўзгаришига таъсирини «кўрсаткичлар фарқи (фарқлаш)», «занжирли боғланиш» усулларида фойдаланиб аниқлаш мумкин. Биз «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, таҳлилни амалга оширдик.

Биринчи навбатда, ялпи маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришини қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш зарур:

$$M_1P_1 - M_0P_0 = \pm \Delta_{MP}$$

Бу ерда M_1 , M_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони (га ҳисобига):

P_1 , P_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги ер маҳсулдорлиги кўрсаткичлари (1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми).

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми қуйидаги икки омил таъсири остида ўзгаради:

- 1) Қишлоқ хўжалиги ерлари майдонининг ўзгариши ҳисобига:
- 2) Ер маҳсулдорлиги даражасининг ўзгариши ҳисобига.

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин «**шартли ялпи масулот**» ҳажмини ҳисоблаб олиш зарур.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот йилидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони ҳажмини базис йилидаги ер маҳсулдорлиги даражасига кўпайтириш керак: $M_1 \cdot P_0$

Шундан кейин ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаршига омиллар таъсири аниқланади.

1-омил-ер майдони ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$M_1P_0 - M_0P_0 = \pm \Delta_M$$

2-омил-ер маҳсулдорлиги даражаси ўзгаришининг таъсири:

$$M_1P_1 - M_1P_0 = \pm \Delta_P$$

Ушбу омиллар таъсирларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$(M_1P_1 - M_0P_0) = (M_1P_0 - M_0P_0) \pm (M_1P_1 - M_1P_0)$$

Энди юқорида келтирилган малумотлар асосида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлилини хўжаликнинг ҳисобот материаллар асосида кўриб чиқамиз (материаллар юқорида келтирилган).

Ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмини базис йилидаги ҳажмига солиштириб, ўзгариши аниқланади:

$$(M_1P_1 - M_0P_0) = 312 \cdot 427,1 - 288,5 \cdot 402,1 = 133248 - 116018 = +17230 \text{ минг сўм}$$

Демак ялпи маҳсулот ҳажми таҳлил қилинаётган даврда 17230 минг сўмга кўпайган. Бунга қуйидаги икки омил таъсир қилган:

1-омил-ер майдони ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$(M_1P_0 - M_0P_0) = 312 \cdot 402,1 - 288,5 \cdot 402,1 = 125455 - 116018 = +9437 \text{ минг сўм}$$

Демак, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ер майдонининг 23,5 гектарга кўпайиши натижасида ялпи маҳсулот ҳажми 9437 минг сўмга ошган.

2-омил –ер маҳсулдорлиги даражаси ўзгаришининг таъсири:

$$(M_1P_1 - M_1P_0) = 312 \cdot 427,1 - 312 \cdot 402,1 = 133248 - 125455 = +7793 \text{ минг сўм}$$

Демак, 1 гектар ер майдони ҳисобига етиштирилган ялпи масулот ҳажмининг 25 минг сўмга (427,1-402,1) кўпайиши натижасида ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 7793 минг сўмга кўпайган.

Ушбу таҳлилнинг натижасини 9-жадвалдан кўриш мумкин.

9-жадвал

Ер ва ундан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирининг таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги майдон ва базис йилидаги ер маҳсулдорлиги бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан омиллар таъсири	
						Ер майдони ҳисобига	Ер маҳсулдорлиги ҳисобига
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, га	288,5	312	312	+23,5	X	X
2	Ер маҳсулдорлиги, минг сўм	402,1	402,1	427,1	+25	X	X
3	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, минг сўм	116018	125455	133248	+17230	+9437	+7793

9-жадвалдан кўриниб турибдики, ер майдони ва ердан фойдаланиш даражасининг ўзгариши билан ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Ушбу омиллар даражаларининг ошиши ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайишига сабабчи бўлган. Икки омил ҳам ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 17230 минг сўмга кўпайган. Демак, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг физик миқдори ошган.

Ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш имкониятлари бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқли бўлган ер майдонини кўпайтириш, айниқса ердан фойдаланиш даражасини ошириш ҳисобланади. Шуларни амалга ошириш чораларини кўрмоқ зарур.

Сув ҳажми ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Шу икки омил купайтмаларининг йигиндиси ялпи ҳосилга тенг бўлиш керак.

$$\text{ЖСХ} \cdot \text{С} = \text{ЯХ}$$

Бунда, ЖСХ- сарф бўлган жами сув ҳажми (минг м³ ҳисобида)

С- 1 минг м³ ҳисобига олинган маҳсулот миқдори

ЯХ- етиштирилган ялпи ҳосил миқдори.

Таҳлил жараёнида биринчи навбатда ялпи ҳосил миқдорининг ўзгариши аниқланади:

$$(\text{ЖСХ}_1 \cdot \text{С}_1) - (\text{ЖСХ}_0 \cdot \text{С}_0) = \pm \Delta_{\text{ЖСХ, С}}$$

Сунгра омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади:

1-омил – сарф бўлган жами сув ҳажми ўзгаришининг таъсири: Буни аниқлаш учун «Шартли ялпи ҳосил» миқдори кўрсаткичидан ($\text{ЖСХ}_1 \cdot \text{С}_0$) базис йилидаги ялпи ҳосил миқдори чегириб ташланади.

$$(\text{ЖСХ}_1 \cdot \text{С}_0) - (\text{ЖСХ}_0 \cdot \text{С}_0) = \pm \Delta_{\text{ЖСХ}}$$

Шартли ялпи ҳосил миқдори $\text{ЯХ}_{\text{ш}}$ қандай аниқланади? Ҳисобот йилида сарф бўлган жами сув ҳажмини (ЖСХ_1) базис йилида 1 минг м³ сув ҳисобига олинган маҳсулот миқдорига (С_0) купайтириш оркали аниқланади.

$$\text{ЖСХ}_1 \cdot \text{С} = \text{ЯХ}_{\text{ш}}$$

2-чи омил сувдан фойдаланиш самарадорлигининг (1 минг м³ сув ҳисобига олинган маҳсулот миқдорининг) ўзгаришини таъсири. Ушбу

омилнинг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ялпи ҳосил миқдоридан шартли ялпи ҳосил миқдорини чегириб ташлаш керак:

$$(\text{ЖСХ}_1 * \text{C}_1) - (\text{ЖСХ}_1 * \text{C}_0) = \pm \Delta_c$$

Ушбу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи ҳосил миқдорининг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт. Шундан кейин омилларнинг таъсирларига баҳо бериб, хулоса чиқарилиши керак.

Энди, юқорида баён қилинган усул ёрдамида фермер хўжалиги мисолида пахта ялпи ҳосили, сарф бўлган сув ҳажми ва 1 минг м³ сув ҳисобига олинган пахта миқдори кўрсаткичлари оркасидаги боғлиқликни омилли таҳлилини 10-жадвал маълумотлари асосида куриб чиқамиз.

10-жадвал

Пахта ялпи ҳосили ўзгаришига сув ва ундан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг таъсирини таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	ҳисобот йилидаги жами сув ҳажми ва базис йилидаги сувдан фойдаланиш даражаси бўйича.	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+, -)	Шу жумладан омиллар таъсири	
						Сув ҳажмининг ўзгариши ҳисобига	Сувдан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳисобига
1	Сарф бўлган жами сув ҳажми, минг м ³	1760	1517	1517	-243	X	X
2	1 минг м ³ ҳисобига олинган пахта миқдори, кг	204,5	204,5	248,9	+44,4	X	X
3	Пахта ялпи ҳосили, ц	3600	3102	3776	+176	-498	+674

10-жадвалдан кўриниб турибдики, пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 176 ц кўпайган.

$$(\text{ЖСХ}_1 \cdot C_1) - (\text{ЖСХ}_0 \cdot C_0) = (1517 \cdot 0,2489) - (1760 \cdot 0,2045) = 3776 - 3600 = +176 \text{ ц.}$$

Бу ўзгариш бир омилнинг ижобий, иккинчисининг салбий таъсири остида юзага келган.

Сарф бўлган жами сув ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 243 минг м³ га камайган, натижада шу омил ҳисобига етиштирилган пахта ялпи ҳосили 498 ц.га камайган:

$$(\text{ЖСХ}_1 \cdot C_0) - (\text{ЖСХ}_0 \cdot C_0) = (1517 \cdot 0,204,5) - (1760 \cdot 0,204,5) = 3102 - 3600 = -498 \text{ ц.}$$

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ошган, яъни 1 минг м³ сув ҳисобига етиштирилган пахта ҳосилини миқдори 44,4 кг га кўпайган натижада шу омил ҳисобига пахта ялпи ҳосили 674 ц.га ошган:

$$(\text{ЖСХ}_1 \cdot C_1) - (\text{ЖСХ}_1 \cdot C_0) = (1517 \cdot 0,2489) - (1517 \cdot 0,204,5) = 3776 - 3102 = +674 \text{ ц}$$

Демак, сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг ошиши ҳар доим ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига сабабчи бўлади. Ушбу омилнинг таъсири «кўрсаткичлар фарқи» усули орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун ҳисобот йилидаги сувдан фойдаланиш самарадорлиги билан базис йилидаги самарадорлиги орасидаги фарқни $(C_1 - C_0)$ ҳисобот йилида сарф бўлган жами сув ҳажмига кўпайтириш керак:

$$(C_1 - C_0) \cdot \text{ЖСХ}_1 = (0,2489 - 0,204,5) \cdot 1517 = +674 \text{ ц.}$$

2.3. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини таҳлили ва унинг хўжаликни бошқаришдаги роли

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, маҳсулот таннархи ҳисобланади. Демак, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш, самарадорликни оширишнинг асосий имкониятларидан биридир. Таннархнинг пасайиши фойданинг кўпайиши ва

рентабелликнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми динамикасини ҳамда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи даражаси динамикасини узлуксиз равишда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки таҳлил туфайли харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш имкониятлари аниқланади, натижада улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Маҳсулот таннархини ўрганиш асосида уни пасайтириш имкониятларини аниқлаш таҳлилнинг мақсадидир. Ушбу мақсадга таҳлил қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш орқали эришади:

1. Маҳсулот таннархи даражасини ўрганиш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқлаб баҳо бериш;
2. Маҳсулот таннархи таркиби, таркибий тузилишининг ўзгаришини ва ҳар бир модда бўйича харажатлар ўзгаришини омилли таҳлил қилиш ҳамда баҳо бериш;
3. Таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатиш.

Маҳсулот таннархи корхона хўжалик фаолиятининг барча томонларини акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткични тўғри ҳисоблаш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Таннарх деб нимага айтилади?

Маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пул шаклида ифодаланиши таннарх деб аталади. Таннарх ўз навбатида жами маҳсулот таннархи, маҳсулот бирлиги таннархи ва 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган харажат кўрсаткичларига бўлинади. Бу бўлимда бир бирлик маҳсулот таннархини таҳлил қилиш тартиби ёритилади.

Маҳсулот бирлигининг таннархи таҳлилининг амалга ошириш учун солиштириш ва занжирли боғланиш усуллари кенг қўлланилади.

Ҳисобот давридаги бир бирлик маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини базис давридаги (ёки режалаштирилган) таннархига солиштириб, мутлоқ ва нисбий ўзгаришлари аниқланади. Сўнгра «занжирли боғланиш»

усули орқали омилли таҳлил этилиб, омилларнинг ҳар бирининг таъсирига баҳо берилади ва пасайтириш имкониятлари кўрсатилади.

1 ц. маҳсулот таннархининг ўзгариши бевосита экстенсив ва интенсив омиллар таъсири остида содир бўлади. Бу омиллар қуйидагилардир:

1) 1 гектар экин майдони (ёки 1 бош чорва моли) ҳисобига сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгариши;

2) 1 гектар экин майдонидан олинган ҳосил (ёки 1 бош молдан олинган маҳсулот) миқдорининг ўзгариши (ҳосилдорлик ёки маҳсулдорликнинг ўзгариши).

Ушбу омиллар таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқлаймиз. Таннарх таҳлилини ўсимликчилик маҳсулоти мисолида кўриб чиқамиз. Таннархнинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин 1 ц. маҳсулотнинг шартли таннархини аниқлаб олиш зарур. **Шартли таннарх қандай аниқланади?** Шартли таннархни (Z_{III}) аниқлаш учун ҳисобот йилидаги 1 гектар экин майдони ҳисобига сарф бўлган харажатлар ҳажмини ($ИХ_1$) базис йилидаги ҳосилдорлик даражасига (X_0) бўлиш керак:

$$Z_{III} = \frac{ИХ_1}{X_0}$$

1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган харажатлар суммасини аниқлаш учун у ёки бу экин тури учун қилинган жами харажатлар ҳажмини (ΣqZ) шу экин майдонига (M) бўлиш керак:

$$ИХ = \frac{\Sigma qZ}{\Sigma M}.$$

Шартли таннарх аниқланган кейин маҳсулот бирлиги таннархини таҳлил қилиш мумкин, яъни ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаб, хулоса қилинади.

Таҳлил қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчи навбатда 1 ц. маҳсулот таннархининг умумий ўзгариши аниқланади. Бунинг учун ҳисобот йилидаги 1 ц. маҳсулот таннархидан базис йилидаги (ёки режадаги) 1 ц. маҳсулот таннархи чегириб ташланади

$$Z_1 - Z_0 = \frac{IX_1}{X_1} - \frac{IX_0}{X_0} = \pm \Delta_{UX, X}$$

Ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири қуйидагича аниқланади.

1 ц. маҳсулот таннархининг ўзгаришига экстенсив омилнинг, яъни 1 га экин майдони ҳисобига сарф бўлган харажат суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 ц. маҳсулотнинг шартли таннархидан унинг базис давридаги (ёки режадаги) таннарhini чегириб ташлаш керак:

$$\frac{IX_1}{X_0} - \frac{IX_0}{X_0} = \pm \Delta_{UX}$$

1 ц. маҳсулот таннархининг ўзгаришига интенсив омилнинг, яъни ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 ц. маҳсулотнинг ҳисобот йилидаги таннархидан шартли таннарhini чегириб ташлаш керак:

$$\frac{IX_1}{X_1} - \frac{IX_1}{X_0} = \pm \Delta_X$$

Ушбу икки омил таъсирларининг йиғиндиси 1 ц. маҳсулот таннархининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб, хулоса қилинади.

Бир бирлик чорвачилик маҳсулотларининг таннарhini таҳлил қилиш тартиби (усули) ўсимликчилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили тартибидан фарқ қилмайди, фақат кўрсаткичлар номи ўзгаради, холос.

1 гектар майдонга бўлган харажат ўрнига 1 бошга бўлган харажат суммаси, ҳосилдорлик ўрнига эса маҳсулдорлик кўрсаткичи олиниб, таҳлил қилинади. Шунинг учун ўзингиз қуйидаги формулалардан (занжирли боғланиш кўрсаткичларидан) фойдаланиб, 1 ц. сутнинг таннарhini таҳлил қилинг.

I. $IX_0: P_0$

II. $IX_1: P_0$

III. $IX_1: P_1$

Бунда, IX_0 , IX_1 – 1 бош сигирга сарф бўлган ишлаб чиқариш харажати суммаси;

P_0, P_1 – 1 бош сигир ҳисобига олинган маҳсулот
миқдори (сут маҳсулдорлик даражаси).

1 ц. сут таннархининг умумий ўзгариши:

$$(ИХ_1: P_1) - (ИХ_0: P_0) = \pm \Delta_{ИХ,Р}$$

Таннарх ўзгаришига 1 бош сигирга бўлган харажат суммаси
ўзгаришининг таъсири:

$$(ИХ_1: P_0) - (ИХ_0: P_0) = \pm \Delta_{ИХ}$$

Таннарх ўзгаришига сут маҳсулдорлиги ўзгаришининг таъсири:

$$(ИХ_1: P_1) - (ИХ_1: P_0) = \pm \Delta_P$$

Омиллар таъсирларининг йиғиндиси 1 ц. сут таннархининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб, таннархни пасайтириш имкониятлари кўрсатилган ҳолда хулоса қилинади.

Юқорида келтирилган «Занжирли боғланиш» усули қоидаларига асосланиб, маҳсулот таннархининг омилли таҳлилини пахта таннархи мисолида 11-жадвалда кўриб чиқамиз.

11-жадвал

1 ц. пахта таннархининг омилли таҳлили.

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги 1 га харажати ва базис йилидаги ҳосилдорлик бўйича	Ҳисо- бот йили	Ўзга- риши (+,-)	Ш.ж.ўзгариши	
						1 гектар х-ти хисо- бига	Ҳосил- дорлик ҳисо- бига
1.	1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган харажат, минг сўм	375,5	406,7	406,7	+ 31,2	х	Х
2.	1 га экин майдони- дан олинган ҳосил (ҳосилдорлик), ц/га	22,5	22,5	23,9	+ 1,4	х	Х
3.	1 ц. пахта таннархи, сўм	16687	18075	17015	+ 328	+ 1388	-1060

11-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц. пахта таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 328 сўмга қимматлашган.

$$\frac{IX_1}{X_1} - \frac{IX_0}{X_0} = \frac{406,7}{23,9} - \frac{375,5}{22,5} = 17,015 - 16,687 = +0,328 \text{ минг сум ёки } 328 \text{ сум}$$

Бу ўзгариш бир омилнинг ижобий, иккинчи омилнинг салбий таъсири остида юзага келган.

1 гектар пахта майдони ҳисобига қилинган харажат суммаси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 31,2 минг сўмга ошган, натижада шу омил ҳисобига 1 ц. Пахта таннархи 1388 сўмга қимматлашган:

$$\frac{IX_1}{X_0} - \frac{IX_0}{X_0} = \frac{406,7}{22,9} - \frac{375,5}{22,5} = 18,075 - 16,687 = +1,388 \text{ минг сум ёки } 1388 \text{ сум}$$

1 гектар пахта майдонидан олинган ҳосил (яъни ҳосилдорлик) ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 1,4 ц.га ошган, натижада шу омил ҳисобига 1 ц. пахта таннархи 1060 сўмга арзонлашган:

$$\frac{IX_1}{X_1} - \frac{IX_1}{X_0} = \frac{406,7}{23,9} - \frac{406,7}{22,5} = 17,015 - 18,075 = -1,060 \text{ минг сум ёки } 1060 \text{ сум}$$

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, таннархни пасайтиришнинг асосий имкониятлари бўлиб, 1 гектарга қилинадиган харажатлар ҳажмини кескин камайтириш ва ҳосилдорликни янада ошириш ҳисобланади. Таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатиш учун унинг таркибини харажат моддалари бўйича ҳам ўрганиш керак.

1 ц. маҳсулот таннархини таҳлили билан бир қаторда унинг таркибини харажат моддалари бўйича ҳам таҳлил этиш зарур, яъни таннарх таркибидаги ҳар бир модда бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш орқали ҳам уни арзонлаштириш имкониятларини кўрсатиш мумкин. Таннарх таркибидаги ҳар бир моддада ўз аксини топган харажатлар ҳажмининг ўзгариши ҳам экстенсив ва интенсив омиллар ҳисобига содир бўлади. Бу омилларни миқдорий ва сифатий (қиймат) омиллар деб ҳам аташ мумкин. Шу икки омил кўпайтмасининг йиғиндиси ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажми (суммаси)га тенг бўлади, демак, омиллар таъсирининг йиғиндиси ҳам ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши

шарт. Масалан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган сарфлар моддасини олайлик. Шу модда бўйича кўрсатилган ҳисобот йилидаги харажатлар суммасини базис йилидаги харажатлар суммасига солиштириб, унинг ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига юзага келади:

1. Сарф бўлган киши-соатлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига ($КС_1 - КС_0$);
2. 1 киши-соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи даражасининг ўзгариши ҳисобига ($1КХ_1 - 1КХ_0$).

Шу омилларнинг «меҳнат ҳақи» моддасидаги харажатлар ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Кўрсаткичлар фарқи» ёки «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиш керак. Ёки «ем-хашак сарфи» моддасидаги харажатлар ҳажми ўзгаришига омиллар таъсирини олайлик. Ушбу ўзгаришга ҳам юқорида кўрсатганимиздек, икки омил таъсир қилади.

1. Сарф бўлган ем-хашак миқдорининг ўзгариши (озуқа бирлиги ҳисобида);
2. 1 ц. ем-хашак қийматининг (таннархининг) ўзгариши.

Ушбу омилларнинг шу моддадаги харажатлар суммасининг ўзгаришига таъсирини кўрсаткичлар фарқи ёки занжирли боғланиш усули орқали аниқлаш мумкин.

Бошқа моддалардаги харажатлар ҳажми ўзгаришининг таҳлилини ҳам шу хил тартибда амалга ошириш тавсия этилади.

Энди, харажат моддалари бўйича таннархнинг қиёслама таҳлилини 12-жадвалдаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз:

1 ц. пахта таннархининг харажат моддалари бўйича таҳлили

Т	Харажат моддалари	Базис йили		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
		Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Суммаси бўйича	Салмоғи бўйича
	Меҳнат ҳақи ажратмалар билан	6675	40,0	5840	34,3	- 835	- 5,7
2.	Ўғитлар	1669	10,0	1497	8,8	- 172	- 1,2
3.	Уруғлик	450	2,7	867	5,1	+ 417	+ 2,4
4.	Амортизация	500	3,0	600	3,5	+ 100	+ 0,5
5.	Иш хизматлар	3340	20,0	4045	23,6	+ 675	+ 3,6
6.	Ёқилғи-мойлаш материаллари	1085	6,5	1344	7,9	+ 259	+ 1,4
7.	Суғурта	67	0,4	68	0,4	+ 1,0	-
8.	Умумишлаб чиқариш харажатлари	176	1,0	153	0,9	- 17	- 0,1
9.	Бошқа тўғри харажатлар	2731	16,4	2631	15,5	+ 100	- 0,9
	1 ц. пахта таннархи (жами)	16687	100,0	17015	100,0	+ 328	-

12-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц. пахта таннархи 328 сўмга қимматлашган. Бу асосан 5 та харажат моддалари ҳажмининг ошиши ҳисобига содир бўлган (уруғлик, амортизация, иш-хизматлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, суғурта). Таннарх таркибида асосий улушни меҳнат ҳақи, иш хизматлар, бошқа тўғри харажатлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари харажатлари ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ушбу харажатларни ошиб кетиш сабабларини билиш учун омилли таҳлил қилиш, мавжуд имкониятларни аниқлашда катта рол ўйнайди.

Ушбу харажатларнинг моддалари бўйича содир бўлган ўзгаришининг сабабини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқладик. Масалан, таннарх таркибидаги «Меҳнат ҳақи» харажат моддасидаги ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган. Омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин занжирли боғланиш кўрсаткичлари ҳисоблаб олиниши керак. Булар қуйидагилардир:

I. Базис йилидаги меҳнат ҳақи харажати кўрсаткичи:

$$MX_0 = KC_0 \cdot 1KX_0$$

II. Шартли меҳнат ҳақи харажати кўрсаткичи:

$$MX_{ш} = KC_1 \cdot 1KX_0$$

III. Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажати кўрсаткичи:

$$MX_1 = KC_1 \cdot 1KX_1$$

Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажатидан базис йилидаги меҳнат ҳақи харажатини чегириш орқали, унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_1) - (KC_0 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{KC, 1KX}$$

Шартли меҳнат ҳақи харажатидан базис йилидаги меҳнат ҳақи харажатини чегириб ташлаш орқали унинг ўзгаришига сарфланган киши-соат (KC) миқдори ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_0) - (KC_0 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{KC}$$

Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажатидан шартли меҳнат ҳақи харажатини чегириб ташлаш орқали, унинг ўзгаришига 1 киши-соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи даражаси (1KX) ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_1) - (KC_1 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{1KX}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси «Меҳнат ҳақи харажати»нинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

Энди меҳнат ҳақи харажати ўзгаришининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз.

1 ц. пахта таннархи таркибидаги меҳнат ҳақи моддаси бўйича харажат динамикасининг омилли таҳлили.

Т. р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилдаги киши-соат ва базис йилдаги 1 киши- соатга тўланадиган иш ҳақи бўйича	Ҳисо- бот йили	Ўзга- риши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
						1 ц.га сарф бўлган киши- соат ҳисобига	1 киши- соатга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобига
1.	1 ц. пахтага сарф бўлган киши-соат (КС)	28,8	31,6	31,6	+ 2,8	х	х
2.	1 киши-соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи, сўм (1КХ)	231,8	231,8	185,0	- 46,8	х	х
3.	1 ц. пахта таннархи таркиби-даги меҳнат ҳақи харажати, сўм (МХ)	6675	7325	5840	- 835	+ 650	- 1485

13-жадвалдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган 1 ц. пахтага сарф бўлган меҳнат ҳақи харажати ҳисобот йилида базис йилидаги харажатига нисбатан 835 сўмга камайган. Ушбу ўзгариш бир омилнинг ижобий, иккинчи омилнинг салбий таъсирида пайдо бўлган, яъни 1ц. пахтага сарф бўлган киши-соат миқдорининг ошиши салбий, 1 киши-соат ҳисобига ҳисобланган иш ҳақи даражасининг пасайиши ижобий таъсир қилган.

1 ц. пахтага сарф бўлган киши-соат миқдори базис йилида 28,8 киши соатни, ҳисобот йилида 31,6 киши соатни ташқил қилган, яъни ўсиш 2,8 киши-соатга тенгдир. Сарф бўлган киши-соат миқдорининг ошиши таннарх таркибидаги меҳнат ҳақи моддаси бўйича харажат ҳажмининг 650 сўмга ошишига сабабчи бўлган.

$$(KC_1 \cdot 1KX_0) - (KC_0 \cdot 1KX_0) = (31,6 \cdot 231,8) - (28,8 \cdot 231,8) = \\ = 7325 - 6675 = +650 \text{ сум}$$

1 киши-соат ҳисобига ҳисобланган иш ҳақи харажати ҳисобот йилида 185 сўми, базис йилида 231,8 сўми ташқил қилган, натижада ҳисобот йилидаги харажат ҳажми 46,8 сўмга камайган, бу эса 1 ц. пахта таннархи таркибидаги меҳнат ҳақи харажатини 1485 сўмга камайтиришига сабабчи бўлган:

$$(KC_1 \cdot 1KX_1) - (KC_1 \cdot 1KX_0) = (31,6 \cdot 185) - (31,6 \cdot 231,8) = \\ = 5840 - 7325 = -1485 \text{ сум}$$

Ушбу маълумотлар асосида таннархни пасайтириш имкониятлари мавжудлигини қайд қилиш мумкин. Шундай имкониятлардан бири бўлиб, сарф бўлган вақтни камайтириш ҳисобланади.

Агар 1 ц. пахтага бўлган меҳнат сарфи ҳисобот йилда базис йилдаги 28,8 киши-соат ҳажмида сақланиб қолганда эди, ҳисобот йилда меҳнат ҳақи учун сарф бўлган харажат 5840 сўм ўрнига 5323 сўм ташқил қилган бўлиб, у 517 сўмга тежалган бўлар эди, натижада 1 ц. таннархи шу суммага камайган бўлар эди.

$$28,8 \cdot 185,0 = 5323 \text{ сўм}$$

$$5840 - 5323 = - 517 \text{ сўм}$$

Меҳнат ҳақи харажати билан бир қаторда таннарх таркибида, уруғ, ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари харажати ҳам салмоқли ўринни эгаллаган харажатлардан ҳисобланади, уларнинг камайтириши таннарх камайтиришига ижобий таъсир қилади. Ушбу харажатлар таҳлили ҳам меҳнат ҳақи харажатларининг таҳлилидан фарқ қилмайди. Ушбу харажатларнинг моддалари бўйича ҳам ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. сарфланган ресурслар миқдорининг ўзгариши ҳисобига;
2. ўртача сотиш баҳоси (ёки таннархининг) ўзгариши ҳисобига.

Ушбу харажатлар ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқлаш йўллари куйида кўрсатамиз.

1 ц. пахта таннархи таркибидаги ўғит харажати динамикаси таҳлилини куйидаги формуладан фойдаланиб амалга оширамиз:

$$\ddot{X} = \ddot{M} \cdot \ddot{B}$$

бунда, $\ddot{M}$ – 1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғит миқдори;

$\ddot{B}$ – 1 ц. ўғитнинг ўртача баҳоси;

$\ddot{X}$ – 1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғитнинг жами харажати.

1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғит харажатининг таҳлили куйидаги формулалар орқали амалга оширилади:

Ўғит харажатининг умумий ўзгариши:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_1) - (\ddot{M}_0 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{M}, \ddot{B}}$$

Ўғит харажатининг ўзгаришига омилларнинг таъсири куйидагича аниқланади:

1. сарфланган ўғит миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_0) - (\ddot{M}_0 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{M}}$$

2. сарф бўлган ўғит баҳосининг таъсири:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_1) - (\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{B}}$$

Уруғ харажати динамикасининг таҳлили.

1 ц. таннарх таркибидаги «Уруғ харажати» суммасининг умумий ўзгариши:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_1) - (\ddot{M}_0 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{M}, \ddot{B}}$$

Бунда, $\ddot{M}_1$, $\ddot{M}_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ миқдори;

$УБ_1, УБ_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғнинг нархи (баҳоси).

$(УМ_1 \cdot УБ_1)$ – ҳисобот йилида 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ харажати;

$(УМ_0 \cdot УБ_0)$ – базис йилида 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ харажати.

Уруғ харажати суммасининг ўзгаришига омилларнинг таъсири куйидагича аниқланади:

1-омил, яъни сарф бўлган уруғ миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(УМ_1 \cdot УБ_0) - (УМ_0 \cdot УБ_0) = \pm \Delta_{УМ}$$

2-омил, яъни уруғнинг ўртача нархи ўзгаришининг таъсири:

$$(УМ_1 \cdot УБ_1) - (УМ_1 \cdot УБ_0) = \pm \Delta_{УБ}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси уруғ харажати суммасининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{УМ} \pm \Delta_{УБ} = \Delta_{УМ,УБ}$$

Ёқилғи-мойлаш материаллари харажати динамикасининг таҳлили. 1 ц. таннарх таркибидаги «Ёқилғи-мойлаш материаллари» моддаси харажатининг умумий ўзгариши:

$$(\dot{ЕММ}_1 \cdot \dot{ЕМБ}_1) - (\dot{ЕММ}_0 \cdot \dot{ЕМБ}_0) = \pm \Delta_{\dot{ЕММ}, \dot{ЕМБ}}$$

Харажат ўзгаришига омилларнинг таъсири:

1. ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(\dot{ЕММ}_1 \cdot \dot{ЕМБ}_0) - (\dot{ЕММ}_0 \cdot \dot{ЕМБ}_0) = \pm \Delta_{\dot{ЕММ}}$$

2. ёқилғи-мойлаш материаллари баҳосининг таъсири:

$$(\dot{ЕММ}_1 \cdot \dot{ЕМБ}_1) - (\dot{ЕММ}_1 \cdot \dot{ЕМБ}_0) = \pm \Delta_{\dot{ЕМБ}}$$

Икки омил таъсирларининг йиғиндиси «ёқилғи-мойлаш материаллари» моддаси суммасининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{\dot{E}MM} \pm \Delta_{\dot{E}MB} = \Delta_{\dot{E}MM, \dot{E}MB}$$

Бу ерда, $\dot{E}MM_1$, $\dot{E}MM_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори;

$\dot{E}MB_1$, $\dot{E}MB_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материалларининг ўртача нархи.

Энди, 1 ц. пахта учун сарф бўлган моддий харажатлар ҳажмининг омилли таҳлилини юқорида баён қилинган «Занжирли боғланиш» усули қоидалари асосида кўриб чиқамиз. Буни 14-жадвалдан кўриш мумкин.

14-жадвал

1 ц. пахта таннархи таркибидаги моддий харажат моддалари бўйича динамикасининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилида сарф бўлган материаллар миқдори ва базис йилдаги нархи бўйича	Ҳисобот йили	ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					Сарф бўлган материаллар миқдори ҳисобига	Материаллар нархи ҳисобига
Ўғит сарфи бўйича:						
1 ц. пахтага сарф бўлган ўғит, кг	20,5	10,0	10,0	- 10,5	x	x
Сарфланган 1 кг ўғитнинг нархи, сўм	81,41	81,41	149,7	+ 68,29	x	x
1 ц. пахтага сарф бўлган ўғит харажати, сўм	1669	814,1	1497	- 172	- 854,9	+682,9
Уруғ сарфи бўйича:						
1 ц. пахтага сарф бўлган уруғ, кг	2,0	2,5	2,5	+ 0,5	x	x
Сарфланган 1 кг уруғнинг нархи, сўм	225	225	346,7	+121,7	x	X
1 ц. пахтага сарф бўлган уруғ харажати, сўм	450	562,5	867	+417	+ 112,5	+ 304,5
Ёқилғи-мойлаш материаллари бўйича:						
1 ц. пахтага сарф бўлган $\dot{E}MM$, кг	3,2	3,5	3,5	+ 0,3	x	x
Сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи, сўм	339,1	339,0	384	+ 44,9	x	x
1 ц. пахтага сарф бўлган харажатлар суммаси, сўм	1085	1187	1344	+ 259	+ 102	+ 157

Пахта ишлаб чиқариш учун сарф бўлган материалларни сотиб олиш нархларининг кескин ошиб кетиши натижасида харажатлар ҳажми ҳам ошган, натижада таннарх қимматлашган. Таннархнинг ошишига ушбу омил билан бир қаторда сарф бўлган материаллар миқдорининг ошиб кетиши ҳам сабабчи бўлган.

Сарф бўлган 1 кг ўғит нархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 1,8 мартага, уруғ бўйича 1,5 мартага, ЁММ бўйича 1,2 мартага ошган. Сарф бўлган материаллар миқдори ҳам уруғ бўйича 25 % га, ЁММ бўйича 9,4 % га ошган, фақат ўғит бўйича 49 % га камайган.

Шу омиллар ҳисобига 1 ц. пахта таннархи қимматлашган. Ушбу ўзгаришга икки омилнинг ҳам таъсири 22 жадвалда келтирилган.

22-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц. пахтага сарф бўлган уруғ харажатининг ўзгаришига икки омил ҳам салбий таъсир қилган.

1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ миқдори 0,5 кг га ошган, натижада таннарх қимматлашган, яъни шу омил ҳисобига уруғ харажати ошиб, 1 ц. Пахта таннархи 112,5 сўмга қимматлашган. Уруғни сотиб олиш нархи 121,7 сўмга ошган, натижада уруғ харажати шу омил ҳисобига 304,5 сўмга ошган, бу эса ўз навбатида пахта таннархини шу суммага ошишига олиб келган.

1 ц. пахтага сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатининг ошиб кетишига икки омил ҳам сабабчи бўлган. Сарф бўлган миқдорининг ошиши ҳисобига таннарх 102 сўмга, баҳосининг ошиши ҳисобига 157 сўмга қимматлашган

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, хўжаликда пахта таннархини пасайтириш имкониятлари мавжуд, аммо улардан етарли даражада фойдаланмаган.

Чорва моллари таннархи таркибидаги ҳар бир харажат моддасининг омилли таҳлили ҳам 1 ц. пахта таннархини моддалари бўйича маҳлил қилиш усулидан фарқ қилмайди, шунинг учун ўша усул қоидаларига амал қилиб, таҳлил қилиш мумкин. Фақат «ем-хашак сарфи» моддаси бўйича фарқ қилади. Шунинг учун «Ем-хашак сарфи»ни омилли таҳлили усулини кўриб

чиқамиз. Ушбу модда бўйича харажатнинг ўзгариши ҳам икки омил ҳисобига содир бўлади:

1) Сарф бўлган ем-хашакнинг озуқа бирлигидаги миқдорининг ўзгариши;

2) 1 ц. озуқа таннархининг ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқлаш зарур. Бунинг таҳлилини қуйидаги формулалардан фойдаланиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

I. $OM_0 \cdot OB_0$

II. $OM_1 \cdot OB_0$

III. $OM_1 \cdot OB_1$

OM_0, OM_1 – 1 бош мол учун базис ва ҳисобот йилларида сарф бўлган озуқа миқдори мос ҳолда;

OB_0, OB_1 – 1 ц. озуқанинг базис ва ҳисобот йилларидаги таннархи мос ҳолда.

Озуқа харажатининг умумий ўзгариши:

$$(OM_1 \cdot OB_1) - (OM_1 \cdot OB_0) = \pm \Delta_{OM,OB}$$

Озуқа харажатининг ўзгаришига омилларнинг таъсири:

1) сарфланган озуқа миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(OM_1 \cdot OB_0) - (OM_0 \cdot OB_0) = \pm \Delta_{OM}$$

2) 1 ц. озуқа таннархи ўзгаришининг таъсири:

$$(OM_1 \cdot OB_1) - (OM_1 \cdot OB_0) = \pm \Delta_{OB}$$

Ушбу омиллар таъсирларининг йиғиндиси озуқа сарфининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Натижа билан омиллар таъсирининг тенглиги маълум бўлгандан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб, харажатни камайтириш имкониятлари кўрсатилиб, хулоса қилиниши керак.

3-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Фермер хўжаликларининг молиявий натижалари таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари

Молиявий натижалар деганда фойда ёки зарар кўрсаткичлари биргаликда тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар даромад ва харажатлар орасидаги фарқ тариқасида аниқланади. Даромадлар ҳажми харажатларга нисбатан кўп бўлса, ораликдаги фарқ фойдани билдиради, аксинча бўлса зарарни билдиради. Хуллас, фойда даромад ва харажатлар нисбатидаги юқори ўзгарувчанликни, зарар эса улар нисбатидаги қуйи ўзгарувчанликни ифодалайди. Фойда қанча кўп бўлса, корхона иқтисодий жиҳатдан шунга мустаҳкам бўлади. Фойда ошган сайин корхонанинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тўловга қодирлиги ошиб боради, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиғаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий неъматни яратувчиларнинг моддий манфаатдорлиги даражасини ошириш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун шароит яратилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали юритиш учун ҳаракат қилиши керак. Фойдали фаолият кўрсатиш учун иқтисодий таҳлилни самарали ташқил қилиш зарур, чунки фойдани кўпайтириш учун зарур бўлган имкониятларни фақат таҳлил орқали аниқлаш мумкин.

Таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?

Таҳлилнинг мақсади-фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва омилли таҳлил қилиш асосида уларни янада кўпайтириш ва ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун таҳлил олдида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш туради:

1. Фермер хўжалиги фойдаси таркиби, тузилиши ва динамикасининг ўрганиш;

2. Ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таъсирига баҳо бериш;

3. Асосий ишлаб чиқариш фаолияти фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

4. Умумхўжалик фаолияти фойдаси ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

5. Соф фойда ўзгаришини аниқлаш ва омиллар таъсирига баҳо бериш;

6. Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир қилувчи омилларга баҳо бериш;

7. фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ» га мувофиқ молиявий натижалар (фойда ёки зарар) 5-та турга бўлинади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинadиган ялпи фойда (зарар);
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси (зарари);
3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари);
4. Солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойда (зарар);
5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижа фойда бўлса ҳам, зарар бўлса ҳам, уларни аниқлаш усуллари бир хилдир, шунинг учун уларни аниқлашни «фойда» кўрсаткичи мисолида кўриб чиқамиз.

Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда қандай аниқланади? Маҳсулотларни сотишдан олинган жами соф пул тушумидан (СПТ) сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини (ТН) чегириб ташлаш орқали ялпи фойда (ЯФ) аниқланади:

$$ЯФ = СПТ - ТН ёки (\Sigma qр - \Sigma qz)$$

Бунда q-сотилган маҳсулот миқдори;

P-сотилган 1ц баҳоси;

z-сотилган 1ц маҳсулот таннари;

$\Sigma qр$ -маҳсулотни сотишдан олинаган соф пул тушуми;

Σqz -ишлаб чиқариш таннари.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси қандай аниқланади?

Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдадан (ЯФ) давр харажатлари (ДХ) билан асосий фаолиятнинг бошқа операцион харажатларини (БХ) айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини (БД) қўшиш орқали асосий фаолиятнинг фойдаси (АФФ) аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ - БХ + БД$$

Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси қандай аниқланади?

Асосий фаолиятнинг фойдасига (АФФ) молиявий фаолиятнинг даромадларини (МФД) қўшиб, молиявий фаолият бўйича бўлган харажатларни (МФХ) айириб ташлаш орқали умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (УХФ) аниқланади:

$$УХФ = АФФ + МФД - МФХ$$

Молиявий фаолият даромадларига қуйидаги даромадлар киритилади:

- 1) Дивидентлар шаклидаги даромадлар;
- 2) Фоизлар шаклидаги даромадлар;
- 3) Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар;
- 4) Валюта курси фарқидан даромадлар;
- 5) Бошқа даромадлар.

Молиявий фаолият харажатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Фоиз шаклидаги харажатлар;
- 2) Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар;
- 3) Валюта курси фарқидан зарарлар;
- 4) Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойда (СТФ) қандай аниқланади?

Бу фойда умумхўжалик фаолияти фойдасига (УХФ) фавқулотда юзага келган фойдани (ФФ) қўшиш ва фавқилотда юзага келган зарарни (ФЗ) чегириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{СТФ} = \text{УХФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ}$$

Ҳисобот даврининг соф фойдаси қандай аниқланади?

Соф фойдани (СФ) аниқлаш учун солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдадан (СТФ) даромад (фойда) солиғини (ДС) ҳамда фойдадан тўланадиган бошқа солиқ ва йиғимларни (БС) чегириб ташлаш керак:

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ДС} - \text{БС}$$

Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг молиявий фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи нисбий коэффициентлардир. Улар корхонанинг даромадлилигини, фойдалилигини ифодалайди.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг у ёки бу ҳолати бўйича фойдалилик даражасини таърифлаш ва уларга баҳо бериш учун ишлатилади.

Рентабеллик даражаси бир сўмлик маблағлар, харажатлар ва фондлар қийматига нисбатан олинган фойда ҳажмини ифодалайди. Агар ушбу кўрсаткич даражаси ошиб борса, фойдалиликнинг ошиб боришини билдиради. Ҳозирги вақтда рентабеллик кўплаган кўрсаткичлар орқали ифодаланди. Шулардан асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулотлар реализацияси рентабеллиги
2. Асосий воситалар рентабеллиги
3. Активлар рентабеллиги

4. Хусусий капитал рентабеллиги
5. Перманент капитал рентабеллиги

Маҳсулотлар реализацияси рентабеллиги. Буни (P_{mp}) аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдани ($Яф$) 100 фоизга кўпайтириб, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ($ТН$) бўлиш керак:

$$P_{mp} = \frac{Яф * 100}{ТН}$$

Бу рентабеллик харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир, яъни 1 сўмлик қилинган харажатга қанча ялпи фойда олганлигини кўрсатади.

Асосий воситалар рентабеллиги. Бу ҳисобот давридаги соф фойдани ($СФ$) 100 фоизга кўпайтириб, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига ($АИФ$) бўлиш орқали аниқланади:

$$P_{ав} = \frac{СФ * 100}{АИФ}$$

Бунда, $АИФ$ -асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати.

Бу рентабеллик асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Активлар рентабеллиги. Буни (P_a) аниқлаш учун солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдани ($СТФ$) 100 фоизга кўпайтириб, натижасини узоқ муддатли активлар ($УА$) билан айланма активлар ($АА$) суммасининг жамига (яъни балансининг жамига) бўлиш керак:

$$P_a = \frac{СТФ * 100}{УА + АА}$$

Активлар рентабеллиги ҳисобот даврида 1 сўмлик асосий воситалар билан айланма маблағлар ҳисобига неча сўмлик фойда олинганлигини англатади.

Хусусий капитал рентабеллиги. Буни ($P_{ХК}$) аниқлаш учун хўжаликнинг ҳисобот йилидаги соф фойдасини ($СФ$) 100 фоизга кўпайтириб,

уларнинг суммасини хусусий капитал (ХК) нинг ўртача йиллик қийматига бўлиш керак.

$$P_{HK} = \frac{CF * 100}{HK}$$

Бу кўрсаткич бир сўмлик хусусий капитал ҳисобига неча сўмлик соф фойда олинганлигини кўрсатади, яъни хусусий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ифодалайди.

Перманент капитал рентабеллиги. Бу рентабелликни (РПК) аниқлаш учун корхонанинг соф фойдасини (СФ) перманент капиталнинг ўртача йиллик қийматига (ПК) бўлиш керак:

$$P_{PK} = \frac{CF * 100}{PK}$$

Корхонанинг хусусий капитали билан узоқ муддатли қарз капитали биргаликда перманент капитални ташқил этади. Демак, перманент капитал рентабеллигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$P_{PK} = \frac{CF * 100}{HK + KK}$$

Бунда, ХК-хусусий капитал;

КК-узоқ муддатли қарз капитали;

Перманент капитал рентабеллиги коэффициенти хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағларининг 1 сўмига (100 сўмига) қанча соф фойда тўғри келишлигини кўрсатади.

Ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес-режа бўйича кўзда тутилган фойдага ёки базис йилидаги фойда суммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий миқдорлардаги ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда суммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ва камайганлиги) аниқланади. Биз, бу ерда ҳисобот йилидаги фойданинг базис йилига нисбатан ўзгаришининг таҳлилини келтирдик.

Ҳисобот йилида ҳар бир маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг базис йилига нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки

камайишини) қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_{q p z}$$

ҳисобот	базис	фойда
йилидаги	йилидаги	ўзгариши
фойда	фойда	

бунда, q_1, q_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулот миқдори;

p_1, p_0 –мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси.

z_1, z_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган 1 ц маҳсулотнинг таннарихи.

Ушбу келтирилган формуладан кўриниб турибдики, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

1. Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ($q_1 - q_0$);
2. 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши ($p_1 - p_0$);
3. 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннарининг ўзгариши ($z_1 - z_0$).

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин. Биз сотилган пахта мисолида қуйида келтирилган маълумотлар асосида «Кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб ялпи фойда таҳлилини кўриб чиқамиз.

15-жадвал

Фермер хўжалиги бўйича пахтани сотишдан олинган ялпи фойдани таҳлил этиш учун зарур бўлган маълумотлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+, -)
1	Сотилган пахта , ц	3600	3783	+183
2	1 ц пахта баҳоси, сўм	17890	19908	+2018
3	1 ц пахта таннарихи, сўм	15410	16682	+1272
4	1 ц пахтани сотишдан олинган фойда, сўм	2480	3226	+746
5	Ялпи фойда, минг сўм	8928	12204	+3276

15-жадвалдан кўриниб турибдики, хўжалик пахтани сотишдан ҳисобот йилида 12204 минг сўм фойда олиб, бу ўтган базис йилига нисбатан 3276 минг сўмга ёки 36,7 фоизга ошган. Бунинг сабабани билиш учун юқорида келтирилган омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» усули ёрдамида аниқлаймиз.

Ялпи фойданинг ўзгаришига сотилган пахта миҳдорининг ўзгаришини таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларида сотилган пахта миҳдорлари орасидаги фарқни базис йилида 1 ц пахтани сотишдан олинган фойда суммасига кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = \pm \Delta_q$$

$$(3783-3600) \cdot (17890-15410) = +183 \cdot 2480 = +454 \text{ минг сўм}$$

Демак, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан сотилган пахта миҳдорининг 183 ц.га ошиши натижасида пахтани сотишдан олинган ялпи фойда суммаси базис йилига нисбатан 454 минг сўмга кўпайган. Хуллас, сотилган пахта миҳдорининг ошиши фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Сотилган пахта миҳдори билан олинган фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Демак, сотилган пахта миҳдори ошса, олинадиган фойда ҳам ошади, камайса-камаяди. Бизнинг мисолда сотилган пахта миҳдорининг ошиши фойда суммасини ошишига сабабчи бўлган.

Фойданинг ўзгаришига иккинчи омилнинг яъни 1 ц пахтанинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги ўртача сотиш баҳолари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган пахтанинг ҳақиқий миҳдорига кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_p$$

$$(19908-17890) \cdot 3783 = +2018 \cdot 3783 = +7634 \text{ минг сўм}$$

Демак, ҳисобот йилидаги 1 ц пахтанинг ўртача сотиш баҳосининг базис йилига нисбатан 2018 сўмга ошиши ялпи фойда суммасини 7634 минг

сўмга кўпайтирган. Ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

Демак, ўртача баҳо билан фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Баҳонинг ошиши ҳар доим фойданинг ошишига олиб келади, камайиши эса камайтиради.

Фойданинг ўзгаришига 1 ц пахта таннархининг ўзгаришини таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги 1 ц пахта таннархлари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорига кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_z$$

$$(16682-15410) \cdot 3783 = +1272 \cdot 3783 = -4812 \text{ минг сўм}$$

Демак, 1 ц пахта таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 1272 сўмга ошган, натижада унинг жами ишлаб чиқариш таннархи 4812 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи фойдага салбий таъсир этиб, уни шу суммага камайтирган. Шунинг учун ҳам охириги натижа минус билан кўрсатилган.

Сотилган маҳсулот таннархи билан фойда ўртасида билвосита боғлиқлик мавжуд. Таннарх қимматлашса фойда камаяди, аксинча таннарх арзонлашса фойда кўпаяди. Бизнинг мисолда 1 ц пахта таннархининг қимматлашиши (ошиши) умумий харажатни ошириб, ялпи фойдани шу суммага камайтирган.

Келтирилган омиллар таъсирларининг йиғиндиси ялпи фойданинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Буни қуйида келтирилган 16-жадвалдан кўриш мумкин.

Пахтани сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили.

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+, -)
1	Сотилган пахта, ц	3600	3783	+183
2	1 ц пахта баҳоси, сўм	17890	19908	+2018
3	1 ц пахта таннархи, сўм	15410	16682	+1272
4	1 ц пахтанинг фойдаси, сум	2480	3226	+746
5	Пахтани сотишдан олинган ялпи фойда, минг сум	8928	12204	+3276
	Шу жумладан ўзгариши: 5.1 Сотилган пахта миҳдорининг ўзгариши ҳисобига	X	X	+454
	5.2. 1 ц сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига	X	X	+7634
	5.3. 1 ц пахта таннарининг ўзгариши ҳисобига	X	X	-4812

Энди, пахтани сотишдан олинган ялпи фойда таҳлилини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, ўзингиз бажаринг. Бунинг учун қуйидаги занжирли боғланиш кўрсаткичларини ифодаловчи формулалардан фойдаланинг

$$I. \quad q_0 p_0 - q_0 z_0$$

$$II. \quad q_1 p_0 - q_1 z_0$$

$$III. \quad q_1 p_1 - q_1 z_0$$

$$IV. \quad q_1 p_1 - q_1 z_1$$

Ялпи фойданинг умумий ўзгариши:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_{qz}$$

Ушбу ўзгаришга омиллар таъсири:

1. Сотилган пахта миҳдори ўзгаришининг таъсири:

$$(q_1 p_0 - q_1 z_0) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_q$$

2. Ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсири:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_0) - (q_1 p_0 - q_1 z_0) = \pm \Delta_p$$

3. 1 ц пахта таннари ўзгаришининг таъсири:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_1 p_1 - q_1 z_0) = \pm \Delta_z$$

Ушбу уч омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи фойданинг умумий ўзгаришига тенг келиш керак.

Хўжалик ёки унинг тармоқлари бўйича товар маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлилини амалга ошириш учун аввало унинг умумий ўзгариши базис йилига ёки бизнес режага нисбатан аниқланади, сўнгра нима сабабдан ўзгарган деган саволга жавоб бериш керак. Бунинг учун ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бевосита омилларни аниқлаш, уларнинг ҳар бирининг таъсирини ҳисоблаш зарур.

Хўжалик бўйича маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгаришига бевосита қуйидаги 4 та омил таъсир қилади:

1. Сотилган маҳсулотлар физик миқдорларининг ўзгариши;
2. Сотилган маҳсулотлар структурасининг (таркибий қисмининг) ўзгариши;
3. Маҳсулот бирлигининг (1 ц маҳсулотнинг) ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;
4. Маҳсулот бирлигининг (1 ц маҳсулотнинг) ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлашдан олдин базис ва ҳисобот йилларининг ҳақиқий кўрсаткичлари билан бир қаторда (ёки ҳисобот йилининг режа ва ҳақиқий кўрсаткичлари билан бир қаторда) шартли кўрсаткичлар ҳам аниқлаб олиниши керак, яъни ҳисобот йилида сотилган маҳсулотларнинг миқдорларига нисбатан таннарх, пул тушуми ва фойда суммалари қайта ҳисобланган бўлиши керак, чунки ушбу шартли кўрсаткичлар омилларнинг таъсирини аниқлаш учун зарур бўлган миқдорлардир. Бу шартли кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Сотилган маҳсулотларнинг шартли ишлаб чиқариш таннархи ($\sum q_1 z_0$)
2. Сотилган маҳсулотларнинг шартли соф пул тушуми ($\sum q_1 p_0$)
3. 1 сўмлик ёки минг сўмлик соф тушум ҳисобига олинган шартли ялпи фойда суммаси. Бу кўрсаткични жами шартли фойда суммасини ($\sum q_1 f_0$) жами

шартли соф пул тушуми суммасига ($\sum q_1 p_0$) бўлиб, натижасини 1000 га кўпайтириб, аниқлашни маъқул кўрдик.

$$\frac{\sum q_1 F_0}{\sum q_1 P_0} \times 1000$$

Учинчи шартли кўрсаткич нима учун керак?

Бу кўрсаткич сотилган маҳсулот умумий ҳажмининг ўзгариши туфайли юзага келадиган ялпи фойда суммасининг умумий ўзгаришини икки омил ўртасида тақсимлаш учун зарур бўлган аналитик кўрсаткичдир, яъни сотилган маҳсулотлар физик миқдори билан структураси ўзгаришларининг таъсирини ажратиб аниқлаш учун зарур бўлган аналитик кўрсаткичдир. Демак, ушбу шартли кўрсаткичдан фойдаланиб, шу икки омил ҳар бирининг сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсири аниқланади.

Энди бемалол, омилларнинг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаш тартибини (услубини) кўриб чиқамиз.

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» ва «Кўрсаткичлар фарқи» усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин.

1.Ялпи фойданинг ўзгаришига сотилган маҳсулотлар физик миқдорлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, шартли соф тушум билан базис йилидаги соф тушум орасидаги фарқни базис йилидаги минг сўмлик пул тушуми ҳисобига олинган фойда суммасига кўпайтирилади:

$$(\sum q_1 p_0 - (\sum q_0 p_0)) \times \left(\frac{\sum q_0 F_0}{\sum q_0 P_0} \times 1000 \right) = \pm \Delta_q$$

2.Сотилган маҳсулотлар структураси ўзгаришининг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун минг сўмлик шартли соф тушум ҳисобига олинган шартли фойда билан базис йилидаги минг сўмлик тушум ҳисобига олинган ҳақиқий фойда орасидаги фарқни шартли соф тушум суммасига кўпайтирилади:

$$\left(\frac{\sum q_1 F_0}{\sum q_1 P_0} \times 1000 - \frac{\sum q_0 F_0}{\sum q_0 P_0} \times 1000 \right) \times \sum q_1 p_0 = \pm \Delta_c$$

3.Ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсири ҳисобот йилидаги ҳақиқий соф пул тушумидан шартли соф пул тушуми суммасини айириб ташлаш орқали аниқланади.

$$\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 p_0 = \pm \Delta_p$$

4.Маҳсулотлар таннархи ўзгаришининг ялпи фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот йилида сотилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархидан уларнинг шартли таннархи суммасини чегириб ташлаш керак:

$$\Sigma q_1 z_1 - \Sigma q_1 z_0 = \pm \Delta_z$$

Баён қилинган 4-та омиллар таъсирининг йиғиндиси (ижобий ёки салбий таъсир қилишидан қатъий назар) ялпи фойданинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан кейин омилларнинг ҳар бирини таъсирига баҳо берилиши ва имкониятлар кўрсатилиб, хулосалар чиқарилиши керак. Ушбу омиллар таъсирларининг натижаларини 25-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

17-жадвал

Хўжалик бўйича ялпи фойданинг ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдори ва базис йилидаги таннархи ва сотиш баҳоси бўйича	Ҳисобот йили	Ҳисобот йилининг базис йилидан фарқи (+,-)
1. Сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархи, минг сум	96686	109366	115231	+18545
2. Соф пул тушуми, минг сум	110966	125380	135095	+24129
3.Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сум	14280	16014	19864	+5584
4. 1минг сўм соф тушум ҳисобига олинган фойда, сум	128,69	127,72	147,04	+18,35
5. Омиллар ҳисобига ялпи фойданинг ўзгариши:				
5.1 Сотилган маҳсулотлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига	X	x	x	+1855
5.2 Сотилагн маҳсулотлар структурасининг ўзгариши ҳисобига	X	x	x	-121
5.3 Сотилагн маҳсулотлар сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига	X	x	x	+9715
5.4 Сотилган маҳсулотлар таннархининг ўзгариши ҳисобига	X	x	x	-5865

17-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажми базис йилига нисбатан 5584 минг сўмга ёки 39,1 фоизга ошган. Бу ўзгариш икки омилнинг ижобий ва икки омилнинг салбий таъсири остида юзага келган. Шу жумладан, биринчи ва учинчи омил ижобий, иккинчи ва тўртинчи омил салбий таъсир қилган.

Сотилган маҳсулотларнинг физик миқдори ўрта ҳисобда ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 13 фоизга ошган

$$(\sum q_1 p_0 : \sum q_0 p_0 = 125380 : 110966 = 1,13 \text{ ёки } 113 \% \quad 113 - 100 = +13\%).$$

Натижада шу омил ҳисобига ялпи фойданинг ҳажми базис йилига нисбатан 1855 минг сўмга кўпайган:

$$\sum q_1 p_0 - \sum q_0 p_0 * \frac{\sum q_0 f_0}{\sum q_0 p_0} = (125380 - 110966) * \frac{14280}{110966} = +14414 * 0,12869 = +1855 \text{ минг}$$

сўм.

Сотилган маҳсулотлар структурасининг (таркибий тузилишининг) озрок ёмонлашиши натижасида ялпи фойда суммаси 121 минг сўмга камайган:

$$\left(\frac{\sum q_1 f_0}{\sum q_1 p_0} - \frac{\sum q_0 f_0}{\sum q_0 p_0} \right) * \sum q_1 p_0 = \left(\frac{16014}{125380} - \frac{14280}{110966} \right) * 125380 = (0,12772 - 0,12869) * 125380 = -121 \text{ минг сўм.}$$

Ўртача сотиш баҳоси ўрта ҳисобда базис йилига нисбатан 7,7% га ошган: $\sum q_1 p_1 / \sum q_1 p_0 = 135095 : 125380 = 1,077$ ёки 107,7%; $107,7 - 100 = +7,7\%$.

Натижада шу омил ҳисобига ялпи фойда ҳажми 9715 минг сўмга кўпайган: $\left(\frac{T_1}{X_0} : \frac{T_1}{X_1} \right) = \frac{822}{22,5} : \frac{822}{23,9} = 36,5 : 34,4 = 1,062$ ёки 106,2 % минг сўм.

Сотилган маҳсулотлар таннархи ўрта ҳисобда ҳисобот йилда базис йилига нисбатан 18545 минг сўмга ёки 16,9% га қимматлашган: $\sum q_1 z_1 - \sum q_1 z_0 = 115231 - 109366 = +18545$ минг сўм.

Натижада ялпи фойда суммаси шу омил ҳисобига 18545 минг сўмга камайган. $\sum q_1 z_0 - \sum q_1 z_1 = 109366 - 115231 = -18545$ минг сўм.

Фойда хўжаликнинг пировард молиявий натижасини муток кўрсаткичда ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда

йифодалайди. Самарадорликка баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади.

Рентабеллик деганда фойдалилик, даромадлилик даражаси тушунилади. Ресурсларга, капиталларга, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан олинган фойда ҳажми тушунилади. Биз бу бўлимда сотилган маҳсулотларни рентабеллиги даражасининг таҳлилига тўхтаймиз.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун олинган ялпи фойда суммасини 100% га кўпайтириб, маҳсулот таннархига бўлмоқ керак. Биз бу ерда маҳсулот бир бирлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар асосида рентабелликни ҳисобладик ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқладик. Ушбу ҳолатда сотилган маҳсулотлар рентабеллигини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$R = \frac{P - Z}{Z}$$

бунда, P -1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм ҳисобида;

Z -1 ц маҳсулотнинг ўртача таннархи, сўм ҳисобида;

$P-Z$ -1 ц маҳсулотни сотишдан олинган фойда, сўм ҳисобида.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

1. Ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;
2. 1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши.

Рентабелликнинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш қулайроқдир.

Таҳлил таққослашдан бошланади, яъни ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини базис йилидаги (ёки режадаги) рентабеллик даражасига солиштириб, умумий ўзгариши аниқланади.

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ}$$

Ушбу ўзгаришга омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли рентабеллик даражаси» аниқланади. Буни қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$P_{III} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0}$$

Шундан сўнг рентабеллик даражасининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

«Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун шартли рентабеллик даражасидан базис давридаги рентабеллик даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_P$$

«1 ц маҳсулот таннархи ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасидан шартли рентабеллик даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_Z$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сотилган маҳсулотлар рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{PZ} = \Delta_P \pm \Delta_Z$$

Энди, юқорида келтирилган таҳлил усулидан фойдаланиб, сотилган пахта бўйича унинг рентабеллигининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз.

18-жадвал

Пахта хом ашёсини сотиш бўйича рентабелликнинг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги ўртача баҳо ва базис йилидаги ўртача таннархи бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+, -)	Шу жумладан ўзгариши	
					Баҳо ҳисобига	Таннарх ҳисобига
1 ц пахтанинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	17890	19908	19908	+2018	X	x
1 ц пахтанинг ўртача таннархи, сўм	15410	15410	16682	+1272	X	x
1 ц пахтани сотишдан олинган фойда, сўм	2480	4498	3226	+746	X	x
Рентабеллик даражаси, %	16,1	29,2	19,3	+3,2	+13,1	-9,9

18-жадвалдаги маълумотлар асосида пахтачилик рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришини аниқлаймиз.

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \frac{19908 - 16682}{16682} - \frac{17890 - 15410}{15410} = \frac{3226}{16682} - \frac{2480}{15410} = 0,193 - 0,161 = 0,032$$

ёки 3,2 %.

Демак, 1 сўмлик харажат ҳисобига базис йилида 16,1 тийинлик, ҳисобот йилида 19,3 тийинлик фойда олинган, яъни 1 сўмлик сотилган пахта харажати ҳисобига олинган фойда таҳлил қилинаётган даврда 3,2 тийинга ёки 3,2 % га кўпайган. Аммо шуни қайд қилиш керакки, бу ниҳоятда паст кўрсаткичдир.

Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2018 сўмга ёки 11,3 % га ошган. Натижада шу омил ҳисобига рентабеллик даражаси 13,1 % га ошган.

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \frac{19908 - 15410}{15410} - \frac{17890 - 15410}{15410} = \frac{4498}{15410} - \frac{2480}{15410} = 0,292 - 0,161 = 0,131$$

ёки 13,1 %.

1 ц пахтанинг ўртача таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 1272 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, таннархнинг 1272 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 9,9 % га пасайтирган.

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \frac{19908 - 16682}{16682} - \frac{19908 - 15410}{15410} = \frac{3226}{16682} - \frac{4498}{15410} = 0,193 - 0,292 = -0,099$$

ёки -9,9 %.

Демак, рентабелликни оширишнинг асосий резерви бўлиб, баҳони янада маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига кўтариш ва таннархни нисбатан пасайтириш ҳисобланади. Агар таннарх ҳисобот йилида нисбатан пасайганда рентабеллик пасайиш ўрнига ошган бўлар эди, оқибатда фойдалилик юқори даражада ошган бўлар эди.

Сотилган маҳсулотларнинг барча турлари бўйича рентабеллик даражасининг ўзгаришини (масалан, ғаллачилик, сабзавотчилик ва бошқалари бўйича) таҳлил қилиш тартиби сотилган пахта рентабеллигининг таҳлилидан фарқ қилмайди, шунинг учун ҳам улар бўйича рентабелликнинг таҳлилини сотилган пахта рентабеллиги таҳлилида баён қилинган қоида ва усуллардан фойдаланиб амалга ошириш керак. Шунинг учун бу ерда уларнинг таҳлили ёритилмади.

Хўжалик бўйича (ёки тармоқ бўйича) рентабеллик даражасини таҳлил этиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Хўжалик бўйича сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш тартиби сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича рентабеллигини аниқлаш тартибидан фарқ қилмайди, яъни маҳсулотларни сотишдан олинган жами фойдани шу маҳсулотларнинг жами таннархига бўлиш орқали хўжалик бўйича сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги даражаси аниқланади:

$$\bar{R} = \frac{\sum qf}{\sum qz} * 100$$

Аммо омилли таҳлил нуқтаи назаридан уни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\bar{R} = \frac{\sum q_i(P_i - Z_i)}{\sum q_i Z_i} * 100 = \sum R_i C_i$$

Чунки бу ерда рентабелликка таъсир қилувчи омиллар кўриниб туради.

Бунда, q_i - i турдаги сотилган маҳсулотлар миқдори;

Z_i - 1 ц маҳсулотнинг таннархи;

P_i - 1 ц маҳсулотнинг баҳоси;

C_i - жами маҳсулотларнинг харажатига нисбатан i турдаги сотилган маҳсулот харажатининг салмоғи;

R_i - i турдаги сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги даражаси.

Хўжалик бўйича ўртача рентабеллик даражасининг ўзгаришига бевосита уч омил таъсир қилди:

1. Сотилган маҳсулотлар структурасининг ўзгариши.
2. Ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши.
3. Маҳсулот бирлиги таннархининг ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқлаш мумкин. Хўжалик (ёки тармоқ) бўйича ўртача рентабеллик даражасининг таҳлилини 19-жадвалдаги маълумотлар асосида аниқлаймиз.

19-жадвал

**Сотилган маҳсулотлар бўйича ўртача рентабелликни таҳлил қилиш
учун зарур бўлган маълумотлар**

№		Пахта		Бугдой		Жами	
		Базис йили	Ҳисобот йили	Базис йили	Ҳисобот йили	Базис йили	Ҳисобот йили
1	Маҳсулот миқдори, ц.	3600	3783	10433	12929	х	Х
2	1 ц маҳсулот баҳоси, сўм	17890	19908	4463	4624	х	Х
3	1 ц таннархи, сўм	15410	16682	3950	4030	х	Х
4	1 ц фойдаси, сўм	2480	3226	513	594	х	Х
5	1 ц бўйича шартли фойда (P_1-Z_0)	х	4498	х	674	х	Х
6	Пул тушуми, минг сўм	64404	75311	46562	59784	110966	135095
7	Шартли пул тушуми, минг сўм	х	67678	х	57702	х	125380
8	Таннарх, минг сўм	55476	63127	41210	52104	96686	115231
9	Шартли таннарх, минг сўм	х	58296	х	51070	х	109366
10	Ялпи фойда, минг сўм	8928	12184	5352	7680	14280	19864
11	Шартли ялпи фойда, минг сўм	х	17016	х	8714	х	25730
12	Сотилган маҳсулот таннархи бўйича структураси, %	57,4	54,8	42,6	45,2	100	100
13	Рентабеллик даражаси, %	16,1	19,3	13,0	14,7	14,8	17,2

19-жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимликчилик соҳаси бўйича рентабеллик даражаси базис йилида 14,8 % ни, ҳисобот йилида 17,2 % ни

ташқил қилган бўлиб, унинг даражаси 2,4 % га ошган. Бошқача айтганда 1 сўмлик қилинган харажатга олинган ялпи фойда суммаси 14,8 тийиндан 17,2 тийингача ошган, яъни 2,4 тийинга фойда кўпайган.

Ўртача рентабеллик даражасининг ўзгаришига учта омил таъсир қилган, шундан биттаси – ўртача сотиш баҳосининг ошиши ижобий, сотилган маҳсулот структурасининг ёмонлаши билан таннархнинг қимматлашиши салбий таъсир қилган.

Сотилган ўсимликчилик маҳсулотлари таркибидаги юқори даромадли пахта салмоғи 57,4 % дан 54,8 % га пасайган, пахтага нисбатан кам даромадли бўлган буғдой салмоғи 42,6 % дан 45,2 % га ошган.

Ушбу кўрсаткичлар тармоқда сотилган маҳсулотлар структурасининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ёмонлашганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам шу омил ҳисобига рентабеллик даражаси 0,2 % га пасайган:

$$\begin{aligned} \frac{\sum q_1(P_0 - Z_0)}{\sum q_1 Z_0} - \frac{\sum q_0(P_0 - Z_0)}{\sum q_0 Z_0} &= \frac{3783(17890 - 15410) + 12929(4463 - 3950)}{3783 \cdot 15410 + 12926 \cdot 3950} - \\ &- \frac{3600(17890 - 15410) + 10433(4463 - 3950)}{3600 \cdot 15410 + 10433 \cdot 3950} = \frac{3783 \cdot 2480 + 12929 \cdot 513}{58296 + 51070} - \frac{3600 \cdot 2480 + 10433 \cdot 513}{55476 + 41210} = \\ &= \frac{9382 + 6633}{109366} - \frac{8928 + 5352}{96686} = \frac{16015}{109366} - \frac{14280}{96686} = 0,146 - 0,148 = 14,6 - 14,8 = -0,2\% \end{aligned}$$

Рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи иккинчи омил бўлиб, ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобланади. Ўртача сотиш баҳоси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 7,7 % га ошган:

$$\sum q_1 p_1 / \sum q_1 p_0 = 135045 / 125380 = 1,077 \text{ ёки } 107,7\%, \quad 107,7 - 100 = + 7,7\%$$

Натижада шу омил ҳисобига ўртача рентабеллик даражаси 8,9 % га ошган:

$$\begin{aligned} \frac{\sum q_1(P_1 - Z_0)}{\sum q_1 Z_0} - \frac{\sum q_1(P_0 - Z_0)}{\sum q_1 Z_0} &= \frac{3783(19908 - 15410) + 12929(4624 - 3950)}{3783 \cdot 15410 + 12929 \cdot 3950} - \\ &- \frac{3783(17890 - 15410) + 12929(4463 - 3950)}{3783 \cdot 15410 + 12929 \cdot 3950} = \frac{3783 \cdot 4498 + 12929 \cdot 674}{58296 + 51070} - \frac{3783 \cdot 2480 + 12929 \cdot 513}{58296 + 51070} = \end{aligned}$$

$$= \frac{17016 + 8714}{109366} - \frac{9382 + 6633}{109366} = \frac{25730}{109366} - \frac{16015}{109366} = 0,235 - 0,146 = 0,089 \text{ ёки } 8,9 \%$$

Рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи учинчи омил бўлиб, маҳсулот бирлиги таннархининг ўзгариши ҳисобланади. Ўртача таннарх ҳисобот базис йилига нисбатан 5,4 % га қимматлашган:

$$\sum q_1 Z_1 / \sum q_1 Z_0 = 115231 / 109366 = 1,054 \text{ ёки } 105,4 \%; 105,4 - 100 = +5,4 \%$$

Натижада шу омил ҳисобига ўртача рентабеллик даражаси 6,3 % га пасайган:

$$\begin{aligned} \frac{\sum q_1 (P_1 - Z_1)}{\sum q_1 Z_1} - \frac{\sum q_1 (P_1 - Z_0)}{\sum q_1 Z_0} &= \frac{3783(19908 - 16682) + 12929(4624 - 4030)}{3783 * 16682 + 12929 * 4030} - \frac{25730}{109366} = \\ &= \frac{3783 * 3226 + 12929 * 594}{63127 + 52104} - \frac{25730}{109366} = \frac{12204 + 7680}{115231} - \frac{25730}{109366} = \frac{19884}{115231} - \frac{25730}{109366} = 0,172 - 0,235 = \\ &= -0,063 \text{ ёки } -6,3 \%. \end{aligned}$$

Ушбу таҳлилий ҳисоб-китоблардан маълумки, хўжаликда маҳсулотларни сотиш рентабеллигини ошириш имкониятлари бўлиб, сотилган маҳсулотлар таркибида юқори даромадли маҳсулотлар салмогини ошириш ва сотилган маҳсулотлар бўйича харажатлар даражасини камайтириш ҳамда маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳисобига ўртача сотиш баҳоси даражасини кескин кўтариш ҳисобланади.

3.2. Фермер хўжаликларининг тўлов қобилияти ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили

Барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар каби фермер хўжалиги ҳам турли хил корхоналар, ташкилот ва муассасалар билан иқтисодий алоқа бўлади, яъни мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар ва шу жумладан тайёрлов ташкилоти, солиқ, банк, суғурта ташкилотлари ва бошқа кредиторлар билан иқтисодий муносабатда бўлади. Ушбу иқтисодий алокалар молиявий интизом чегарасида содир бўлиши, яъни белгиланган муддатларда амалга ошиши катта аҳамиятга эга. Мол етказиб берувчиларга, карзини ўз вахтида тўлаш, тижорат банкларидан олган кредитларни

белгиланган муддатда узиш, давлат бюджетига соликларни ўз вақтида тўлаш ва ҳоказо тўловларни амалга ошириш, сотиб олувчилардан ва шу жумладан тайёрлов ташкилотларидан қарзини ўз вақтида ўндириб олиш каби жараёнларни ҳисоб-китоби иқтисодий таҳлил бўйича чуқур билимни талаб қилади. Ушбу жараёнларнинг натижалари хўжаликнинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларда намаён бўлади, шунинг учун тўловга қодирлик даражасини ўрганиш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун таҳлилнинг олдида қуйидаги асосий вазифаларда туради.

- 1) тўлов маблағлари ва тўлов мажбуриятларини ҳажмини аниқлаш, ҳисоблаш;
- 2) тўловга қодирлик кўрсаткичларини унинг барча турлари бўйича аниқлаш;
- 3) тўлов қобилиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таъсирини ҳисоблаш, баҳо бериш;
- 4) тўлов қобилияти кўрсаткичи даражасини ошириш имкониятларини кўрсатиш.

Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш учун тўлов қобилиятини ифодаловчи барча кўрсаткичларини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш зарур. Ҳисоблаш ва таҳлил этиш тартиби ушбу бобда қуйида ёритилди.

Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришдаги асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, тўлов қобилиятини ифодаловчи коэффициент ҳисобланади.

Баланс бўйича хўжаликнинг тўлов қобилиятига айланма активларнинг ликвидлик кўрсаткичлари орқали баҳо берилади.

Баланс ликвидлик кўрсаткичларини таҳлил этишдаги асосий манбадир.

Бухгалтерия балансида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил бўлиш манбалари тўлиқ акс эттирилган бўлади. Хўжалик маблағлари балансининг активида ва уларнинг манбалари эса пассивида кўрсатилади. Хўжалик маблағлари ҳозирги пайтда «Узоқ муддатли активлар» ва «жорий активлар»

тариқасида, уларнинг манбалари эса «Ўз маблағлари манбалари» ва «мажбуриятлар» номлари билан балансда акс эттирилган.

Баланс ликвидлиги деб нимага айтилади? Хўжаликнинг ўз жорий активлари билан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплай олиш қуввати баланс ликвидлиги дейилади. Бошқача айтганда баланс ликвидлиги қарзларни тўлашга бўлган қурбининг даражасини ифодалайди.

Корхонанинг жорий активларини қисқа муддатли мажбуриятларига бўлиш орқали баланснинг ликвидлик даражаси аниқланади, яъни тўловга кодирлик кўрсаткичи аниқланади. Тўловга кодирлик - мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олиш қобилиятини англатади.

Активлар ликвидлиги деб нимага айтилади?

Активлар ликвидлиги деб активларнинг вақт бўйича нақт пул шаклига айланишига (ўтишига) айтилади. Активларнинг нақт пулга айланиши учун кетадиган вақт уларнинг тезлигини ифодалайди.

Активларнинг ҳар бир тури пул шаклини олганга қадар ўтган вақт қанча кам бўлса, унинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Баланс бўйича тўлов қобилиятини таҳлил этишга киришишдан олдин баланс активи ва пассивидаги моддаларни махсус белгилари бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баланснинг активидаги хўжалик маблағлари «ликвидлик даражаси (яъни пулга айланиш тезлиги) бўйича ва баланснинг пассивидаги хўжалик маблағларининг манбалари «тўлов муддатлари даражаси» бўйича махсус гуруҳларга бўлинади.

Баланс активларини пулга айланиш тезлиги бўйича қуйидаги 4-та гуруҳга бўлиб, таҳлил этилади.

A1 – энг юқори ликвидли активлар. Булар доимий ҳаракатдаги активлар деб ҳам юритилади.

Бу гуруҳга корхонанинг барча пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар (қимматли қоғозлар) киради.

A2 – тез реализация этиладиган активлар.

Ушбу гуруҳга барча дебиторлик қарзлари киритилиб келинмоқда. Бу гуруҳга тайёр маҳсулот, товарлар, ўстириш ва боқувдаги молларнинг қийматларини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз, аммо ўстириш ва боқувдаги молларнинг қиймати балансда ажратиб кўрсатилмаганлиги учун биз ушбу гуруҳни ҳажмини дебиторлик қарзлари, тайёр маҳсулот ва товарлар қиймати тариқасида олдиқ ва таҳлил қилдик.

А3 – Секинлик билан реализация этиладиган активлар.

Бу гуруҳга моддий ишлаб чиқариш захиралари ва сарфлари тўлиқ киритилиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча бу гуруҳга ишлаб чиқариш захиралари (ўстириш ва боқувдаги моллар қийматидан ташқариси), тугалланмаган ишлаб чиқариш ва узоқ муддатли инвестицияни киритиб, келгуси давр харажатларини чегириб ташлаш керак.

А4 – қийинчилик билан реализация этиладиган активлар.

Бу гуруҳга «Узоқ муддатли активлар» киритилиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча бу гуруҳга узоқ муддатли инвестициядан ташқари колган жами қисмини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баланс пасивларини «Тўлов муддати даражаси» бўйича қуйидаги 4-та гуруҳга бўлиб, таҳлил этилади.

П1 – Тезликда тўланадиган мажбуриятлар. Бу гуруҳга жорий кредиторлик қарзлари билан ўз вақтида қайтарилмаган банк ссудалари киради. Жорий кредиторлик қарзлари кредиторлик қарзларидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тўлов муддати узайтирилган кредиторлик қарзларини чегириб ташлаш орқали аниқланади.

П2 – Қисқа муддатли пасивлар.

Ушбу гуруҳга муддатида қайтарилмаган ссудалардан ташқари қисқа муддатли кредитлар ва қисқа муддатли қарзлар киради. Буларнинг ҳажмини аниқлаш учун қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар суммасидан Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари билан тўлов муддати узайтирилган ссуда қарзлари суммасини чегириб ташлаш керак. Буларни муътадил қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар деб аташ зарур.

ПЗ – Узоқ муддатли пассивлар.

Ушбу гуруҳга узоқ муддатли кредитлар ва узоқ муддатли қарзлар киради.

П4 – Доимий пассивлар.

Бу гуруҳга баланс пассивининг 1-бўлимидаги барча моддалар киритилади, яъни «Ўз маблағларининг манбалари» нинг жами доимий пассивлар бўлиб ҳисобланади.

Баланснинг ҳам активи, ҳам пассивини махсус гуруҳларга бўлиб олгандан кейин ликвидлик (тўловга қодирлик) кўрсаткичлари аниқланади ва шулар асосида тўлов қобилияти кўрсаткичи таҳлил қилинади.

Баланс-нетто маълумотлари асосида гуруҳларга бўлинган активлар ва пассивлар таркибидаги моддалар асосида фермер хўжалигининг тўлов қобилиятига баҳо бериш учун амалиётда баланс ликвидлигининг қуйидаги нисбий кўрсаткичлари қўлланилади.

1. Мутлоқ ликвидлик коэффиценти (мутлоқ тўловга қодирлик коэффиценти).
2. Тезкор ликвидлик коэффиценти (оралиқ тўловга қодирлик коэффиценти).
3. Жорий ликвидлик коэффиценти (жорий тўловга қодирлик коэффиценти).

Ушбу коэффициентлар бир-биридан формуланинг суратидаги тўлов маблағларининг таркиби бўйича фарқ қилади, яъни қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашда (тўлашда) иштирок этувчи ликвидли активлар таркиби билан бир-биридан фарқ қилади. Энди, ушбу коэффициентларни ҳисоблаш усулларига тўхталамиз.

1. **Мутлоқ ликвидлик коэффиценти.** Бу коэффицентни аниқлаш учун юқори ликвидли активларни (А1) қисқа муддатли мажбуриятларга (тезликда тўланадиган мажбуриятлар (П1) билан муътадил қисқа муддатли пассивлар (П2) суммаларининг йиғиндисига) бўлиш керак.

$$K_{мл} = \frac{A1}{П1+П2}$$

«Энг юқори ликвидли активлар» юқорида қайд қилинганидек пул маблағлари билан қисқа муддатли инвестициялардан ташкил топади. Бу коэффициент хўжаликнинг мутлоқ тўловга қодирлиги даражасини ифодалайди. Бошқача айтганда пул маблағлари билан қисқа муддатли инвестициялар (қимматли қоғозлар) ҳисобига қисқа муддатли қарзларини қанча қисмини қайтара олиши (ёки тўлай олиши) мумкинлигини билдиради. Ушбу коэффициент 0.2 дан 0.5 гача бўлса муътадил кўрсаткич бўлиши мумкин.

$$K_{мл} = 0.2 - 0.5$$

2.Тезкор ликвидлик коэффициенти. Бу коэффициентни оралик тўловга қодирлик коэффициенти деб ҳам аташади. Буни ликвидлик коэффициенти формуласининг суратига (A1) дебиторлик қарзлари, тайёр ва товар маҳсулотлари қийматини қўшиб, йиғиндисини (A2) жорий кредиторлик қарзлари билан муътадил қисқа муддатли пассивлар жамига бўлиш керак.

Демак, бошқача айтганда, ушбу коэффициентни аниқлаш учун «энг юқори ликвидли активлар» га «тез реализация этиладиган активлар (A2) суммасини қўшиб, йиғиндисини муътадил қисқа муддатли мажбуриятлар» суммасига бўлмоқ керак, яъни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$K_{Тл} = \frac{A1 + A2}{П1 + П2}$$

Агар ушбу коэффициент «1» ёки ундан катта бўлса муътадил кўрсаткич бўлиши мумкин.

$$K_{Тл} \geq 1$$

Демак, ушбу коэффициент шундай бўлган тақдирда корхона мавжуд пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, дебиторлик қарзлари, тайёр маҳсулот ва товарлар билан муътадил қисқа муддатли мажбуриятларни

қоплаш қурбига (қобилиятига) эга бўла олади, агар дебиторлик қарзларни тезликда ўндираолса, тайёр маҳсулот ва товарларни ўз вақтида сотиб пулга айлантира олса, шунда тўлов лаёқатига эга бўлади.

2. Жорий ликвидлик коэффиценти. Бу коэффицентни аниқлаш учун «энг юқори ликвидли активлар» билан «Тез реализация этиладиган активлар» таркибига «секинлик билан реализация этиладиган актив» ларни қўшиб, жами суммасини муътадил қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш керак, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади.

$$K_{жл} = \frac{A1 + A2 + A3}{П1 + П2}$$

Формуланинг суръатидаги кўрсаткичлар келгуси давр харажатларини чегириб ташлангандан кейин, қолган жами жорий активлар ҳажмини ифодалайди. Демак, жорий активлар суммасини муътадил қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш орқали жорий ликвидлик коэффиценти аниқланади. Бошқача айтганда, жорий тўловга қодирлик коэффиценти аниқланади.

Жорий ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффиценти нимани билдиради?

Бу коэффицент хўжалик дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундира олса, тайёр ва товар маҳсулотларини муътадил ҳолатда реализация қила олса, ҳамда ишлаб чиқариш захираларини айрим турларини зарурат туғилганда сота олганда ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни пул шаклига айлантира олган тақдирда корхона айланма активлари билан муътадил қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай (тулай) олиш имкониятига эга бўлишлигини яъни тўловга қодир бўлишлигини билдиради.

Ушбу коэффицент 2 ва ундан ортиқ бўлса, уни муътадил кўрсаткич деб

аташ мумкин.

$$K_k \geq 2$$

Юқорида баён қилинган тўловга қодирлик (яъни ликвидлик) коэффицентларини ҳисоблаш тартибини қуйидаги шаклда келтирдик.

1-шакл.

Тўловга қодирлик коэффицентларини ҳисоблаш тартиби

Коэффицентлар номи	Коэффицентларни ҳисоблаш усули	Коэффицентларни ҳисоблашда кулланиладиган кўрсаткичларнинг номи
1. Мутлоқ ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффиценти	$K_{мл} = \frac{A1}{P1 + P2}$	A1-Пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар (кимматли коғозлар). P1-Жорий кредиторлик қарзлари. P2-Муътадил қисқа муддатли пасивлар (кредитлар ва қарзлар)
2. Тезкор ликвидлик (оралиқ тўловга қодирлик) коэффиценти	$K_{тл} = \frac{A1 + A2}{P1 + P2}$	A2-Дебиторлик қарзлари, тайёр маҳсулот ва товарлар ҳажми (тез реализация этиладиган товарлар)
3. Жорий ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффиценти	$K_{жл} = \frac{A1 + A2 + A3}{P1 + P2}$	A3-Секинлик билан реализация этилади- ган активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгу-си давр харажатларисиз).

Хўжалик юритувчи субъект баланси асосида маълум санага тўловга қодирлик қобилиятини ифодаловчи коэффицентлар аниқланади ва таҳлил қилинади.

Тўловга қодирлик коэффицентларини аниқлаш тартиби ҳам назарий, ҳам услубий жихатдан юқорида ёритилди. Энди таҳлил қилиш усулига тухтаймиз. Бунинг учун тўлов маблағлари ва тўлов мажбуриятларини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

Солиштириш усулидан фойдаланиб, ликвидлик (тўловга қодирлик) кўрсаткичларининг ўзгариши аниқланади. Ҳисобот даврининг охиридаги ликвидлик коэффицентининг у ёки бу кўрсаткичини шу даврнинг бошидаги

коэффициентига (ёки белгиланган меъёр коэффициентига) солиштириб, унинг ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади. Сўнгра ўзгаришнинг сабаблари топилади. Ўзгаришнинг сабабларини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади. Энди, тўловга қодирликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлилини навбати билан кўриб чиқамиз.

Мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентининг таҳлили. Ушбу коэффициент ўзгаришига юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибди, уч гуруҳ омил таъсир қилади.

1. Жорий кредиторлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши (Π_1)
2. Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар суммасининг ўзгариши (Π_2)
3. Энг юқори ликвидли активлар суммасининг ўзгариши (A_1)

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги 4-та занжирли боғланиш кўрсаткичлари аниқланиб олинади.

$$\begin{array}{ll} \text{I. } K_{\text{мл}_0} = \frac{A_{10}}{\Pi_{10} + \Pi_{20}} & \text{II. } K_{\text{млш}_1} = \frac{A_{10}}{\Pi_{11} + \Pi_{20}} \\ \text{III. } K_{\text{млш}_2} = \frac{A_{10}}{\Pi_{11} + \Pi_{21}} & \text{IV. } K_{\text{мл}_1} = \frac{A_{11}}{\Pi_{11} + \Pi_{21}} \end{array}$$

Ушбу коэффициентлардан фойдаланиб, мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентининг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

Иккинчи боғланиш кўрсаткичидан (1-нчи шартли боғланиш коэффициентидан) базис давридаги мутлоқ ликвидлик кўрсаткичини айириш орқали коэффициентнинг ўзгаришига жорий кредиторлик қарзлари ҳажми ўзгаришининг таъсири аниқланади.

Коэффициентнинг ўзгаришига қисқа муддатли пасивлар суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун учинчи занжирли боғланиш кўрсаткичидан 2-нчи боғланиш кўрсаткичини айириб ташлаш керак.

Коэффициентнинг ўзгаришига энг юқори ликвидли активлар суммасини ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 4-боғланиш кўрсаткичидан (йил

охиридаги тўловга қодирлик коэффициентидан) 3-боғланиш кўрсаткичини айириб ташлаш керак.

Омиллар таъсирларининг йиғиндиси мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентининг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт. Шундан кейин омилларнинг ҳар бирининг таъсирига баҳо берилиб ишқониятлари кўрсатилиши керак.

Энди, юқорида келтирилган усул коидалари асосида 28-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

Йил охиридаги мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентидан йил бошидаги коэффициентини чегириш орқали унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$\begin{aligned}
 IV-I &= \frac{A1_1}{\Pi1_1+\Pi2_1} - \frac{A1_0}{\Pi1_0+\Pi2_0} = \frac{350+280}{41412+22938} - \frac{200+250}{58421+12161} \\
 &= \frac{630}{64350} - \frac{450}{70582} = 0.01-0,006 = + 0.004 \text{ ёки } + 0.4 \%
 \end{aligned}$$

Демак, мутлоқ тўловга қодирлик коэффициенти йил охирида йил бошига нисбатан 0,4 фоизга ошган, аммо бу меъёрга нисбатан ниҳоятда паст.

Ушбу ўзгариш қуйидаги 3-та гуруҳ омил ҳисобига содир бўлган:

1-омил. Жорий кредитлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши ҳисобига:

$$\begin{aligned}
 II-I &= \frac{A1_0}{\Pi1_1+\Pi2_0} - \frac{A1_0}{\Pi1_0+\Pi2_0} = \frac{450}{41412 + 12161} - \frac{450}{58421+12161} = \frac{450}{53573} - \\
 &= \frac{450}{70582} = 0,0084 - 0,0064 = + 0,002 \text{ ёки } 0,2 \%
 \end{aligned}$$

Демак, жорий кредиторлик қарзлари суммасининг 17009 минг сумга камайиши туфайли тўловга қодирлик коэффийиенти 0,2 фоизга ошган.

2-омил. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\begin{aligned} \text{III-II} \quad & \frac{A1_0}{1_1+П2_1} - \frac{A1_0}{П1_1+П2_0} = \frac{450}{41412+22938} - \frac{450}{41412+12161} = \\ & = \frac{450}{64350} - \frac{450}{53573} = 0,007 - 0,008 = - 0,001 \text{ ёки } 0,1 \% \end{aligned}$$

Демак, қисқа муддатли банк кредитлари суммасининг йил охирида йил бошига нисбатан 10777 минг сумга ошиши тўловга қодирлик коэффицентини 0,1 фоизга пасайишга олиб келади.

3- омил. Энг юқори ликвидли активлар ҳажми ўзгаришининг таъсири :

$$\begin{aligned} \text{IV-III} \quad & \frac{A1_1}{П1_1+П2_1} - \frac{A1_0}{П1_1+П2_1} = \frac{350+280}{41412+22938} - \frac{450}{41412+22938} = \\ & = \frac{630}{64350} - \frac{450}{64350} = 0,01 - 0,007 = +0,003 \text{ ёки } 0,3 \% \end{aligned}$$

Демак, пул маблағлари билан қисқа муддатли инвестициялар ҳажмининг йил охирида йил бошига нисбатан 180 минг сумга ошиши тўловга қодирлик коэффицентининг 0,3 фоизга ошишига сабабчи бўлган. Бу нимани билдиради? Бу юқори ликвидли активлар билан қисқа муддатли мажбуриятларни тўлай олиш қурбининг 0,3 фоизга ошганлигини билдиради. Бу белгиланган минимум меъёрга нисбатан бир неча мартага пастдир. Демак, пул маблағлари ва қимматли коғозлар ҳажмини ошириш чораларини кўриш зарур.

Тўловга қодирликни ифодаловчи кўрсаткичлардан бири **оралиқ ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффицентини ҳисобланади.** Бу

коэффициентнинг таҳлилини ҳам «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида кўриб чиқиш қулайроқ бўлади.

Ликвидлик коэффициентининг ўзгаришига унинг формуласидан кўриниб турибдики, 4- та омил таъсир қилади:

1. Тезликда тўланадиган мажбуриятлар ҳажмининг ўзгариши (П1)
2. Қисқа муддатли пассивлар суммасининг ўзгариши (П2)
3. Энг юқори ликвидли активлар суммасининг ўзгариши (А1)
4. Тез реализация этиладиган активлар суммасининг ўзгариши (А2)

Келтирилган формуладан фойдаланиб, «Занжирли боғланиш» усулини қўллаб «Оралиқ ликвидлик коэффициенти» нинг ўзгаришига юқоридаги омилларнинг таъсири аниқланади. Таҳлил этиш усули мутлоқ тўловга қодирлик коэффициентининг ўзгаришини таҳлил этиш йўлининг ўзгинасидир. Шунинг учун ушбу коэффициент таҳлилини ўқувчи ўзи мустақил бажариши тавсия қилинади.

Бунинг учун қуйидаги боғланиш кўрсаткичларидан фойдаланиб, таҳлил қилинг.

I. $\frac{A1_0 + A2_0}{P1_0 + P2_0}$	IV. $\frac{A1_1 + A2_0}{P1_1 + P2_1}$
II. $\frac{A1_0 + A2_0}{P1_1 + P2_0}$	V. $\frac{A1_1 + A2_1}{P1_0 + P2_0}$
III. $\frac{A1_0 + A2_0}{P1_1 + P2_1}$	

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин омиллар таъсирини топинг ва хар бирининг таъсирига баҳо бериб, хулоса қилинг.

Тўловга қодирликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, **жорий ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффициенти** ҳисобланади.

Жорий ликвидлик (тўловга қодирлик) коэффиценти муътадил жорий активларнинг жамини муътадил қисқа муддатли мажбуриятларнинг жамига нисбати тариқасида аниқланади:

$$K_{жл} = \frac{A1 + A2 + A3}{П1 + П2} .$$

Ушбу коэффицент 2000-йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитаси томонидан биргаликда тасдиқланган «Санация қилинган иқтисодий ночор қишлоқ хўжалик корхонасининг тўловчанлик қобилиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш режасини тўзиш бўйича услубий тавсиянома»да келтирилган тўловга қодирлик коэффицентига мос келади. Фақат ушбу тавсияномада келгуси давр сарфларини чегириб ташлаш бўйича маълумот берилган эмас.

Тавсияномада коэффицент қуйидаги формула билан аниқланган:

$$K_{тк} = \frac{A2}{П2 - УҚК - МУМ} .$$

Бунда, $A2$ – жорий активлар жами

$П2$ – мажбуриятлар жами

$МУМ$ – Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тўлов муддати узайтирилган мажбуриятлар.

$УҚК$ – узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар

Бу ерда биз омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўзимиз томонимиздан юқорида келтирилган тўловга қодирлик коэффицентини ифодаловчи формула ёрдамида «Занжирли боғланиш» усули орқали омилли таҳлил қилиш тартибини келтирдик.

Ҳисобот даврининг охиридаги Жорий тўловга қодирлик коэффицентини давр бошидаги коэффицентига солиштириб, унинг ошган ёки пасайганлиги аниқланади, сўнгра ўзгаришга омиллар таъсири топилади.

Тўловга қодирлик коэффицентининг ўзгаришига юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, 5-та омил таъсир қилади, шулардан 4-таси «Оралик тўловга қодирлик» коэффицентининг таҳлили қисмида кўрсатилган. Бешинчи омил бўлиб «Секинлик билан реализация этиладиган активлар (А3)» ҳисобланади.

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади. Омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги Занжирли боғланиш кўрсаткичларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\text{I. } \text{КЖЛ}_0 = \frac{\text{А1}_0 + \text{А2}_0 + \text{А3}_0}{\text{П1}_0 + \text{П2}_0}$$

$$\text{II. } \text{КЖЛ}_{\text{III1}} = \frac{\text{А1}_0 + \text{А2}_0 + \text{А3}_0}{\text{П1}_1 + \text{А2}_0}$$

$$\text{III. } \text{КЖЛ}_{\text{III2}} = \frac{\text{А1}_0 + \text{А2}_0 + \text{А3}_0}{\text{П1}_1 + \text{П2}_1}$$

$$\text{IV. } \text{КЖЛ}_{\text{III3}} = \frac{\text{А1}_1 + \text{А2}_0 + \text{А3}_0}{\text{П1}_1 + \text{П2}_1}$$

$$\text{V. } \text{КЖЛ}_{\text{III4}} = \frac{\text{А1}_1 + \text{А2}_1 + \text{А3}_0}{\text{П1}_1 + \text{П2}^1}$$

$$\text{VI. } \text{КЖЛ}_1 = \frac{\text{А1}_1 + \text{А2}_1 + \text{А3}_1}{\text{П1}_1 + \text{П2}_1}$$

Ушбу кўрсаткичлар асосида жорий ликвидлик (тўловларга қодирлик) коэффиценти ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади ва хулосалар чиқарилади.

Тезликда тўланадиган мажбуриятлар ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун иккинчи кўрсаткичдан (1-нчи шартли кўрсаткичдан) биринчи кўрсаткич (ҳисобот даврининг бошидаги коэффицент) айрилади.

Иккинчи шартли тўловга қодирлик коэффицентидан 1-шартли коэффицентини айириш оркали «Қисқа муддатли пассивлар» суммасининг ўзгаришини таъсири аниқланади.

Учинчи шартли тўловга қодирлик коэффициентидан иккинчи шартли коэффициентини айириш орқали жорий тўловга қодирлик коэффициентининг ўзгаришига энг юқори ликвидли активлар суммаси ўзгаришининг таъсири аниқланади.

Тўртинчи шартли тўловга қодирлик коэффициентидан учинчи шартли коэффициентни айириш орқали «Тез реализация қилинадиган активлар»суммаси ўзгаришининг таъсири аниқланади.

Давр охиридаги тўловга қодирлик коэффициентидан (6-кўрсаткичдан) 4-нчи шартли коэффициентни (5-нчи кўрсаткични) айириш орқали «Секинлик билан реализация этиладиган активлар» суммаси ўзгаришининг таъсири аниқланади.

Юқоридаги омиллар таъсирларининг йиғиндиси, жорий тўловга қодирлик коэффициентининг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт. Шундан сўнг омилларнинг таъсирига (ижобий ёки салбий) баҳо берилиб, хулоса чиқарилиши керак.

Энди, 28-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида жорий тўловга қодирлик коэффициенти ўзгаришининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз.

Биринчи навбатда жорий тўловга қодирлик коэффициентининг умумий ўзгариши аниқланади.

$$\begin{array}{rcl}
 \frac{A1_1+A2_1+A3_1}{P1_1 + P2_1} - \frac{A1_0+A2_0+A3_0}{P1_0 + P2_0} & = & \frac{630+35720+28711}{41412 + 22938} - \frac{450+42679+29337}{58421 + 12161} = \\
 & = & \frac{65061}{64350} - \frac{72466}{70582} = 1,011 - 1,027 = - 0,016 \text{ ёки } - 1,6 \%
 \end{array}$$

Демак, жорий тўловга қодирлик коэффициенти йил бошида 1,027 микдорни, йил охирида 1,011 микдорни ташқил қилган, яъни йил охирида тўловга қодирлик даражаси 1,6 фоизга пасайган. Ушбу коэффициентлар умуман олганда меъёрга нисбатан 2 баробарга камдир. Демак тўлов қобилияти нихоятда паст. Жорий тўловга қодирлик коэффициентининг

ўзгаришига 5-та омил таъсир қилган, ҳар бирининг таъсири қуйида келтирилди.

1- омил. «Тезликда тўланадиган мажбуриятлар» ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\begin{aligned} \Pi - I &= \frac{A1_0 + A2_0 = A3_0}{\Pi 1_1 + \Pi 2_0} - \frac{A1_0 = A2_0 + A3_0}{\Pi 1_0 + \Pi 2_0} = \frac{450 + 42679 + 29337}{41412 + 12161} - \frac{450 + 42679 + 29337}{58421 + 12161} = \\ &= \frac{72466}{53573} - \frac{72466}{70582} = 1,353 - 1,027 = + 0,326 \text{ ёки } +32,6 \% \end{aligned}$$

Демак, тезликда тўланадиган мажбуриятлар (жорий кредиторлик қарзлари) ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 17009 минг сўмга камайган, натижада шу омил ҳисобига жорий тўловга қодирлик коэффиценти 32,6 % га ошган.

2-омил. «Қисқа муддатли пасивлар (қисқа муддатли кредитлар)» бўйича мажбуриятлар ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\begin{aligned} \text{III} - \text{II} &= \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi 1_1 + \Pi 2_1} - \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi 1_1 + \Pi 2_0} = \frac{450 + 42679 + 29337}{41412 + 22938} - \frac{450 + 42679 + 29337}{41412 + 12161} = \\ &= \frac{72466}{64350} - \frac{72466}{53573} = 1,126 - 1,353 = - 0,227 \text{ ёки } - 22,7 \% \end{aligned}$$

Демак, қисқа муддатли пасивлар (қисқа муддатли кредитлар) ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 10777 минг сўмга ошган, натижада жорий тўловга қодирлик коэффиценти йил охирида 22,7 % га пасайган.

3-омил. «Энг юкори ликвидли активлар» бўйича тўлов маблағлари ҳажми ўзгаришнинг таъсири:

$$IV - III = \frac{A1_1 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} - \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} = \frac{630 + 42679 + 29337}{41412 + 22938} - \frac{450 + 42679 + 29337}{41412 + 22938} =$$

$$= \frac{72646}{64350} - \frac{72466}{64350} = 1,129 - 1,126 = +0,003 \text{ ёки } +0,3 \%$$

Демак, пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 180 минг сўмга ошган, натижада шу омил ҳисобига жорий тўловга қодирлик коэффициенти 0,3 % га ошган, холос. Бу жуда паст кўрсаткич. Асосан тўловга қодирликни шу маблағларни кўпайтириш ҳисобига ошириш зарур.

4-омил. «Тез реализация этиладиган активлар» бўйича тўлов маблағлари ҳажми ўзгаришининг таъсири :

$$V - IV = \frac{A1_1 + A2_1 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} - \frac{A1_1 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} = \frac{630 + 35720 + 29337}{41412 + 22938} - \frac{630 + 42679 + 29337}{41412 + 22938} =$$

$$= \frac{65687}{64350} - \frac{72646}{64350} = 1,021 - 1,129 = -0,108 \text{ ёки } -10,8 \%$$

Демак, тез реализация этиладиган активлар (дебитор қарзлари, тайёр маҳсулотлар ва товарлар қиймати) бўйича тўлов маблағлари ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 6959 минг сўмга камайган, натижада шу омил ҳисобига жорий тўловга қодирлик коэффициенти 10,8 % га пасайган.

5-омил. «Секинлик билан реализация этиладиган активлар» бўйича тўлов маблағлари ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$VI - V = \frac{A11 + A21 + A31}{\Pi11 + \Pi21} - \frac{A11 + A21 + A3_0}{\Pi1 + \Pi21} = \frac{630 + 35720 + 28711}{41412 + 22938} - \frac{630 + 35720 + 29337}{41412 + 22938} =$$

$$= \frac{65061}{64350} - \frac{65687}{64350} = 1,011 - 1,021 = -0,01 \text{ ёки } -1,0 \%$$

Демак, секинлик билан реализация қилинадиган активлар ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 626 минг сўмга камайган, натижада шу омил ҳисобига коэффициент 1 % га пасайган.

Омилли таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги тўлов қобилиятининг йил охирида йил бошига нисбатан ўзгариши уч омилнинг салбий ва икки омилнинг ижобий таъсири остида юзага келган.

Тўловга қодирлик коэффициенти ошириш учун маҳсулотларни сотишдан олинadиган соф пул тушуми ҳажмини ишлаб чиқариш кўламини ривожлантириш ҳисобига ошириш зарур.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шаклларининг вужудга келиши ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий усуллариининг жорий этилиши барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасида талайгина муаммоларни вужудга келтирди. Бугунги куннинг талаби нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, асосий эътибордан бири қишлоқ хўжалиги субъектлари, хусусан, фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Маълумки, фермер хўжаликларини бошқариш ўзининг тамойиллари ва функцияларига таянади. Бошқариш фаолиятини амалга ошириш қўйидаги функцияларига таянган ҳолда амалга оширилади:

- ◆ бошқаришни ахборот билан таъминлаш (тўплаш, қайта ишлаш, иқтисодий воқеа ва ҳодисалар туғрисидаги ахборотларни тартибга солиш);
- ◆ иқтисодий таҳлил қилиш;

- ◆ режалаштириш ва прогнозлаш (иқтисодий ҳодисаларни жорий ва истиқболли режалаштириш);
- ◆ мувофиқлаштириш;
- ◆ ташкил қилиш;
- ◆ ҳисобга олиш;
- ◆ назорат қилиш (режаларни ва бошқаришга оид қарорларни амалга оширилишини назорат қилиш).

Магистрлик диссертациясида фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ривожлантириш масалалари атрофлича изоҳланган.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий таҳлил муҳим рол ўйнамоқда. Шу сабабли ҳам, иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этиш ва ундаги маълумотлардан самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини тўғри бошқаришлари учун комплекс таҳлил ишларини юқори савияда ташкил этишга ва таҳлилда фойдаланиладиган маълумотлар сифатини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасидаги муаммолар ва уларни баратараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Магистрлик диссертацияси иши натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларимизни баён қилиб ўтамыз:

Биринчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг аҳамияти ва зарурияти ўрганилди. Унга мувофиқ, ҳар бир фермер хўжалиги ўз фаолияти орқали қишлоқ турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшишини ташкил қилиши мақсадга мувофиқлиги асосланди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасидаги фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилнинг ўтказилиши ва ривожланиш

таърихи ўрганилди. Республикамизда таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва даврларига баҳо берилди ҳамда иқтисодий таҳлил асосан мустақиллик йилларида жуда тез ривожланганлиги эътироф этилди;

Учинчидан, фермер хўжаликларида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш босқичлари назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилди. Таҳлилнинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар ҳажмига баҳо берилди;

Тўртинчидан, фермер хўжаликларида комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишга оид маълум меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш зарурияти юзага келган деб ҳисоблаймиз. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишга оид қонунчилик нормалари мавжуд бўлгани ҳолда иқтисодий таҳлилни ташкил этишга оид қонунчилик нормалари шаклланимаган;

Бешинчидан, фермер хўжаликларининг маълумотларини комплекс ўрганишни ташкил этиш орқали уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини, меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини, моддий ресурслари таркиби ва тузилишини, маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини, активлари ва пасивлари тўғрисидаги маълумотларни, таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотларни, молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни, асосий воситалар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни, хусусий капитал ҳаракатини баҳолаш мумкин бўлади.

Магистрлик диссертациясида юқоридаги хулосалар билан бир каторда таклифлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб булар қуйидагилардан иборат:

1. Фермер хўжалигининг бухгалтерия баланси комплекс иқтисодий таҳлилнинг энг асосий ахборот манбаи эканлигини ҳисобга олиб уни миллий стандартлар асосида юритилишини ташкил этиш ва халқаро сифат нормаларига етказиш, баланс маълумотлари асосида хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини баҳолаш лозим. Бунда таҳлил

услугларидан кенг фойдаланиш, баъзи услубларни эса такомиллаштириш талаб этилади.

2. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида махсус “Иқтисодий таҳлил” бўлимлари ташкил этиш ва ушбу бўлимларда фақат мутахассислиги “иқтисодий таҳлилчи” бўлганлар ишлашини таъминлаш орқали комплекс таҳлилнинг натижавийлигини ошириш мумкин бўлади.

3. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ривожлантириш юзасидан илмий-назарий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Фермер хўжаликлари фаолиятида комплекс иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларининг сифатли тўлдирилишини таъминлаш, маълумотларнинг тўғрилигини кафолатловчи ҳуқуқий нормаларни кучайтириш лозим бўлади. Чунки, маълумотларнинг ишончли, тўғри ва таҳлил учун қулай бўлиши иқтисодий таҳлилнинг самарадорлигини оширади.

Магистрлик диссертация иши натижаси сифатида келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил эжтишни такомиллаштиради ва унда фойдаланилаётган ахборот маълумотларининг тўлиқ, ишончли ва мукаммал бўлишига эришилади. Бу эса миллий ҳисоб тизимининг халқаро андозалар талаби даражасига бирмунча яқинлашишига ҳамда бунинг натижасида сармоядорлар (инвесторлар)га қулай ва тушунарли тарзда маълумотлар етказиб беришга, республикаимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириб келиш оқимини янада кучайишига, мамлакатимиз фермер хўжаликларининг ривожланишига ва қишлоқ инфратузилмасининг янада тараққий этишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади деб ўйлаймиз.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларни тадбиқ этилиши иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг сифатини оширишнинг айрим масалаларини ҳал қилишда асосий омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 46 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. – Т.: Адолат, 2000. - 687 б.

1.1.4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август.

1.1.5. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.

1.1.6. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

1.1.7. “Банкротлик тўғрисида” (янги таҳрирда) (ЎЗР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган) (Мазкур Қонунга ЎЗР 20.12.2005 й. ЎРҚ-15-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

1.1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги (1995 йил 21 декабр) қонуни.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрел ПҚ-615-сон қарори «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2003 йил 30 августда "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада

рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (1998 йил 9 апрелдаги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида)

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги "Корхоналар банкротлиги ҳақидаги қонунларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-1658-сон Фармони

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (кейинги ўзгаришлар билан бирга) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи: «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида».

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи: «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган "Кичик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг

соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида” ги Низом, 1998 йил 9 апрел

1.3.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сон қарори

1.3.8. Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш Тартиби (ЎЗР АВ 14.08.1998 й. 473-сон билан рўйхатга олинган, ЎЗР ИНКИК 08.07.1998 й. 19-сон билан тасдиқланган Тартиби)

1.3.9. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎЗР АВ 14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори)

1.3.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сон ва 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорларига мувофиқ “Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартиби”

1.3.11. Ўзбекистон Республикаси Банкротлик ва санация масалари бўйича ҳукумат раисининг ўринбосарининг 1997 йил 17 апрелда 4-сон билан тасдиқлаган ва 1997 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган "Корхоналарнинг молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар"

1.3.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида”ги №ПП-1245 қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг №16/2-15207 (31.12.2009) хабарномаси

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари:

1.4.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.:

«Ўзбекистон», 1992. - 78 б.

1.4.2. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. - Т.: «Ўзбекистон», 1994. - 72 б.

1.4.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.

1.4.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 202 б.

1.4.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 686 б.

1.4.6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 50 б.

1.4.7. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». // Халқ сўзи 2002 йил 15 февраль.

1.4.8. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида / Тузувчи Ф.М. Муллажонов. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2005. - 528 б.

1.4.9. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “ Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

1.4.10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

1.4.11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 73 б.

5. Китоб ва туркум нашрлари

5.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

- 5.1.1. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил.-Т.: Меҳнат. 2001.-452 б.
- 5.1.2. Абдуллаев А. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Молия. 2003.-192 б.
- 5.1.4. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.
- 5.1.5. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.
- 5.1.6. Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Хайдаров М.Т.,Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогнозлаштириш. Уқув қўлланма Т.: «Фан ва технология» 2006. -248 б.
- 5.1.7.Баканов М. И., Шеремет А. Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика. 1993. - 326 с.
- 5.1.8. Бужинский А., Шеремет А. Д. Методика анализа хозяйственной деятельности производственного предприятия (обединения).- М.: Финансы и статистика. 1995. - 324 с.
- 5.1.9. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. - с.208
- 5.1.10. Вакуленко Л.Ф. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности для принятия управленческих решений-СПб:изд.торг.дом. «Герда», 1999.-160 с.
- 5.1.11. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т.,Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.
- 5.1.12. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 2003.-556 с.
- 5.1.13. Жигалов Н. В. Использование финансовых коэффициентов для оценки деятельности компании. - М.: МГИМО. 1993.
- 5.1.14. Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ. 2003.-256 б.
- 5.1.15. Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. - Т.: Меҳнат. 1995.-59 б.
- 5.1.16. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.

- 5.1.17. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 5.1.18. Козлова Е. П., Парашутин Н. В. Анализ финансового состояния и прогнозирования банкротства. М.: СП. Аудит - Ажур. 1994. - 162 с.
- 5.1.19. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ. 2004.-592 б.
- 5.1.20. Ковалёв О.В., Константинов Ю. П. Аудит. Учебное пособие. - М. Изд -Приор, 2000. - 272 с
- 5.1.21. Маркин В. П. Анализ внутрихозяйственных резервов. - М.: Финансы и статистика, 1991 г.
- 5.1.22. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.-Т.: «Академия». 2002.-176 б.
- 5.1.23. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001.-256 б.
- 5.1.24.Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.
- 5.1.25. Пардаев М. Қ., Исроилов Б. И. Молиявий таҳлил (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми) - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.
- 5.1.26. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. - 69 б.
- 5.1.27. Панков Д. А. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Минск. ИП Экоперспектива. 1998 г.
- 5.1.28. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.
- 5.1.29. Селезнева И.Н., Ионова А.Ф.Финансовый анализ:Учебное пособие.- М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-479 с.
- 5.1.30. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятий”. И.П. “Финанс”, 2003.
- 5.1.31. Савицкая Г.В. “Анализ производственно- финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий”. М.: “Инфра-М”, 2003.
- 5.1.32. Савицкая Г.В. “ Теория анализа хозяйственной деятельности”. М.: “Инфра-М”, 2006.

- 5.1.33. Флейшер К. “Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе”. М.: “Бином”, 2005.
- 5.1.34. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П., Маркарьянс С.Э. “Финансовый анализ”. Издания четвертое М.: “ИД ФБК-Пресс”, 2003.
- 5.1.35. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. “Финансовый анализ”. М.: “Проспект”, 2006,
- 5.1.36. Солика оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар. . – Т.: “Норма”, 2010. – 512 б.
- 5.1.37. Ғуломов С.С Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.-Т.: 1998.
- 5.1.38. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш.- Т.:«Молия». 2003 й.
- 5.1.39. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.(Монография)-Т.: Молия. 2003.-247 б.
- 5.1.40. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш.- Т.: Ўқитувчи. 2004.-100 б.
- 5.1.41. Шагиясов Т.Ш. и другие. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -352 с.
- 5.1.42. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. -220 б.
- 5.1.43. Чуев Й.Н., Чуева Л.Н. “Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности”. М.: “Дашков и Ко”, 2006.
- 5.1.44. Т.Қудратов., Ф.Жонибеков. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Самарқанд, 2006 й.

5.2. Кўп томлик китоблар:

5.2.1. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. В 2-х т. – Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов, 1997. – 417 с.

5.2.2. Маконелл К.Р., Брю Л.С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. /Пер. с англ. 2-го изд. - М.: “Республика”, 1992.

5.2.3. Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. 3 том. – Тошкент, 1994. - 320 б.

6. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

6.1. Абдувахидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

6.2. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудит: Иқтисод фанлари доктори ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2002. – 32 б.

6.3. Курбанбаев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

6.4. Пардаев М. Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

6.5. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари.- иқт.фан.докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферата - Т.: ЎзР БМА, 2004.

6.6. Ишонқулов Н.Ф. Пул оқимларининг ҳисоби ва таҳлилинини такомиллаштириш. - Иқтисод фанлари номзоди ...диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2007. – 21 б.

6.7. Мисиров К.М. Билвосита солиқларнинг молиявий ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2010. – 21 б.

7. Журнал ва газеталардаги мақолалар

- 7.1. Ҳакимов Б. Фирма пул оқимлари ҳисобини юритиш. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 70 б.
- 7.2. Ҳакимов Б. Халқаро тажриба: Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 2-сон 80 б.
- 7.3. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлилининг мақсади ва босқичлари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 88-94 б.
2.
7.4. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлили шакллари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 87 б.
- 7.5. Маматов Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётидаги ўзига хос муаммолар. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 19 б.

8. Хорижий илмий нашрлар

- 8.1. Charles T. Horngren, George Foster. Cost Accounting (A Managerial Emphasis). A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1990. 964 p.
- 8.2. Donald E. Kieso, Jtrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCONTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 1332 p.
- 8.3. Jack C. Robertson. Auditing. R.R. Donnelley & Sons Company, USA. 1996. 982 p.
- 8.4. Lowrence Revsine, Danial W. Collins, W. Bruce Johnson. Financial Reporting & Analysis. Pearson Education, New Jersey. 1999. 1006 p.
- 8.5. Mc. Lead, Raymond Jr. Management information systems. A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1995. 754 p.
- 8.6. Paul E. Dascher, Jeffrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Working Papers to accompany Managerial Accounting. Thomson, Mason. 2003. Inc. 14-22.
- 8.7. Ronald M. Copeland, Paul E. Dascher, Jerrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Managerial Accounting. Thomson Learning, Ohio. 2001. Inc.13-34.
- 8.9. Stive Jackson, Roly Sowyers. Managerial Accounting (A Focus on Decision Making). Harcourt College Publishers, Orlandu. 2001. Inc. 16-17.

8.10. Shim K., Joel G. Siegel «Modern Cost Management & Analysis». Barron's Educational Series, USA. 2000. 346 p.

9. Симпозиум ва конференция ишларига хаволалар

9.1. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истикболлари: муаммо ва ечимлари» //Иккинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2006. -244 б.

9.2. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истикболлари: муаммо ва ечимлари» //Учинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2007. -258 б.

9.3. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги Респ.илм.-амал.конф.матер. 2009 йил 12 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -500 б.

9.4. «Баркамол авлодни иш билан таъминлаш – давр талаби» мавзусидаги Институт.илм.-амал. семинар.матер. 2009 йил 15 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -400 б.

10. Статистика ва ҳисобот материаллари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1996-2009 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

11. Интернет сайтлари

11.1. <http://www.Gov.uz/>

11.2. <http://www.Pravo.uz/>

11.3. <http://www.Zionet.uz/>

11.4. <http://www.Stat.uz/>

11.5. <http://www.analitic.ru/>